

ШАҲЛО ҲОЖИЕВА

Чўлпон

ВА МИЛЛИЙ
ШЕЪРИЯТНИНГ
ЯНГИЛАНИШИ

ШАҲЛО ҲОЖИЕВА

ЎЎЛПОН ВА МИЛЛИЙ ШЕЪРИЯТНИНГ ЯНГИЛАНИШИ

Монография



Тошкент – 2019

УЎК 821.512.133-95

КБК 83.3(5Ў)

Ҳ-44

Ҳожиева, Шахло.

Чўлпон ва миллий шеърятнинг янгиланиши [Матн]: монография / Ш.Ҳожиева. – Тошкент: Muharrir nashriyoti 2018. – 152 б.

ISBN 978-9943-5764-2-1

Ушбу монография XX аср аввалида миллий шеърятимиз янгиланишининг тамал тошини қўйган ижодкор Абдулҳамид Чўлпон адабий мероси тадқиқига бағишланган. Китобда мазкур илмий муаммо поэтик мазмун, поэтик образ ва поэтик шакл янгиланиши тамойиллари нуктаи назаридан таҳлил этилиб, эътиборга молик илмий хулосалар чиқарилган. Кўпминг йиллик ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт анъаналари ва жаҳон адабиёти ютуқлари Чўлпон шеърятидаги янгиланишининг адабий-эстетик омиллари бўлгани илмий-назарий жиҳатдан исбот этилган.

Монография адабиётшунос олимлар, докторантлар, магистрантлар ва Чўлпон шеъряти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК 821.512.133-95

КБК 83.3(5Ў)

Масъул муҳаррир:

Нафас Шодмонов,

филология фанлари доктори

Тақризчилар:

Наим Каримов,

академик, филология фанлари доктори, профессор

Дармоной Ўраева,

филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-5764-2-1

© Ш.Ҳожиева.

© "Muharrir nashriyoti",
Тошкент, 2019.

271345

*Мухтарама онажонларим Ойдин Авезова
ҳамда Машҳура Жабборованинг пок ва
ёрқин хотирасига таъзимлар-ла бағишлайман.
Муаллиф*

КИРИШ

Жаҳон адабиётшунослигида ижодкор бадий тафаккурнинг поэтик образларда намоён бўлиш усуллари, муайян миллий шеъриятда анъана ва янгиланиш жараёнининг ўзига хослиги масалалари долзарб муаммолардан бири сифатида тадқиқ этиб келинмоқда. Шундай ижодкорлар борки, улар бадий ижоддаги дастлабки қадамлариданоқ адабиётга янгича руҳ олиб кирази. Поэтик шаклда ҳамда поэтик образда улар амалга оширган янгиланиш индивидуал ижодий кашфиётлар даражасидан ўсиб, ўзи мансуб бўлган миллат адабиётида янги юксалиш босқичини бошлаб беради. Ижод лабораториясига хос ана шундай қонуниятларни, уларнинг юзага келиш тамойилларини тадқиқ қилиш янги илмий-назарий хулосаларга олиб келиши жиҳатидан долзарбдир.

Дунё адабиётшунослигида жаҳон халқлари шеъриятида бадий тафаккур тадрижи, поэтик жанрлар тақомилига хос тамойиллар, бадий ижод ва унинг миллат ҳамда умуминсоният поэтик тафаккури янгиланишига таъсири, Ғарбу Шарқ бадий-эстетик тасаввурининг намоён бўлиш усуллари сингари муҳим масалалар ўрганилмоқда. Поэтик мазмун янгиланиши миллий ва умуминсоний руҳият ифодасида акс этишига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Поэтик образдаги эврилишнинг бадий-эстетик тафаккур ривождаги ўрнига доир қарашлар илгари сурилмоқда. Поэтик шакл ўзгаришининг омилларига оид янги назарий хулосаларга келинмоқда.

Ўзбек адабиётшунослигида XX аср бошлари миллий шеъриятимизнинг янгиланиш тенденциялари юзасидан изчил

УЎК 821.512.133-95

КБК 83.3(5Ў)

Ҳ-44

Ҳожиева, Шахло.

Чўлпон ва миллий шеъриятнинг янгиланиши [Матн]: монография / Ш.Ҳожиева. – Тошкент: Muharrir nashriyoti 2018. – 152 б.

ISBN 978-9943-5764-2-1

Ушбу монография XX аср аввалида миллий шеъриятимиз янгиланишининг тамал тошини қўйган ижодкор Абдулҳамид Чўлпон адабий мероси тадқиқига бағишланган. Китобда мазкур илмий муаммо поэтик мазмун, поэтик образ ва поэтик шакл янгиланиши тамойиллари нуқтаи назаридан таҳлил этилиб, эътиборга молик илмий хулосалар чиқарилган. Кўпминг йиллик ўзбек халқ оғзаки ижоди, мумтоз адабиёт анъаналари ва жаҳон адабиёти ютуқлари Чўлпон шеъриятидаги янгиланишнинг адабий-эстетик омиллари бўлгани илмий-назарий жиҳатдан исбот этилган.

Монография адабиётшунос олимлар, докторантлар, магистрантлар ва Чўлпон шеърияти билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК 821.512.133-95

КБК 83.3(5Ў)

Масъул муҳаррир:

Нафас Шодмонов,

филология фанлари доктори

Тақризчилар:

Наим Каримов,

академик, филология фанлари доктори, профессор

Дармоной Ўраева,

филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-5764-2-1

© Ш.Ҳожиева.

© "Muharrir nashriyoti",

Тошкент, 2019.

271345

асарларини мафкуравий қолипларга таяниб эмас, санъат қонуниятлари асосида текшириш зарурлигини таъкидлаган³. Озод Шарафиддинов Чўлпон ижоди билан боғлиқ можароларни «Адабиётшунослик ва танқиднинг манқуртга айланиши» деган кўп йиллик ва кўп пардалиқ фожианинг биринчи пардаси» деб атайди. Олимнинг тадқиқотларида XX аср бошларидаги чўлпоншуносликнинг ҳолис илмий таҳлиллардан вульгар социологизм томонга оғиб боргани, охир-оқибатда Чўлпонни маҳв этиш билан яқунланиши жараёни муфассал тадқиқ қилинган⁴. Бироқ хорижда Чўлпон адабий меросини нисбатан ҳолис ўрганиш давом этгани маълум. Заки Валидий Тўғон, Тоҳир Чиғатой, Боймирза Ҳайит, Арслон Субутӣ, Нодир Давлат, Чиғатой Кўчор сингари олимларнинг тадқиқотлари бунинг исботидир⁵.

XX асрнинг 80-йилларидан кейингина Чўлпон асарлари нашр этила бошлади⁶. Шоир ижодига ҳолис ёндашув натижаси бўлган тадқиқотлар яратилди⁷. Ҳ.Ёқубов Чўлпон шеърятида Навоий аънаалари⁸, Н.Каримов Чўлпон ва миллий уйғониш, Чўлпон ва Пушкин, Чўлпон ва мусиқа⁹

³ Кодирий А. Чўлпон. "Тонг сирлари" / Чўлпон ва танқид. – Тошкент: Адабиёт жамғиармаси, 2004. – 27 б.

⁴ Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш / Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарк, 2004. – Б. 14-61.

⁵ Қаранг: Ҳаққулов И. Чўлпон шеърятининг хорижда ўрганилишига доир / Ҳаёт, адабиёт ва бадиият. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б. 79-88.

⁶ Чўлпон, Баҳорни соғиндим (Тўпловчи ва сўзбоши муаллифи И.Ҳаққулов.). – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 64 б.; Чўлпон, Яна олдим созимни. Кеча ва кундуз. Ёркиной. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 576 б.; Абдулҳамид Чўлпон. Гўзал Туркистон (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Дўстқораев). – Тошкент: Маънавият. – 128 б.

⁷ Шарафиддинов О. Чўлпон. Шоир ҳақидаги ривоятлар ва ҳақиқатлар. – Тошкент: Чўлпон, 1991. – 112 б.; Наим Каримов. Чўлпон. – Тошкент: Фан, 1991. – 84 б.

⁸ Ёқубов Ҳ. Чўлпон ва Навоий. – Тошкент: Шарк, 1997. – 48 б.

⁹ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – Б. 185-217; шу муаллиф. Уч буюк сиймо (Abdulla Qodiriy, Cho'lpon, Oybek). – Тошкент: Mumtoz so'z, 2019. – Б. 179-294.

сингари илмий муаммоларни тадқиқ қилди. Шоир адабий меросига оид номзодлик ва докторлик диссертациялари юзага келди¹⁰. Б.Қосимов шоирни янги ўзбек шеърининг бонийси сифатида баҳолаб, шеъриятида ғоя ва маслаги – Ватан ва миллат озодлиги акс этганига урғу берган¹¹ бўлса, Д.Қуронон шоирнинг вазн ва поэтик шакл борасидаги изланишлари, истибдодга исён руҳини ўзига хос бадиий талқин этишдаги ютуқлари юзасидан илмий кузатишлар қилган¹². Б.Каримов Чўлпон шеърияти юзасидан ўша давр матбуотидаги баҳсларни, ижодкорнинг Тагор ҳақидаги мақолаларини таҳлил этади¹³. Н.Жабборов шоир лирикасидаги поэтик рамз ва тимсоллар моҳияти, шеърларидаги озодлик орзусининг бадиий талқини хусусида фикр юритади¹⁴. Н.Шодмонов ХХ

¹⁰ Эшонова З. Чўлпон поэзиясининг ғоявий-бадиий хусусиятлари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1991. – Б.152; Қуронон Д. Чўлпоннинг «Кеча ва кундуз» романида характер психологизми: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1992. – Б. 157; шу муаллиф. Чўлпон поэтикаси (насрий асарлари асосида): Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1998. – Б. 280; Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида пейзаж: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994. – Б.167; Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1995. – Б.146; Эрназарова Г.Х. ХХ аср ўзбек поэзиясида миллий тафаккур ва унинг бадиий талқини (А.Чўлпон, Ғ.Ғулом, А.Орипов шеърияти мисолида): Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2001. – Б.147; Йўлдошбекова С.С., Чўлпоннинг публицистик ва муҳаррирлик фаолияти: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2002. – Б.155; Айматов А. Абдулҳамид Чўлпон эстетикасининг ғоявий-бадиий асослари: Фалсафа фан. номз... дисс. – Тошкент, 2011. – Б.135; Жабборов Д. Истиқлол даври ўзбек адабиётшунослигида Чўлпон ижоди талқинлари (шеърияти ва насрий асарлари мисолида): PhD ДА. – Самарқанд, 2018. – Б.136.

¹¹ Қосимов Б. Абдулҳамид Чўлпон / Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – Б. 424-456.

¹² Қуронон Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – Б. 27-51.

¹³ Каримов Б. Янгиланиш соғинчи. – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2004. – 80 б; Чўлпон ва танқид (Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи Б.Каримов). – Тошкент: Адабиёт жамғармаси, 2004. – 82 б;

¹⁴ Жабборов Н. Чўлпон шеъриятининг тимсоллар олами. /Чўлпон ва унинг адабий мероси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2018. – Б. 38-44; шу муал-

аср аввалида арузга ёндашувдаги ўзига хосликларга муносабат билдиради¹⁵. Бироқ ушбу тадқиқотларда Чўлпон шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиши қандай адабий-эстетик тамойиллар асосида кечгани масаласига эпизодик тарзда муносабат билдирилган бўлиб, мазкур илмий муаммо махсус тадқиқ этилган эмас. Ушбу монография шоир шеъриятида поэтик тафаккур янгиланиши тамойилларини яхлит тадқиқ этишга бағишлангани билан аввалги илмий ишлардан фарқ қилади.

лиф. Чўлпон шеъриятида миллий истиқлол орзусининг бадий талқини / Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён (Адабий-илмий мақолалар). – Тошкент: Mashhur-press, 2018. – Б. 45-52.

¹⁵ Шодмонов Н. Аруз вазни асослари. Қарши: Насаф, 2012. – Б. 8-9.

I БОБ. ИЖТИМОЙ-АДАБИЙ МУҲИТ ВА ИНДИВИДУАЛ ИЖОДИЙ ТАФАККУР – ПОЭТИК МАЗМУН ЯНГИЛАНИШИНING АСОСИ

1. Поэтик мазмун янгиланишида ижтимоий-адабий муҳитнинг ўрни

Поэтик мазмунни янгилашга қодир ижодкор ва ижтимоий-адабий муҳит муносабатлари муайян миллий адабиётнинг тараққиёт даражасини белгиловчи муҳим адабий-эстетик омилдир. Ушбу илмий муаммонинг адабиётшуносликда ўрганилиши жараёнида алоҳида диққат қаратиш лозим бўлган масалалар бор. Бунда, албатта, ижтимоий-адабий муҳитнинг кўлами ва чегараси билан боғлиқ масалалар назарда тутилмоқда. Гап шундаки, илғор ислохотчилар ижодининг таъсирланиш ҳудудини фақат у яшаган замон, қадами етган макон, шунингдек, тилнинг тушунарлилик омиллари билан чегаралаш мақсадга мувофиқ эмас. XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср бошларида жаҳонда шундай адабий юксалиш содир бўлдики, унинг сабабларини ўзаро адабий таъсирлардан излаш мақсадга мувофиқдир. XX аср бошида ирланд адиби ва шоири Жеймс Огастин Алоишес Жойс (1882 – 1942), испан шоири ва драматурги Федерико Гарсиа Лорка (1883 – 1936), олмон адиби Франц Кафка (1883 – 1924), рус шоири Александр Александрович Блок (1880 – 1921), Сергей Александрович Есенин (1895 – 1925), хитой адиби Лу Син (Чжоу Шужэн) (1881 – 1936), ҳинд адиби ва шоири Робиндронатх Тҳакур (1861 – 1941), бир қатор француз ёзувчилари, жумладан Ҳанри Барбюс (1873 – 1935), турк ижодкорлари, жумладан Ризо Тавфик, Яҳё Камол, Ҳусайн Раҳми Гўрпинар (1864 – 1944) ва дунёнинг бошқа кўплаб машҳур ижодкорлари

бир-бирларидан таъсирланмаган бўлиши мумкин эмас. Шунингдек, худди шу адиблар ижоди XX аср боши жаҳон бадий тафаккури даражасини белгилаб бергани ҳам аини ҳақиқат. Ўзини миллат фидойиси деб билган, миллий адабиётни юксалтириш орқали ўз халқини умумжаҳон миқёсига олиб чиқишни мақсад қилган ҳар бир ижодкор бадий тафаккури даражасини ўз даврининг энг илғор тенденцияларига мувофиқлаштириши зарур. Бунда у, албатта, ўзи билан бир замонда яшаб ижод қилаётган жаҳон адибларининг ютуқлари ва тажрибаларидан унумли фойдаланиши, керак бўлса, улар билан ўзаро мубоҳасага кириши тақозо этилади. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон XX аср бошида ўзбек адабиётини Абдулла Қодирий ва Абдурауф Фитрат билан бақамти туриб, ана шундай даражага етказа олди. Шу маънода, Чўлпон ижодини жаҳон адабиёти контекстида тадқиқ қилиш, назаримизда, энг тўғри йўл бўлади. Бироқ бу ўринда шуни назарда тутмоқ зарурки, “Адабий таъсир ёки компаративистика жараёни ҳар бир миллий адабиёт доирасида ўзига хос тарзда намоён бўлади”¹⁶.

Чўлпон мансуб ижтимоий-адабий муҳитни Ўзбекистон ёки Марказий Осиё билангина чегаралаш ярамайди. У Россия, Туркия, Германия ва бошқа бир қатор мамлакатлардаги адабий ҳаракатлар билан бевосита танишиб, ўзига хос алоқада бўлгани яхши маълум. Негаки, Исмоил Гаспиринский илгари сураётган туркий халқлар бошида асрлар бўйи давом этиб келаётган миллий инқирозни бартараф этиш ва дунёнинг илғор халқлари қаторига олиб чиқишни кўзда тутувчи жадидчилик ҳаракати, миллий уйғониш ғоялари шоир ижодининг мафкуравий асосини ташкил этар эди. Жадидчилик ва жадид адабиёти миллий маърифатни жаҳон илмфани ва санъати билан уйғун тараққий эттириш ғоясига асослангани маълумдир.

Гарчи алоҳида зикр этилмаган бўлса-да, Чўлпон ижоди-

¹⁶ Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – Б. 234-235.

да жаҳон адабиёти яловбардорлари, дарғалари ижодига хос услуб ва дард қайноқ ифода топади. Бу услуб ва дард шоирнинг Россия, Туркия ва Озарбойжон каби юртларга сафарлари, у ерларда турли даражадаги адабиёт аҳли билан ижодий мулоқотлари натижасида шаклланган. Бу қарашни унинг айрим мавзулари ва образлари орқали кейинроқ таҳлил қиламиз, ҳозир эса шоир бадиий-эстетик тафаккурининг ўсиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатган ижтимоий ва биографик омилларни аниқлашга ҳаракат қиламиз.

1. Ўта мураккаб тарихий шароит.

Маълумки, Чўлпон дунёга келганида юрт аллақачон хоризм асорати, тасарруфи остида эди. Дунё бўйлаб эсаётган озодлик шамоли фақат мустамлака ўлкаларда эмас, мустамлакачи юртлар, жумладан чор Россиясининг ўзида ҳам катта тўнтаришлар содир қилди. Қолаверса, биринчи жаҳон уруши етказган азиятлар Туркистонда ҳам халқ ҳаётининг бир неча баравар оғирлашувига сабаб бўлди. Бу урушдан сўнг сиёсий ўзгаришлар, тарихий воқеалар алмашинуви шу қадар тезлашдики, натижада миллатнинг асл фарзандлари – зиёлилари қатағон гирдобига тушди. Хусусан, Туркистонда мухторият ўрнатилиши ва унинг қирғин билан тугатилиши, шўро тартибининг зўравонлик асосида ўрнатилиши, фуқаролар уруши, қатағонлар – булар содир бўлган воқеаларнинг асосийлари, холос. Иккинчи томонда инқироз, қолоқлик ва жаҳолат ботқоғида ўзини-да емираётган миллат бошига тушган кулфатнинг оғир юки. Ана шу воқеалар “туғма шоир” – туғма идрок ва истеъдод эгасининг беғубор ёшлик айёмини тўзонлар билан тўлдиргани шубҳасиз. Шунинг учун ҳам унда оламга, атроф-муҳитга ва тарихий вазиятни ўзгартиришга қодир кучларга муносабат жуда эрта шаклланди. 1918 йилда татар маърифатпарвари ва етакчиси Мулланур Воҳидов (1885 – 1918) вафоти муносабати билан ёзилган каттагина шеъри ҳам бунга далил бўла олади. У шундай сатрлар билан бошланган:

Сўнг даврда йўқсул Шарқнинг тарихи,
Бир бет бўлсин, оқ сатрни кўрмади.
Дунё тарихини ёзган муаррих
Яхшиликка қаламини бурмади.
Шарқнинг қайси бурчагини қарасанг,
Йўқлик, ўлим, зулм, қарғиш кўрардинг.
“Тамуғ” деган сўзни билмак истасанг,
Шарқни бошдан-оёққача юрардинг.
Бир замонлар ер юзинда ўз бошли
Улуғ, шонли, маданият туғдирган
У гўзал Шарқ, ширин тупроқ сўнг замон
Бўлди четлар панжасида кўз ёшли...

2. Маънавий етук ва молиявий тўқис оила муҳити.

Чўлпон иқтидорининг камол топишида унинг болалик даврида олган таълими ва тарбияси, шубҳасиз, муҳим ўрин тутди. Отаси Сулаймон баззоз ўз даврининг кўзга кўринган савдогари, тадбиркорларидан бири бўлиши баробарида “Расво”, “Волаи Расво” каби тахаллуслар билан шеърлар ёзган, андижонлик қаламкашлар доирасига мансуб кишилардан эди. Табиийки, у ўз ўғлининг таълим-тарбияси билан жиддий шуғулланган. Академик Наим Каримовнинг ёзишича, Сулаймон “замонасининг тараққийпарвар кишиларидан бири бўлгани боис бошқа мамлакатларда рўй бераётган воқеалардан, хусусан, шу мамлакатлардаги савдо-сотиқ ишларидан хабардор бўлиш мақсадида бир неча хорижий газеталарга ёзилганди. Абдулҳамиднинг дунё ҳақидаги, Шарқ ва Ғарб мамлакатларидаги халқлар ҳақидаги тасаввури ва билими шу нашрлар ёрдамида шаклланиб борди”¹⁷. Унинг 15 ёшида, 1913 йили Исмоил Гаспиринскийдек машҳур кишига мактуб йўллаши эътиборга молик воқеалардан бўлиб, ўша мактубда “Шалола”, “Турк юрди”, “Шаҳбал”, “Вақт”, “Иқбол” ва “Таржумон” газеталари материалларидан яхши

¹⁷ Каримов Н. Чўлпон ҳақида сўз. /Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. Ж.I. – Тошкент: Академнашр, 2016, 6-бет.

хабардорлиги оила муҳитининг нечоғли маърифатли эканидан далолат беради.

3. Юрт озодлиги учун кураш майдонига кириш.

1917 йил февралда Россияда содир бўлган буржуа кўзғолони ва давлат тўнтариши унга тобе ва мустамлака ўлкаларда қисқа муддат озодлик умидига, заиф бўлса-да, ҳаракат бахш этгандек бўлди. Қўқонда янги мустақил давлат эълон қилиниб, унинг қурилиши билан минг-минглаб зиёлилар машғул бўлди. Янги давлатнинг Мадҳиясини ёзиш ҳали йигирмага ҳам кириб улгурмаган Чўлпонга насиб этди. Бу тасодиф эмас эди. 1914 йилдаёқ ёш Абдулҳамид миллат зиёли ватанпарварлари эътирофини қозона бошлаган эди. Шу йили 18 апрелда “Садои Туркистон” газетаси саҳифасида “Туркистонлик қардошларимизга” шеъри олди-дан шундай сатрлар ёзилган эди: “Дунёнинг қайси бир четига кўз солсак ва қайси миллатнинг аҳволига назар қилсак, ул миллатнинг саодати, ривож ва тараққийси учун бошлаб шул миллатнинг ёшлари ва ёш фикрли қаҳрамонлари сабаб бўлмакдадирлар. Оларнинг ёш кўнгиллари ҳар бир нарсадан ғолиб бўлуб, ғафлат, жаҳолат қалъаларини зўр ила уруб йўқ қилмак орзусида бўлурлар. Ҳам баъзилари орзуларига муваффақ бўлуб, бутун бир миллатнинг ёши, қариси, эри ва хотинига ёлғуз ўзлари раҳбар бўлурлар. Ёшгина қалблари ила ёруғлик ва илм, маориф нурига бошларлар. Бундай ёшлар ҳар бир мамлакатда, оз-кўп, ўзига яраша бордир. Алҳамдулилло, бизим Туркистон турклари орасидан ҳам шундай ёшларимиз ва ёш фикрли болаларимиз кўринмакка бошлади. Далил учун ўшли 12 яшар М.Санжарбек афанди ила андижонли 15 яшар Абдулҳамид афандини кўрсатув етса керак”¹⁸.

Академик Наим Каримов фикрича, Чўлпоннинг 1914 йилда “Садои Туркистон” газетасида босилган “Туркистон-

¹⁸ Изоҳлар. /Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. Ж.1. – Тошкент: Академнашр, 2016, 330-бет.

лик қардошларимизга” шеъри, “Қурбони жаҳолат”, “Дўхтур Муҳаммадиёр” ҳикоялари, “Мактаб” сарлавҳали публицистик мақоласи, “Адабиёт надир?”, “Муҳтарам ёзувчиларимизга” адабий танқидларидаёқ унинг “ижодий дастури ўз ифодасини топган эди”¹⁹. Бундай жўшқин ижодий фаолият, 16 ёшдаёқ катта эътирофга арзирли асарлар яратиш, муҳими, ижодий дастурга эга бўлиш унга бўлган умидни ишончга айлантирди. Янги давлат Мадҳиясига муаллиф танланганда ундан бошқа муносибини топиш қийин эди.

Лекин гап Мадҳияда эмас, янги мухторият вужудга келиши Чўлпоннинг ватанпарварлик ғояларига мос ҳодиса эди. Шунинг учун ҳам шоир уни олқар, унга борлиғини беришга тайёр эди. Афсуски, у оз фурсатда янчиб ташланди ва унинг фаоллари таъқиб қилинди. Туркистон Мухторияти унутилгунга қадар унинг Мадҳиясини ёзган шоир кўзлардан йироқроқ бўлсагина яшаб қолиши мумкин эди. Буни англаган Заки Валидий Чўлпонни Оренбургга олиб кетади. Бу ерда у Бошқирдистон Мухторият ҳукуматини тузиш ишида иштирок этади.

Бу жараёнларнинг ҳаммаси шоирда юрт озодлиги ғоясини ўстирди ва унинг сиёсий қарашларини янгиланган ватан, юксалган миллат ғоялари асосида шакллантирди. Табиийки, бу ғоялар ижодда ҳам янгиланишларни тақозо этар эди.

4. Рус ва турк адабиёти орқали жаҳон адабиёти билан танишув.

Чўлпон болаликда мадраса таълимини олиб, араб ва форс тилларини яхши ўрганган, бу тиллардаги адабиёт билан ҳам маълум маънода танишгани шубҳасиз. Кейинроқ шоир рус-тузем мактабида рус тили ва адабиёти билан ҳам чоризм мафкураси ерли халқларга муносабати доирасида,

¹⁹ Каримов Н. Чўлпон ҳақида сўз. /Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. Ж.I. – Тошкент: Академнашр, 2016, 7-бет.

мактаб таълими даражасида танишди. Лекин жадидчилик, миллий уйғониш сиёсий-маърифий ҳаракати намояндаларининг асарлари билан таниша бошлагач, рус адабиётидан хабардорлик даражаси уни қониқтирмай қўйгани шубҳасиз. Чунки мазкур адабиётлардаги анъанавийлик хусусиятлари рус, турк ва татар адабиётларидаги янгиланишлар олдида қайсидир маънода эскирган эди. Шундан бўлса керак, Чўлпон ўз шеърларида эски услуб ва анъаналар билан бирга мазкур тиллар орқали ўрганган янгиликларни катта журъат билан миллий андазаларга мослаб татбиқ эта бошлайди. Биз уларни айрим мисоллар орқали изоҳлашга ҳаракат қиламиз.

“Ҳамлет” таржимаси орқали Шекспир поэтик маҳоратининг ўзлаштирилиши. Маълумки, XX аср бошида Туркистонда маданий соҳанинг ҳамма жабҳаларида янгиланиш авж олди. Бу ерда театр санъатининг оёққа босиши биринчи галда жадид зиёлиларнинг саъй-ҳаракатлари билан амалга оширила бошлади. Жумладан, Чўлпон томонидан жаҳон мумтоз драматургиясидан қилинган таржималар ўзбек театри ривожига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди. Иккинчи томондан, бу таржималар шоир бадий маҳоратининг ошишида ҳам катта мактаб бўлиб хизмат қилди. Буни У.Шекспир қаламига мансуб “Гамлет” трагедияси таржимаси яққол намойён этади.

Таржимон бу асарни, тахмин қилиш мумкинки, М.Уйғур тавсияси билан таржима қилган. “Биринчи санъат нишондори ўртоқ Уйғурга” номли шеърида бунга ишоралар бор: “Туркистон табиби” ўйналар экан, Саҳнамиз “Ҳамлет”га етади!” – дердинг. Ёки: “Элни севинтириб қандай порлади, Энг буюк асари В.Шекспирнинг”.

Маълумки, У.Шекспир томонидан “Ҳамлет” трагедияси бошқа кўплаб трагедиялари қатори шеърӣ йўлда ёзилган. Чўлпонгача рус тилига қилинган таржималар (улар 20 га яқин)нинг баъзилари шеърӣ ва баъзилари насрий йўлда амалга оширилган. Масалан, Николай Кетчер,

А.М.Данилевский, Павел Каншин кабиларнинг таржималари насрий бўлса, Пётр Гнедич, Дмитрий Аверкиев, Николай Россов, Михаил Лозинский, Анна Радлова ва Борис Пастернак кабилар шеърий ёки назм-наср йўлидаги таржималарни амалга оширганлар. Бизнинг қисқа кузатувимиздан маълум бўлишича, Чўлпон уларнинг ҳаммаси билан танишиб чиққан. У “шекспиршунос Евгений Ланнинг маслаҳати билан асарнинг П.Каншин томонидан қилинган насрий таржимасини асос қилиб олади. Айни пайтда шу таржимани Е.Лан ёрдамида инглизча аслият билан қиёслаб ўрганади”. Асарнинг насрий таржима қилинишида ўзбек томошабинларининг ўша даврдаги диди ва савияси ҳам ҳисобга олинган бўлса керак.

Чўлпон таржимаси насрий бўлса-да, худди шеър каби ўқилади. Жумлаларда тасвир воситалари шу қадар кўпки, улар шеърий мисралардан фарқ қилмайди. Асарнинг исталган жойидан бунга мисол келтириш мумкин. Таржиманинг учинчи парда тўртинчи кўринишидан бир парча, Ҳамлет ва унинг онаси Қиролича мувоҳасасини кузатамиз:

Қиролича: Оҳ, бас қил, Ҳамлет! Сен мени ўз кўнглимнинг чуқур жойларига кўз ташлашга мажбур қилдинг ва мен унда шундай қора доғларни кўраётирманки, дунёда ҳеч нарса билан уларни ювиб бўлмайди!

Ҳамлет: Шу доғларни кўриб туриб ҳам жиркан оғилда яшаб, ифлос ётоқнинг сассиқ бўйларини ҳидлаб ва бир арава гўнг устида муҳаббат нашъаларини суришда давом этмак. Ҳамда...

Қиролича: Бас, энди бир оғиз ҳам гапирма! Сўзларинг қулоғимга худди ханжардай ботмоқда. Бас энди, севимли Ҳамлет!

Ҳамлет: (давом эттириб) Ҳамда бурунги эрингнинг бир ҳаром тукига арзимаيدиган қотил ва йиртқич бир махлуқнинг кўйнида! Қиролнинг эмас, одам боласининг нукул айбини кўрсатадиган бир масҳарабоз кўйнида! Подшоҳлиқни

ва ҳукуматни касб қилиб олган, тоқчадаги қимматбаҳо
тошни ўғирлаб чўнтагига беркитган киссавур қўйнида...

Қиролича: Бас!

*Ҳамлет: (давом этиб) Қийқимлардан ва латта-путта-
лардан ясолган қирол қўйнида!..*

Худди шу парча Б.Пастернак томонидан рус тилига ту-
бандагича таржима қилинган:

Королева

Гамлет, перестань!

Ты повернул глаза зрачками в душу,

А там повсюду пятна черноты,

И их ничем не смыть!

Гамлет

Валяться в сале

Продавленной кровати, утопать

В испарине порока, любоваться

Своим паденьем...

Королева

Гамлет, пощади!

Твои слова – как острия кинжалов

И режут слух.

Гамлет

... с убийцей и скотом,

Не стоящим одной двухсотой доли

Того, что тот. С петрушкой в королях.

С карманником на царстве. Он завидел

Венец на полке, взял исподтишка

И вынес под полою.

Королева

Гамлет, сжался!

Гамлет

Со святочной игрушкой...

Инглиз тилида бу парча қуйидагича:

Queen Gertrude

O Hamlet, speak no more:

Thou turn'st mine eyes into my very soul;
And there I see such black and grained spots
As will not leave their tinct.

Hamlet

Nay, but to live

In the rank sweat of an enseamed bed,
Stew'd in corruption, honeying and making love
Over the nasty sty, -

Queen Gertrude

O, to me speak no more;
These words, like daggers, enter mine ears;
No more, sweet Hamlet!

Hamlet

A murderer and a villain;
A slave that is not twentieth part the tithe
Of your precedent lord; a vice of kings;
A cutpurse of the empire and the rule,
That from a shelf the precious diadem stole,
And put it in his pocket!

Queen Gertrude

No more!

Hamlet

A king of shreds and patches... (Shakspeare homepage.
Shakspeare.mit.edu)

Бу парча Чўлпондан кейин Мақсуд Шайхзода томонидан
қилинган шеърий таржимада қуйидагича кўринишда:

Малика

Бас қил, Ҳамлет! Сен менинг кўзимни ҳозир
Виждонимга қарашга мажбур айладинг.
Унда кўрганим нуқул қора доғлардир,
У доғларни ҳеч нарса ювиб кетгизмас.

Ҳамлет

Барибир, сиз ёғ босган ётоқда мудом
Нафсингизнинг кайфидан нашьалар топиб
Шаҳватнинг хуморида ағнаётирсиз.

Малика

Ҳамлет, раҳм эт! Сўзларинг ханжар сингари
Қулоғимни тилмоқда.

Ҳамлет

Сизга ҳамёстиқ бўлган қотил ва ҳайвон
Мархумнинг битта ҳаром тукича эмас.
Сизни қўйнига олган шоҳ эмас – айёр,
У тахт узра ўтирган битта кисабур,
Токчада тожни кўриб ўғирлаган пес.

Малика

Ҳамлет, раҳм эт!

Ҳамлет

Ёрингиз бир масхарабоз...

Кўриниб турганидек, насрда ёзилган бўлишига қарамай, поэтик жиҳатдан Чўлпон таржимаси ўзига хос мукамалликка эга. Шунинг учун уни мансур таржима дейиш мумкин. Мақсуд Шайхзода таржима жараёнида Чўлпондан ўргангани ҳам кўриниб турибди. Биргина, “*бир ҳаром тукига арзимайдиган*” – “*битта ҳаром тукича эмас*” иборасининг қўлланиши бунини тасдиқлайди. Бу ерда биз таржимонлик маҳорати ҳақида эмас, Чўлпон шеърояти орқали ўзбек поэзиясида кенг тарқалган мансура шеър шаклининг вужудга келиш замини ҳақида фикр юритмоқдамиз. Дастлаб шоир шеъроятида бу ҳол кенг кўламда намоён бўлган эди. “Ҳамлет” таржимасидан аввал ҳам шоирнинг бу усулдан фойдалангани маълум. Хусусан, “Шулай битамиз”, “Ҳой оч камбағал” шеърларида ундан фойдаланган ва “Табиат қучоғида”, “Табиатнинг жавоби” мансуралари шу йўлда битилган. Шоирга кўпроқ маъқул тушгани учун ҳам таржима шу йўсинда амалга оширилган. Ижодкор мансуралари ҳақида кейинги бобларда алоҳида тўхталинади.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, Чўлпоннинг ижодий тафаккур тарзи табиатан Шекспир тафаккурига яқин туради. “Чўлпон – Чўлпондир” фикрасида Аҳмад Шукрий шоирни Шекспирга қиёслагани бежиз эмас. “Чўлпон оти қулоғимга кирдикча Шекспир руҳи кўринадир-да турадир, – деб ёзган эди муаллиф. – Шекспир лиризмаси билан Чўлпон шеърини орасинда нақадар айирма ахтарсам-да, они топа олмадим. “Уйғониш”ни неча топқирлар ўқиб чиқдим. Шекспирни мутолаа этдим. Энг сўнг Шекспир Чўлпондир ёхуд Чўлпон Шекспирдир фикрига келдим” (3, 15).

Робиндронатх Тҳакур ижодига мурожаат. Чўлпоннинг Робиндронатх Тҳакур (Рабиндранат Тагўр) ижодига мурожаатини унинг ўз шахсий қизиқиши натижаси сифатида баҳолаш мақсадга мувофиқ эмас. Бунинг замирида буюк шоирга хос катта ва улуғ мақсад бор эди. Бу туркий халқлар адабиётининг Тагўр ҳинд адабиётини олиб чиққан даражага етказиш ғояси эди. Тагўр XX аср бошида “дунёда энг ўткур адибга берилатурган Нобел мукофоти”ни қўлга киритиш орқали ҳинд адабиётининг шухратини ҳам орттирди. Чўлпонда мазкур ғоя бўлганини унинг “Улуғ ҳиндий” мақоласида аввал ўзбек, сўнг туркий адабиётлар орасида нисбатан илғор бўлган татар, озарбайжон ва усмонли адабиётини қисқа таҳлил қилиб, эски услубдан янгисига жуда секин борилаётганидан таассуф чекади. Лекин жуда оз бўлса-да умид борлигини ҳам унутмайди. Чўлпон туркий адабиётда эски руҳни сақлаган ҳолда янги (Ғарбга хос) шакллари ўзлаштириш тамойилини илгари суриши, шу йўл билан бу адабиётнинг илғор адабиётлар қаторига қўшилишига ишончи ҳам ана шу кичик мақолада аён бўлади. Шунингдек, мақолада шоирнинг Тагўр ижодидан урта шеърни таржима қилиб нашр эттираётганини ҳам билиб олиш мумкин.

Чўлпоннинг икки қисмдан иборат “Тагўр ва тагўршунослик” мақоласи ҳам унинг мазкур ғояси руҳида ёзилган. “Рабиндранат Тагўрни маданий оламнинг ҳаммаси танийди,

дейди у, маданий оламга нисбатан анча кетда бўлган бу-
гуниги турк-татар шўро жумҳуриятлари халқлари ҳам уни
анчадан бери танийдилар”. Бу парчадан шоир Тагўрнинг
шуҳрати билан бирга ўз халқининг “маданий оламга нисба-
тан анча кетда” эканидан ички оғриқли бир дарди борлиги-
ни изҳор қилаётгани ҳам тушунилади.

Чўлпон Тҳакурдан ўрганганларини уч қисмга ажра-
тиб кузатиш мумкин: 1) фалсафий мушоҳада; 2) мавжуд
нарс-ҳодисалардан поэтик образ яратиш ва 3) шеър шак-
лини маълум қонуниятлардан чиқмаган ҳолда ўзича яра-
тиш. Кучли ижтимоий маънога эга “фафлат” шеърига у “улуғ
ҳиндий”дан шундай эпиграф олади: “...Биз олам китобини
янглиш ўқиймиз-да, “У бизни алдайди”, – деймиз”. Бу фалса-
фа шеърга жуда мос тушган.

Чўлпон асарларининг ҳозирги нашрларида Тҳакурдан
қилинган икки шеъргона учрайди: “Чироқлар”, “Ҳой йўловчи
қиз”. Унинг мақолаларини кузатадиган бўлсак, аслида улар
кўпроқ бўлганига амин бўламиз. Юқорида эсланган “Улуғ
ҳиндий” мақоласининг ўзида учта таржима ҳақида сўз бор-
ган эди.

“Чироқлар” шеърида чинни чироқ, сопол чироқ ва Ой,
“Ҳой йўловчи қиз” йўловчи қиз образлари орқали қадр-
қиммат ва озодлик тушунчалари ҳақида фикр юритилади.
Ҳар иккала шеърда ҳам шакллар асосий йўлдан чиқилмаган
ҳолда анъанавий қолиплар истисно қилинади:

“Чироқлар” шеъридан:

*Бир айвоннинг тоқчасида
Тўла нурли чинни чироқ
Порил-порил ёнар эди
Ойнинг тўлган кечасида
Нурлар сочиб қучоқ-қучоқ.
Ўзига ҳўп бино қўйиб,
Ўз нурини ўзи суйиб
Тиғларини сочар эди...*

Рус адабиёти ютуқларини эгаллаш. Чўлпон рус тили ва адабиётини она тили ва ўз халқи адабиёти каби чуқур ўрганди. Давр ижтимоий муҳити талабидан ташқари шоир уни “маданий олам”га кириш воситаси сифатида тушунди ва, албатта, бу тушуниш тўғри бўлиб чиқди. Рус адиблари туркий халқлардан анча аввал жаҳон адабиётининг нодир намуналарини ўз тилларига таржима қилиб олган, бир неча тиллардаги адабиёт намуналари билан шу биргина тил орқали танишиш мумкин эди. Бундан ташқари, жаҳон адабиётидаги етакчи ғоялар, мотивлар ва услублар рус адабиётида жуда тез бўй кўрсатар, улар билан тезроқ танишиш имкони бўлар эди. Шоирнинг инглиз, француз, олмон ва бошқа тиллардаги адабиёт намуналаридан қилган таржималари рус тили орқали амалга оширилгани шубҳасиз. Бинобарин, мамлакатда замонавийликда туркий халқлар адабиётидан анча илғор бўлган рус адабиёти муҳити мавжуд бўлиб, унинг ютуқларини ўзлаштириш ва эгаллаб олиш ҳар бир адиб учун муҳим эди.

Чўлпон А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенев, Иван Франко, А.П.Чехов, Л.Андреев, А.М.Горький, А.Блок, А.Серафимович, И.А.Крилов каби бир қатор йирик рус адабиёти классиклари асарларини ўзбек тилига таржима қилиш орқали бу адабиётнинг таъсирчан усулларини эгаллаб олди. Шоир ижодида у таржима қилмаган кўпгина ижодкорлар асарларининг ҳам таъсирини кўриш мумкин.

Тадқиқотимиз Чўлпон шеъриятига бағишлангани учун биз бу ерда кўпроқ унинг рус шоирларига мурожаатлари ҳақида тўхталамиз. Хусусан, Пушкин ва Блок шеърияти Чўлпонга энг кўп таъсир қилганини таъкидлаш лозим. Шоир Пушкиннинг “Дубровский” қиссаси, “Банди”, “Булбул ва Гул” шеърларидан ташқари “Борис Годунов” номли энг мураккаб асарларидан бирини ҳам ўзбек тилига шеърӣй йўлда катта маҳорат билан таржима қилди. Таржима Пушкин шеърияти тилини янада чуқурроқ идрок этишга сабаб бўлди. Шоир асарларида, жумладан, айрим шеърларида насрнинг

аралаш келиши, эҳтимол, шу асарнинг таъсиридир. Шу билан бирга таржима Чўлпон истеъдодининг Пушкиндан қолишмайдиган юксак эканига ҳам далил бўлади. “Булбул ва Гул” шеърини Чўлпон арузга мослаб таржима қилган:

*Баҳор чоғида холи боғда бир зулматли тун эрди,
Ғариб булбул фиғон айлаб: “Гулим раҳм айлагил”, - дерди...*

Тақтеъси:

*мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун
мафойилун мафойилун мафойилун мафойилун.*

XX аср бошидаги рус шеърятининг энг катта ютуғи сифатида Александр Блок ижодини кўрсатиш мумкин. Чўлпон шеърятидаги жуда кўп хусусиятлар айнан шу шоир ижодидаги фазилатларни намоён этади. Ундан бир таржимаси ҳам нашрларда берилади:

*Кўнгил жимдир, совуқ кўкда,
Қараб унға ёниб турған
Ҳануз холи у юлдузлар.*

*Бутун атроф ва ҳар ёқда:
“Нон – олтин” деб фиғон қилған
Талашчи, ғалвачи эллар.*

*Ужим, лекин фиғонларға
Қулоқ берган ва кўз тиккан
Узоқларға – йироқларға!..*

Шеър 1922 йил таржима қилиниб, чоп эттирилган. Бу шоирнинг Блок шеъряти билан анча ёшлигидан ошно бўлганини кўрсатади. Шунингдек, унда Чўлпон шеърятининг умумий руҳи акс этган. Бундан шундай хулосага келиш мумкинки, Александр Блок ва унинг атрофидаги адабий

муҳит Чўлпон адабий-эстетик қарашларига жуда катта таъсир кўрсатган. Шоир шеърларида банд шаклланиши тартибининг кечинма йўсинига мослашиб ўзгариб туриши ҳам ўша руҳнинг нишонаси. Баъзи шеърларга ном қўйилишида ҳам Блокнинг таъсири сезилади. Маълумки, Блокнинг “Ўн иккилар” номли машҳур достони бор. Чўлпон баъзи шеърларини шу усулда атайди: “Ўн олти”, “Олмишларга”. Хорижий юрт ва халқларга тегишли ҳодисаларга мурожаат қилиб янги талқиндаги шеър яратиш усули ҳам Блокка хос. Чўлпон ижодидаги “Нил қизи”, “Лузон”, “Каптар”, “Клеупатра уйқуси”, “Кетганингда”, “Бир лавҳа” каби шеърлари худди шу усулда ёзилган.

Чўлпоннинг рус адабиётига муносабатини фақат ижтимоий-сиёсий воқелик билан боғлаш ярамайди. Унинг рус адабиёти дурдоналарига диққат билан қараши ундаги энг яхши намуналарни ажратиб олишида кўринади. Масалан, у И.А.Криловнинг “Бўри билан Қўзичоқ” ҳақидаги масалини ҳеч қандай тарғиботларсиз ўқиб таржима қилганига шубҳа йўқ. Шоир ундан нечоғли таъсирланганини унинг жияни Марғубга бағишлаб ёзган “Дўст ва Душман” шеърида ҳам кўриш мумкин:

*Қўзи айтур: “Эй Марғуб, мени сақла бўридан,
Мен ҳам сенга жой берай ўтлоғимнинг тўридан!”*

*Бўри айтур: “Эй Марғуб, қўзичоқни менга бер,
Шунда сени мақтарман: Марғуб – ботир, Марғуб – шер!”*

Шеър шу тартибда мувоҳаса-мунозара шаклида давом эттирилиб, охирида Марғубнинг: “Эй бўри, сен душмансан, сен олчоқ! Менинг севган дўстимсан, эй барралик қўзичоқ!..” сўзлари билан тугатилади.

Шунингдек, Чўлпоннинг айрим шеърларида ўша давр шеърлятида донгдор бўлган рус шоирлари С.Есенин ва В.Маяковский кабиларнинг ҳам таъсири сезилади. Унинг

“Биринчи хат” шеъри қайсидир жиҳати билан С.Ёсениннинг “Мактуб” шеърини ёдга солса, “Икки ўт ўртасида”, “Бу куннинг шоири” каби шеърларида сатрлар “зиналари” Маяковский услубига ўхшаб кетади.

Шу ўринда айтиш жоизки, Чўлпон русчадан экани таъкидланган бир қатор шеърлари муаллифлари ва манбалари алоҳида ўрганишни тақозо қилади. Улар ўрганилса, Чўлпон ва рус шеърляти муносабатлари янада кенгроқ тасаввур ҳосил қилинади.

Турк шеърляти таъсири. XX асрга яқин ва унинг бошида туркий халқлар зиёиларининг ўзаро яқинлиги ҳар қачонгидан ортди. Чунки улар энди буюк келажакни фақат бу халқларнинг бирлашуви ортида эканини яхши англаб олган эдилар. Миллий уйғониш мафкураси, жадиличлик ҳаракатида бу ғоя устувор эди. Чўлпон бу ҳаракатдан четда бўлмагани маълум. У ўзининг бир неча шеър ва мақолаларида усмонли турк шоирлари ижодига муносабат билдиради. Бир ўринда у ёзади: “Номик Камолдан Али Сайфи (А.Сайфий)га довур усмонли адабиётини ўқуймен: ё ортуқ янгилик, ғарблик, ё ортиқча шарқлилик! Фақат усмонличадан Ризо Тавфиқнинг баъзи бир янги шакл билан эски руҳда айтган сўфийларча шеърларини ўқуймен; шуларга дуррустгина қонамен; ундан кейин Яҳё Камолнинг “Саъдобод” руҳида баъзи нарсалари”. Маълумки, Номик Камол (1840 - 1888) турк шоири, носири, журналисти ва ижтимоий ходими сифатида таниқли шахс эди, Али Сайфий борасида Чўлпон қайси шу исм-шарифли зот ҳақида тўхталганини аниқ айта олмаймиз. Ризо Тавфиқ 1869 – 1941 йилларда яшаган философ, шоир ва сиёсатчи, Яҳё Камол эса машҳур дипломат бўлса-да, Чўлпон даврида унча шуҳратли бўлмаган шоир эди. Бинобарин, Чўлпон турк адабиётининг машҳур шоир ҳамда ёзувчилари билан бирга ҳали кўпчилик яхши билмайдиган вакиллари ижодигача танишиб, ўрганиб борган.

Шоирнинг бошқа мақолаларида Тавфиқ Фикрат, Абдулҳак Ҳамид, Шамсиддин Сомебек, Холида Адиб хоним, Яъқуб

Қадрибёк Қора Усмон ўғли каби бир неча ижодкорлар ҳақида тўхталади. Ҳатто, уларнинг баъзилари яратган бир неча асарлар устида ҳам тўхталади. Масалан, Тавфиқ Фикратнинг “Рубоби шикаста”, “Тарихи қадим” каби асарлари билан бирга у муҳаррирлик қилган “Сарвати фунун” (Билимлар хазинаси), журналининг фаолиятига ҳам муносабат билдирган.

Адабиётшунос Нормат Йўдошевнинг фикрича: “Чўлпоннинг табиат рамзларига мурожаат этишида Фикрат шеърятининг таъсири катта... Т.Фикрат баҳор ва қиш, куз ва ёз, қуёш ва ой, тун ва кун образлари орқали борлиқдан моҳият излаб, фалсафий мушоҳадалар юритади. Демак, Фикратда ҳам, Чўлпонда ҳам табиат мақсад эмас, балки шу табиат тасвирида руҳий бир ҳолатни ифодалаш, борлиққа муносабат бидириш. Инсон ҳаёти ҳақида маълум бир ҳақиқатни айтишдир”²⁰.

Чўлпон, ҳатто, турк тилида шеърлар ижод қилди. Ҳозирча унинг “усмонлича” ёзилган бешта шеъри маълум. Улар кўпроқ бўлган ҳам бўлиши мумкин. Улардаги турк шеърлятига хос тароватнинг эркин ва муваффақият билан қўлланиши шундан далолат беради. Мана, улардан бири:

ISHQ

(Usmonlicha)

*Ilk evvel go'zimi ishq ila ochdim,
Ishqing meydanina qanimi sachdim.
Ishqsiz o'lkalerden u ende qochdim,
Ne zamon bog'ladim zunnore ishq.*

*Ishq deya ayrildim dindan, imandan,
Anglamam hech bir jay insaf, vijdandan.
Ishka sajda etdim, bo'ldim u andan,
Ne zamon qatl etdim kuffor-i ishq.*

²⁰ Йўдошев Н. Чўлпон шеърлятида пейзаж. Филология фанлари номзоди..... диссертация. - Тошкент, 1994, 87-бет.

*Jannat benim uchun quruq sahradir,
Ishqing sahrasi, kim banga ma'vadir.
Aksini sen banga ne qadar qandir,
Qonmam, chunki bildim gulzar-i ishq.*

*Ishqing meydoninda bir pexlivanim,
Bir mahshar qo'parur har damda qonim,
Na buyuk benim, baq, ishqqa imonim,
Yera diz cho'kirdi cabbar-i ishq.*

*Ben ishqing mulkiga yagana haqan,
Banga bo'yin egar bar jumla sultan.
Inanir o'rduma shuyla bir boqqan,
Ko'r nica saf bista ashcar ishq.*

*So'ylarkan dillarim na yaman so'zlar,
Yozarkan qalamim na hazin ag'lar,
Soddadil buntlardan na ma'ni anglar,
Bilmas kuch o'ldug'i izhor-i ishq.*

Қардош халқлар адабиёти ютуқларидан таъсирланиш.
Бу борада айтиш лозимки, собиқ шўролар ҳудудидаги қардош халқлар адиблари, маданият аҳли ва маърифат-парвар зиёлилари билан Чўлпон олиб борган мулоқотлар шунчаки алоқа бўлиб қолмай, тақдирдошлик қисмати даражасида бўлганини изоҳлашга ҳожат йўқ. Айниқса, аввал таъкидлаганимиздек, бир оз пешқадам татар ва озарбойжон адабиёти ва маданияти аҳиллари билан мунтазам олиб борилган ижодий мулоқотлар шоир тафаккурининг янада теранлашувиға, бир миллат доирасидаги маълум чегаралардан ўзишиға ёрдам берди. Бу мулоқот аҳиллари кўпчиликка яхши маълум бўлгани боис улар ҳақида узоқ тўхталиб ўтирмаймиз.

Лекин шу ўринда Чўлпоннинг бир ижодкор билан ҳамкорлиги ҳақида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Чунки шо-

ирнинг шўро воқелигини мадҳ этган шеърларини фақат замонасозлик, мурса тақозоси сифатида баҳолаш ҳам, бизнингча, тўла маънода инсофдан эмас. Акс ҳолда улар бу қадар миқдорга ва самимиятга эга бўлмас эди. Унинг содир бўлаётган воқеалар шиддатидан умидланишга, катта салоҳиятга эга бўлган ижодкорларнинг тақдири ва тақдим этаётган фикрларига ишонишга ҳам ҳаққи бор эди. Ана шундай ижодкорлардан бири сифатида Абулқосим Лоҳутийни кўрсатиш мумкин.

Маълумки, асл исми Абулқосим Аҳмадзода бўлган шоир Эроннинг Кирмоншоҳий шаҳрида 1887 йил дунёга келган ва XX аср бошида бу ерда ҳам содир бўлган озодлик ҳаракатлари, қўзғолон ҳамда инқилобларда иштирок этиб, бунинг учун таъқибга, ҳатто, ўлим жазосига лойиқ топилган. 1921 йилда Бокуга, 1922 йилда Москвага келиб паноҳ топган, қолган умрини собиқ иттифокда ўтказган, шўровий ғояларни тарғиб қилишда жуда фаол шахсга айланган. У олиб борган кўплаб даъватлар Чўлпонда ҳам умид шуълаларини ёққан бўлса ажаб эмас. Агар у Лоҳутийдан қаттиқ таъсирланмаса, у “У (Лоҳутий) шамолдай майин овози билан шу тўғрида (Октябрь тўнтаришининг 20 йиллиги ҳақида) бир соатга яқин сўзлаган нутқида кўксиди бўлшевик кўкламининг раққоси ўйнарди. Унинг сўзидаги самимийлик шундан эмасми, ахир?.. Ҳамма бу катта Шарқ шоири, кўммунист-бўлшевик шоирнинг сўзини маза қилиб тинглади, чунки у яхши мисоллар, чиройлиқ ўхшатишлар, кучли фикрлар, ишонтиручи далиллар билан сўзлади”, деган эҳтиросли сўзларни ёзмас эди (IV, 40-41).

Чўлпон Лоҳутийнинг “Оврўпо сафари” эсдаликларини таржима қилиб, 1936 йилда ҳам адабий журналлардан бирида эълон қилди, ҳам алоҳида китоб ҳолида чоп эттирди. Худди шу йили шоир Лоҳутийнинг “Эрон қизи” ва “Эрон қизининг жавоби” шеърларини ҳам таржима қилган. “Эрон қизи” шеъри муаллиф томонидан унинг Ўзбекистонга сафари давомида ҳосил қилган таассуротлари натижасида ёзилган. Шеър унчалик катта эмас, тўрт банддан иборат

бўлиб, Ўзбекистон ва Эрондаги ижтмоий-сиёсий ҳолатлар қиёсланади. Бу қиёсни шоир эркин ҳаётга ҳақли Эрон қизларига мурожаати асосида баён этади:

*Тонг ели, тушса йўлинг, эссанг агар Эрон сари,
Барча Эрон қизларига сўйла шоирдан салом.
Шу баланд тоғ орқасида гуллаган ҳар бир ери,
Ўзбекистон ҳам яшарки, кенгаяр, порлар мудом...*

*Ўйладим мен бошқа мазлум қўшни Шарқнинг борлигин,
Ундагилар энди ҳам бидъатга бўлганлар асир.
Ўқсуниш ёши бўғузимга тиқилди бир йиғи,
Босди Эрон қизлари-чун манглайим номусли тер.*

Айтиш лозимки, таржима учун бу шеърнинг танланишига сабаблардан бири, ўз она юртини севган киши ундан чиқиб кетгани билан унинг дардидан холи бўла олмаслигини таъкидлашдир. Чўлпон ҳам рус ва бошқа халқларнинг бир қанча зиёлилари каби ҳижрат қилиши мумкин эди, айниқса, ўша машъум 30-йилларнинг ўрталарида, лекин у ёлғиз жонини асраш билан мақсадига эриша олмаслигини англаганини шу шеър таржимаси орқали айтди.

Умуман, Чўлпонга шўро воқелигини куйлаш, уни тарғиб қилиш билан таъсир ўтказган кўп ижодкорлар бўлган. Абулқосим Лоҳутий уларнинг бир вакили эди, холос.

Шоир дунёқарашининг кенглиги жаҳонда кечаётган воқеаларни чуқур таҳлил этганида ва улардан озодлик мотивларини кўплаб топа олганида кўринади. Қадимги Миср, қадимги юнон манбаларида келтирилган воқеалардан ХХ асрдаги Буюк Британия, Франция, Германия, Италия, араб мамлакатлари, Эрон, Ҳиндистон, Хитой ва бошқа юртлардаги сиёсий тутумларгача шоир назаридан четда қолмайди. Улардан янги-янги туйғулар туяди, зулм ва зўравонликнинг турфа кўринишларидан таъсирланади. Уларни бир қатор республикаларни асоратига олиб турган шўро сиёсатига

ўхшаш томонларини турли хил йўллар билан қаламга олади. Баъзан бу тутумни фош қилишга, ундан зулм кўраётган халқларни оху зорларига мос асарлар дуч келганда, у шеър бўладими, драматик асарми, бундан қатъи назар таржима қилади. Баъзан эса орзу-умидларига ҳамоҳанг асарларни ҳам таржима қилади улардан баъзилар туркум кўринишини олади. “Хитой оҳанглари” ана шулардан биридир.

Бу туркумдаги икки шеър (“Хизматчи бола қўшиғи”, “Жан-Зи”) “Торт наърангни, Хитой” пьесаси учун ёзилган. Уларнинг иккаласида ҳам “йўқсилпарвар” шўро сиёсати фош этилиб, тузилажак янги давлат йўқсиллар учун ҳеч қандай наф келтирмаслиги таъкидланади. Лу Цзин Ван ва Вей Ин Ю каби шоирлардан қилинган таржималар юрт соғинчи мавзусидадир.

Чўлпон шеъриятига таъсир ўтказган бундай омиллар кейинги фаслларда ҳам тилга олинади.

5. *Руҳий босимга қарши тура олиш.* Чўлпон ижодидаги шиддатга унинг юксак истеъдоди билан бирга қарийб қирқ йиллик умрининг ярмидан кўпроғи таъқиб ва таҳдидда асаб толаларининг таранглашуви, кучли босим остидаги руҳий ҳолати ҳам сабаб бўлган, дейиш мумкин. Унинг “Эътизор”, “Бошқармага хат” каби битиклари, Ўзбекистон ёзувчиларининг 1937 йил 7 – 8 апрель кунларида бўлиб ўтган йиғилишида сўзлаган нутқи ҳаётига соя солиб турган муқаррар таҳликадан шоирнинг нажот истаклари сифатида вужудга келганини тушуниш қийин эмас.

Таъқиб туфайли шоирнинг жуда кўп шеърлари босилмасдан, эълон қилинмасдан йўқ бўлиб кетди. Улар ўрнида бошқа шеърлар ёзилди. Яна бир қанча шеърларини у ўзи ва яқинларининг хавфсизлиги учун ёқиб юборгани ҳам маълум. Улар ўрнига ҳам бошқа шеърлар ёзиш, таржималар қилиш билан шуғулланди. Чўлпон мазкур нутқида ғанимларнинг шоир “ўзини кўрсатмагани” ҳақидаги иддаоларига жавобан кейинги икки йил ичида ёзган ва таржима қилган ишларини санаб беради. Улар Горькийнинг жуда катта асари – “Она” романи иккинчи бўлими, “Егор Булучев”и, Пушкиннинг “Ду-

бровский”, “Борис Годунов” асарлари, Лоҳутийнинг “Оврупа сафари” таржималари, ўзининг “Жўр” деб аталган шеърӣ тўплами, “Тиётру” газетаси ва “Муштум” журналларидаги фаолияти ва ҳоказолар эди. Яна шоир бу икки йилнинг бир йилини ўзининг муттасил касал (қандли диабет) бўлиб ишлай олмагани учун “скидка” қилишларини ҳам сўрайди. Нафсиламрини айтганда, мазкур таржималарнинг ўзи ҳар қандай ижодкордан ўнлаб йиллар шуғулланишини талаб қилади. Бу шижоатли ишнинг асосий сабаби таъқибга таслим бўлмаслик, унга қарши туриш эди.

2. Индивидуал ижодий тафаккур – поэтик мазмун янгиланишининг омили

Ижодкорнинг индивидуал ижод маҳсули умумий ижодий жараённинг таркибий қисми бўлиб, кўп жиҳатлари билан узвийлик касб этади. Яъни ҳеч бир бадиий асар анъанавий тафаккур заминидан узилган ҳолда вужудга келмайди. Ижоддаги янгилик индивидуал дунёқараш, ёндашув, маҳорат, тайёргарлик (психологик омиллар)га эга бўлиш, усуллар, услуб танлаш, талқин яратиш ва бадиий шакллар ижод қилиш – ижодий ўзликнинг намоён бўлишидир. Шундай хусусиятларга эга бўлган санъаткор нимани ижро қилмасин, уни ўз овози тонига мослайди – индивидуаллаштира олади. Бу хоссалар индивидуал ижодий тафаккурни акс эттиради ва поэтик ижодда мазмун янгиланишига асос яратади.

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпоннинг индивидуал ижодий тафаккури кучини баҳолаш учун ҳам, энг аввало, унинг жаҳон адабиётида анъанавийлик касб этган мавзу ёки образларга ёндашувидаги талқин ҳамда ечимларининг савияси даражасини аниқлаш лозим. Бунинг учун Чўлпон ижоди тўла имкон беради. Ана шу имкон бўлишининг ўзи жуда муҳимдир. Шоирнинг ана шу имконини унинг биргина образга мурожаати орқали кузатамиз.

Маълумки, афсонавий гўзаллиги, ишқий саргузаштлари

ва изтироблари билан тилларда дoston бўлган эллинистик Мисрнинг сўнги маликаси, Птолемей XII нинг қизи Клеопатра VII Филопатор жуда кўп ижодкорлар диққатини тортган. Хусусан, унинг машҳур Юлий Цезарь ва Марк Антоний билан муносабатлари ҳақида кўплаб афсоналар, ривоятлар тўқилган. Бунга унинг сўнги фиръавнлар хонадони вакиласи бўлиш билан бирга Миср ва Рим муносабатларида фаол қатнашган биринчи сиёсатчи аёл бўлгани ҳам сабаб эди. Октавиан Август қўмондонлигидаги Рим қўшини Мисрни ишғол этгач, Клеопатра ўз жонига қасд қилган. Сиёсатчилар атрофида, айниқса, у аёл киши бўлса, турли гап-сўзлар кўпайиши азалдан бор ҳодиса. Бу ҳам ижодкорлар назаридан четда қолмаган. Клеопатра ҳақидаги тарихий асарлардан кейин вужудга келган бадиий асарлар силсиласи У.Шекспирнинг “Антоний ва Клеопатра” фожиаси билан бошланади. Шундан сўнг Иоганн Маттезон “Клеопатра” (1704), Франц Пёниц “Клеопатра” (1888), Бернард Шоу “Цезарь ва Клеопатра”, Михаил Фокин “Миср оқшоми” (1908), Жюль Массе “Клеопатра” (1914) номли мусикий ва драматик асарларини ёздилар. Шунингдек, А.С.Пушкин “Клеопатра” шеърини, Теофил Готье “Клеопатра бахш этган оқшом” (1845) новелласини, Георг Эберс “Клеопатра” тарихий романини (1893), Генри Райдер Хаггард “Клеопатра” саргузашт романини (1898) ёзди. Валерий Брюсов, Александр Блок, Анна Ахматова кабилар ҳам Клеопатра номли гўзал шеърларини ёзганлар. Албатта, улардан кейин, ҳатто, ҳозирги даврда ҳам Клеопатрага бағишланган турли жанрлардаги асарлар яратилмоқда.

Чўлпон ҳам бу мавзудан четда қолмаган. У “Клеопатра” номли бир мансур ҳикоя ва “Клеопатра уйқуси” сарлавҳали бир шеър ёзади. “Кетганингда” деб номланган бир шеър сарлавҳасидан сўнг ҳам *Клеопатрага* деган изоҳ бор (Бу ҳақда кейинроқ яна тўхталамиз). Уларнинг ҳаммаси 20-йилларнинг аввалида ёзилган. Бундан кўринадики, шоирнинг сиёсий қарашлари, шу билан бирга жаҳон адабиётига назари анча эрта бошланган.

“Клеопатра уйқуси” уч қисмдан иборат шеър. 1926 йилда чоп этилган “Тонг сирлари” тўпламида бу шеърга “Клиўпатра” номли сочма ҳикоянинг тизма шаклидир”, деб изоҳ берилган²¹. Лекин бу изоҳ бир оз янглишга ўхшайди. Чунки шеър, академик Наим Каримовнинг аниқлашича, 1921 йил 17 августда Бухорода ёзилган. Ҳикоя эса 1923 йил ёзилган. Қолаверса, уларнинг мазмунида ўхшашлик билан бирга бир оз фарқ ҳам бор.

Шеърнинг биринчи қисми Нилнинг бўйидан бир тўплам нилуфар гуллари узиб, дастлаб, ипак гуллар билан боғлаб бош томонига осиб, ухлаётган қизнинг чиройли бадий тасвири билан бирга шоир ўзи бу образга юклаётган вазифасига ҳам киришади:

*У ухлаганда бутун Мисрда,
Бутун ўлкада уйғоқлик битди...*

Иккинчи шеърда қизнинг бевақт уйғониши ва бу уйғониш аламли, қалбида севги ўрнида пайдо бўлган ғазаб, зулм ҳақида сўз боради. Чунки уни ғафлат қучганда у умидидан жудо бўлган эди. Умидсиз севги гўзалликнинг ҳам, бошқа эзгу туйғуларнинг ҳам заволи топишига боис бўлади.

Учинчи шеър тўрт сатрдан иборат:

*Кўй, сен кўзғалма... менинг кўксимда
Кўз ёшим билан ўсган чечак бор,
Шуни берарман, бир ҳидлаш бирлан
Севгига ботиб бир умр ухлар!..*

Шеърда Клеопатра билан бирга Нил, нилуфар, йигит ва шоир ҳамда унинг кўксидagi гул образлари мавжуд. Уларнинг ҳаммаси рамзий. Бизнингча, Клеопатра – рух, Нил –

²¹ Изоҳлар. /Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. Ж.I. – Тошкент: Академнашр, 2016, 339-бет; Ж.II, 372-бет.

жоҳил ота, давлат, нилуфар – севги, йигит – тадбир, шоир – тафаккур.

Чўлпон янги Ўзбекистон шароитида яшади. Шунинг учун унинг шеърлари ана шу шароитда яратилди ва унинг дардлари билан уйғунлик касб этади. Янги замон ўзбек шеъриятининг тамал тошини қўйган Абдулҳамид Чўлпон ёنىқ назмий асарлари билан умуминсоний муаммоларни миллий қадриятларни куйлаш орқали юксак даражада тараннум этди. 1921 йилда Бухорода ёзилган “Халқ” шеъри шоир фикр-қарашларини аниқлашда, айниқса, аҳамиятлидир:

*Халқ денгиздир, халқ тўлқиндир, халқ кучдир,
Халқ исёндир, халқ оловдир, халқ ўчдир...
Халқ қўзғолса, куч йўқдурким, тўхтатсин,
Қувват йўқким, халқ истагин йўқ этсин.*

Халқнинг нечоғлик катта қудратга эга экани ифодаланган бу сатрларда. Адабиётшунос олим Озод Шарафиддинов шоирнинг миллат ва умуминсоният олдидаги буюк хизматларини қуйидагича тарифлаган эди: “Чўлпон ҳақиқий байналмилалчи эди. Айни чоқда байналмилалчилик унга буюк миллатпараст бўлишга халақит берган эмас. Аксинча, Чўлпон табиатидаги бу икки жиҳат бир-бирини тақозо этган, бир-бирига таянган, бир-бирини тўлдирган. Чўлпон ўз халқини жуда севар эди, чунки унинг бугунини ҳам, ўтмишини ҳам жуда яхши биларди. Чўлпон дунёдаги биронта халқни камситмаган ҳолда ўзбек халқини бой тарих яратган, дунёга буюк санъаткорлар, шоирлар, олимлар, мутафаккирлар етказиб берган халқ деб биларди”²².

*Халқ исёни салтанатни йўқ қилди,
Халқ истади, тож ва тахтлар йиқилди...*

²² Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. - Т.: “Шарқ” НМАК, 2004, 82-бет.

*Халқ истаги: озод бўлсин бу ўлка,
Кетсин унинг бошидаги кўланка.
Бир кўзғалур, бир кўпирар, бир қайнар,
Бир интилу, бир ҳовлиқар, бир ўйнар.*

Чўлпоннинг бу шеърида “халқ” умумлашма образ даражасига кўтарилади. Бу образ – туганмас куч-қудрат тим-соли. Салтанату тож-тахтнинг тақдири ҳам унга боғлиқ. Шоир бошқа асарларида бўлгани сингари бу шеър матнига ҳам озодлик ғоясини маҳорат билан сингдириб юборади. Ўлканинг озод бўлиши, унинг бошидан кўланканинг кетиши ҳақидаги орзулари ушбу фикрнинг исботидир. Ушбу шеърни таҳлил этар экан, жадидушunos олим Бегаи Қосимов мана бундай ёзади: “Кўринганидек, шоир халқнинг буюк қудратини тавсифлаш билангина чекланмапти. Бу қудратнинг феъл-сажиясига ҳам ишора қилмоқда. Унинг гоҳ кўзғалиб, кўпириши, гоҳ қайнаб, интилиши, гоҳ ҳовлиқиб ўйнаши Пушкиннинг бир маҳаллар 1825 йилги декабристлар кўзғолони муносабати билан ёзилган, денгиз пўртанасига хитоб қилувчи “Алвидо, зўр қудрат, асов ғалаён!” сатрини ёдга солади. Дарҳақиқат, ҳар бир исён, кўзғолонда ҳам “асов”бир куч бор. У кутилмаганда томонларга бурилиб, “беҳбуд”ни “нобуд” қилмоғи ҳам ҳеч гап эмас. У билан ким ўйнашмоқчи бўлса, ҳалокатга маҳкумдир. Иккинчидан, у, маълум бўлганидек, бошқарувга муҳтож. Шу жиҳатдан, халқ ичига киришда икки маъно бор. Биринчиси, халқдан куч-қудрат олмоқ, у билан бирга бўлмоқ; иккинчидан, уни эзгуликка йўналтирмоқ”²³.

“Халқ” шеърида миллатнинг армонларини ифодалаш баробарида умуминсониятга дахлдор муаммо – озодлик мавзуси бетакрор бадий талқин этилган. Зеро, озодлик шундай бир неъматки, у тилидан, эътиқодидан қатъи назар,

²³ Қосимов Б. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. - Т.: “Маънавият”, 2004, 444-бет.

дунё халқларининг барчаси учун бирдай азиз ва мўътабар. Шеърда Чўлпон халқ образи орқали она юрт бошига тушган фожиани бутун даҳшати, бор моҳияти билан очиб беради. “Шарқ нури” шеърида шоир сўнгги даврда Шарқнинг тарихи бир бет бўлсин, оқ сатрни кўрмагани, бу заминнинг қайси бурчагига қараманг, йўқлик, ўлим, зулм, қарғишдан бошқа нарса йўқлиги ҳақида ёзади. Шоир “Бир замонлар ер юзинда ўз бошли Улуғ, шонли, маданият туғдирган” Шарқ четлар (четдан келган босқинчилар) панжасида кўзёшли бўлганидан афсус чекади. Гарчи замон тақозосига кўра шеърда Маркс номи тилга олинса-да, бу ҳол шўролар цензурасидан ўтказиш учун Чўлпонга бир восита бўлган, деб ҳисоблаш мумкин. Аслида, шоир бу шеърида ҳам мустамлака зулми остида эзилган Шарқ халқларининг орзу-армонларини куйлаган.

Чўлпоннинг “Янги Шарқ” шеърида эса ҳинд, афғон, турк, араб халқлари бошига тушган мусибат – истибдод ва зулм қораланган:

*Эски Шарқнинг бўйнидаги қулликнинг
Занжирларин узуб ташлар Янги Шарқ.
Шарқ халқининг бўйнидаги зўрликнинг
Асосларин бузуб ташлар Янги Шарқ.*

Шоир таъбирича, Ҳиндикуш арслонлари – афғонлар, Ҳинд юртининг арслонлари бўлган ҳиндлар, Чанокқалъа турк қонига ботганини кўрган турклар, Нил бўйининг деҳқони тўп остида қирилганидан ғазабланган араблар, турк бешиги бўлган Туркистон аҳли, умуман, озодлик орзусини дилига жо этган Шарқ уйғонди. Бу энди зулм ва истибдодга бўйин эгган эски Шарқ эмас. Эрк йўлида курашга отланган Шарқни Чўлпон ана шундай ёниқ мисраларда васф этади.

Шеърият образлар, тимсоллар билан иш кўриши маълум. Ҳамма гап образга ўзига хос бадиий либос кийдира билишда. Йил фасллари кўҳна Шарқ шеъриятида образли тасвир учун

бой материал берган. Жумладан, ҳазрат Алишер Навоий тўрт девондан иборат машҳур “Ҳазойин ул-маоний”ни табиатдаги тўрт фаслга қиёсан инсон умрининг тўрт босқичи номи билан боғлайди. Бу анъана қайсидир кўринишда буюк мутафаккир издошлари томонидан ҳам изчил давом эттирилди. XX аср аввалига келиб, жаҳид шеъриятида мумтоз лирикадаги анъанавий образлар янгилана борди. Жаҳидлар поэтик образларни нафақат мазмунан, шаклан ҳам янгиллагани маълум.

Табиат ва йил фасллари, уларнинг ўзига хос хусусиятлари кўплаб шоирларга илҳом берган. Чунки инсон қалбининг нозик кечинмаларини табиатдан айро ҳолда тасаввур қилиб ҳам, тасвирлаб ҳам бўлмайди. Шунинг учун адабиётда, айниқса, шеъриятда табиат поэтикасига мурожаат қилиш барча даврларда долзарблик касб этган. Шу жумладан Чўлпон ижодида ҳам. Фасллар ичида куз тасвири ~~от~~такчи ўрин тутиши айти ҳақиқат. Нима учун? Чунки куз – **ҳазон** фасли. У орқали аксар ҳолларда шоир қалбидаги **д**ард, уни қийнаган изтироблар, орзу ва армонлар зиддияти, **В**атан ва миллат қисмати бадиий талқин этилган. Чўлпон шеъриятида бундай ҳазин кечинмалар тасвири, айниқса, **алоҳида** ўрин тутди. Шоир “Куз” сарлавҳали шеърида табиат ҳодисаларини миллат қисматига боғлаб кўрсатади. Бу билан ижодкор бутун ҳаёти ва ижодининг моҳиятини ташкил қилган эрк ғоясини гўзал тасвирларда талқин қилади. Шоир мана бундай ёзади:

*Кўм-кўк экан, сарғайдилар япроқлар
Оғрик, мағлуб, тутқун Шарқнинг юзидек.*

“Чўлпон шеърларида табиат манзаралари, фасллар тасвири аксарият шоирнинг руҳ ва кайфиятинигина эмас, қай бир даражада ғоя ва маслагини ҳам ўзида намоён этади, – **деб ёзади** жаҳидшунос олим Беғали Қосимов. – 1921-23 йилларда ёзилган шеърларда табиатга ижтимоий сифатлар бериларди. Манзарага мос замон воқеалари – ҳақсизликларга

ишора қилинарди. Бир сўз билан айтганда, табиат ижтимоийлашарди ва булар кўпинча “Шарқ” ва “Ғарб” муқоясасида бериларди”²⁴. Дарҳақиқат, Чўлпоннинг юқоридаги сатрлари айна шу хусусиятлари билан алоҳида ажралиб туради. Кўм-кўк япроқлар сарғайиши ҳолатининг “оғриқ, мағлуб, тутқун Шарқнинг юзи”га қиёсланиши замирида Чўлпон қалбидаги буюк бир дард – мустамлака гирдобиди қолиб, таназзулга юз тутган она Туркистоннинг фожеъ қисмати қаламга олинган. Забун Шарқнинг тақдири “кўзи қонга тўлган” ғолиб Ғарб билан қиёслангандагина шеърда кўтарилган ижтимоий муаммолар илдизи бор мураккаблиги билан талқин этилиши мумкин эди. Зеро, “Шарқ ва Ғарб маданияти қиёсига юксак умуминсоний мезонлар асосида ёндашиш, масаланинг туб моҳиятидан, илдизидан келиб чиқиб фикр юритиш, Ватан ва миллат манфаати нуқтаи назаридан баҳолаш – мутафаккир жадидлар маънавий-ахлоқий таълимотининг бош хусусияти”²⁵ бўлган. Чўлпоннинг муқояса усулини қўлагани сабаби шунда:

*Бўронларнинг кўзлариким ўйноқлар
Ғолиб Ғарбнинг қонга тўлган кўзидек.*

Чўлпон шеърлятида “қора булут” тимсоли истибдод ифодаси сифатида кўп қўлланилгани маълум. Ушбу шеърда ҳам “Шарқни ёпган парда янглиғ” кўкларни қоплаган “қора булут” замирида шоирнинг ўкинчи ўз ифодасини топган:

²⁴ Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик. – Т.: “Маънавият”, 2004, 451-бет

²⁵ Жабборов Н. Фитрат ижодида Шарқ ва Ғарб маданияти талқини. / “Истиқлол ва Фитрат” мавзuidaги анъанавий республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2017, 11-бет.

*Қора булут тўдасиким кўкларни
Шарқни ёпган парда янглиғ ёпмишдир.*

Шеърда улуғ шоирнинг маслаги – эрк орзуси бадий талқин этилган. Бунда ижодкор “куз” ва “ёз” тазодидан поэтик восита сифатида фойдаланган. Шоир наздида “куз” – мустамлакачилар, “ёз” эса зулм исканжасида қолган миллат рамзи. “Куз қўшини оғу тўла ўқларини ёз бағрига саноксиз отгани” ҳақидаги фикр тағмотида айтиш шундай ҳақиқатнинг бадий ифодасини кузатиш мумкин. Қуйидаги сатрлар шоирнинг қалбини изтиробга солган маҳзун туйғулар ҳосиласи ўлароқ ижод этилган:

*Бало янглиғ қатор-қатор чизилиб
Кўк юзидан қарғалар ҳам ўталар.
Шарқдек ичдан яширингина эзилиб
Кўп жонлилар сўнгги тинни куталар.*

Ушбу шеърнинг поэтик хулосасида ўқинч ва алам, умидсизлик ва ситам туйғулари тажассум топганини сезиш қийин эмас. Қарғаларнинг тизилишиб ўтиши табиатда кузатиладиган ҳолат. Шоир табиатнинг ана шу ҳодисасидан Шарқда “бало янглиғ” кезиб юрган истибдоднинг аянчли қиёфасини чизади. Академик Наим Каримов таъбири билан айтганда, буни Чўлпоннинг “шеърятни халққа, унинг ҳаётига, қалбига, изтироблари, азоблари, орзу ва умидларидан иборат руҳий оламига яқинлаштирган”и²⁶ билан изоҳлаш мумкин. Мана, шоир шеърни қандай сатрлар билан хулосалайди:

*Бутун борлиқ- чоғлик ўчиш олдида,
Совуқ... қора қишга кўчиш олдида...*

Куз Чўлпон руҳиятини бирқадар тўлароқ ифода этмоқ

²⁶ Каримов Н. XX аср ўзбек адабиёти манзаралари. – Т.: Ўзбекистон, 2008, 208-бет.

учун ўзига хос поэтик восита вазифасини ўтаган. Буни шоирнинг “Ҳазон” сарлавҳали шеъри мисолида ҳам кўриш мумкин. Шеърда шоир “тескари қилиб такрорлаш” мазмунини ифодалаган тарду акс санъатини қўллар экан, бу орқали маъно таъсирчанлигини кучайтиради.

*Куз чоғи... тупроқлар гезариб қолдилар,
Гезариб қолдилар куз чоғи тупроқлар.
Сўнг дамда япроқлар қизориб ёндилар,
Қизориб ёндилар сўнг дамда япроқлар.*

Бу сатрлар Чўлпон шеъриятга янги мазмунни олиб кирар экан, мумтоз бадий санъатлардан маҳорат билан фойдаланганини кўрсатади. Зеро, тарду акс санъатида муайян жумлани қайтариш орқали “мазкур сўз ёки сўз бирикмалари яна бир бор таъкидланибгина қолмай, уларнинг маъноси ҳам янгиланади, мисра мазмуни ҳам такомиллашади”²⁷. “Тупроқлар гезариши, япроқлар қизориб ёниши” тасвири замирига шоир қандай фикрларни жойлаган? Миллий руҳнинг бетакрор тасвир берилган ушбу шеърнинг кейинги мисралари бунга ойдинлик киритади:

*Қарғалар боғларда қағлашиб қолдилар,
Билмадим, кимларнинг қисмати узулур?
Ёнғоққа ёпишиб бир чангал солдилар,
Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур?*

Қарғанинг қағиллаши – ўзбек халқи удумига кўра ноҳуш воқеа содир бўлиши аломати. Ана шу тасвир сўнгида Чўлпоннинг “Билмадим, кимларнинг қисмати узулур?” дейиши сабаби шунда. Қарғанинг ёнғоққа ёпишиб чангал со-

²⁷ Ҳожиаҳмедов А. Шеърий санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: “Шарқ”, 1998, 89-бет.

лиши – фалокатнинг оғирроқ кечиши нишонаси. Демак, кимларнингдир умиди йўқ бўлиши кутилади. “Кимларнинг” деганда шоир, шубҳасиз, ўзи мансуб бўлган миллатни назарда тутди. Чунки истибдодга бўлган исёнини дастлаб очик-ошкор изҳор этган Чўлпон большевиклар ҳукумати цензурасининг тазйиқи кучайган сари фикрларини рамзлар тилига кўчириб, пардалаб ифодалашга ўта боргани маълум. Шунга қарамай, қуйидаги мисраларда шоир қарашлари очикроқ, аччикроқ талқин этилгани кузатилади:

*Эй совуқ эллардан муз кийиб келганлар,
У қўпол тушингиз қорларда йўқ бўлсин!
Эй меним боғимдан мевамни терганлар,
У қора бошингиз ерларга кўмулсин!*

“Совуқ эллардан муз кийиб келганлар” деганда шоир кимларни назарда тутгани маълум. Халқона “Тушингни сувга айт” иборасини ижодкор “У қўпол тушингиз қорларда йўқ бўлсин!” тарзида ифодалайди. Боғидан мевасини терганларга қарата: “У қора бошингиз ерларга кўмулсин!” дея экан, Чўлпон мустамлакачиларга бўлган нафратини яширмайди.

*Билмадим, кимларнинг умиди йўқ бўлур,
Сўнг дамда япроқлар қизориб ёндилар.
Билмадим, кимларнинг қисмати узулур,
Куз чоғи... тупроқлар гезариб қолдилар.*

Сўнгги бандда шоир шеърнинг энг таъсирчан сатрларини териб олиб қайтаради. Бу орқали, биринчидан, тарди аксни ўзигача бўлган бирор шоирда учрамаган тарзда янгилайди, иккинчидан, ўз ижодий ниятини ўқувчи қалбига чуқурроқ жойлашга муваффақ бўлади.

“Куз ёмғири” шеъри ҳам шоир руҳиятини англашда, унинг орзулари-армонлари оламини тушунишда алоҳида

аҳамиятга эга эҳани жиҳатидан катта бадиий қимматга эга. Шеърда тасвир қисқа сатрларда ифодаланган:

*Тўкилди томчилар...
Япроқнинг юзлари
Томчига ўптириб ҳўлланди,
Чуқурча кўлланди...
Томчини кўптириб
Бетида ўйнатди
Чуқурча,
У жиндек кулча.
Томчилар – кўкларнинг сўзлари
Ерларни қамчилар!..*

“Шеър 1926 йилда, шоир тепасида танқид таёқлари синиб турган бир пайтда ёзилган”, – дея таъкидлайди профессор Бегали Қосимов. – Уни шунчаки бир манзара доирасида қолдириб бўлмайди. Ўйлаймизки, ундаги ҳар бир тафсилда кайфият, ҳолат маъно бор”²⁸.

Ҳақиқатан, шеър рамзлар тилида ёзилган. Унда шоирнинг изтироблари, қалбини ўртаган чўнг дард тасвири мужассам. Томчиларни ерларни қамчилаётган кўкларнинг сўзларига ташбеҳ этиш замирида ҳам теран маъно яширинган.

Таъкидлаш керакки, Абдулҳамид Чўлпон ўзи “...бир хил, бир хил, бир хил! Кўнгил бошқа нарса – янгилик қидирадир”²⁹ деганидек, шеъриятни янгилашга интилди ва бунга муваффақ бўлди. Шоир анаънавий мазмунни янгиледи. Замонавий миллий шеъриятимизнинг тамал тошини қўйганлардан бири сифатида тарихга кирди.

²⁸ Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик. – Т.: “Маънавият”, 2004, 452-бет.

²⁹ Чўлпон Абдулҳамид. Улуғ ҳиндий. /Асарлар. Тўрт жилдлик, IV жилд. – Т.: “Академнашр”, 32-бет.

Чўлпон шеърияти умумжаҳон адабиёти контекстида ўрганилишга лойиқ ва бу ишни амалга ошириш миллий адабиётшуносликнинг долзарб муаммоларидан биридир. XX аср аввалидаги миллий уйғониш адабиёти эришган ютуқлар илдизи миллий адабиётларнинг ўзаро таъсири билан боғлиқ ҳолда кечди. Ўтган аср бошида яшаб ижод қилган ирланд адиби ва шоири Жеймс Жойс испан шоири ва драматурги Федерико Гарсиа Лорка, олмон адиби Франц Кафка, рус шоири Александр Блок, Сергей Есенин, хитой адиби Лу Син (Чжоу Шужэн), ҳинд адиби ва шоири Робиндронатх Тҳакур, француз ёзувчиси Ҳанри Барбюс, турк ижодкорлари Ризо Тавфиқ, Яҳё Камол, Ҳусайн Ғурпинар ва дунёнинг бошқа кўплаб машҳур ижодкорлари бир-бирларидан таъсирланмаган бўлиши мумкин эмас. Демак, Чўлпоннинг поэтик мазмунни янгиланшида жаҳон адабиётидаги ижтимоий-адабий муҳитнинг таъсири катта бўлган.

Шоир бадиий-эстетик тафаккурининг ўсиши ва ривожланишига кучли таъсир кўрсатган ижтимоий ва хусусий омилларни қуйидагича тасниф этиш мумкин: 1) *ўта мураккаб тарихий шароит*; 2) *маънавий етук ва молиявий тўқис оила муҳити*; 3) *юрт озодлиги учун кураш майдонига кириш*; 4) *рус ва турк адабиёти орқали жаҳон адабиёти билан танишув*; 5) *руҳий босимга қарши тура олиш*. Ўз навбатида, бу омиллар Чўлпон шеъриятида поэтик мазмун янгиланишини таъминлашда алоҳида аҳамиятга эга бўлган.

Мумтоз шеъриятимиздаги анъаналар билан бирга жаҳон адабиёти тажрибаларини миллий андазаларга мослай билгани Чўлпон шеъриятидаги поэтик мазмун янгиланишининг яна бир муҳим бадиий-эстетик омилidir. Шоирнинг “Ҳамлет” таржимаси орқали Шекспир поэтик маҳоратидан сабоқ олди. Фалсафий мушоҳада, мавжуд нарсалардан поэтик образ яратиш ва шеър шаклини маълум қонуниятлардан чиқмаган ҳолда янгилаш каби хусусиятларни Робиндронатх Тҳакурдан ўрганди. Чўлпон рус адабиёти классикларидан А.С.Пушкин, Н.В.Гоголь,

И.С.Тургенев, Иван Франко, А.П.Чехов, Л.Андреев, А.М.Горький, А.Блок, А.Серафимович ва И.А.Крилов асарларини ўзбек тилига таржима қилиш орқали бу адабиётнинг таъсирчан усуллари эгаллаб олди. Шоир ижодида у таржима қилмаган кўпгина ижодкорлар асарларининг ҳам таъсири кузатилади. Номик Камолдан Али Сайфийгача бўлган усмонли турк ижодкорлари асарларини мутолаа қилди. Янги шеърий шакллар борасида Ризо Тавфиққа мурожаат қилди. Яхё Камол тажрибасидан сабоқлар олди. Эронлик шоир Абулқосим Лохутийдан, Лу Цзин Ван ва Вей Ин Ю каби хитой шоирларидан таржималар қилди, тажриба ўрганди. Чўлпон шеъриятидаги янгиланиш ва юксалишнинг асосий сабабларидан бири айнан шу экани аниқ.

Чўлпоннинг индивидуал ижодий тафаккури даражасини баҳолаш учун, энг аввало, унинг жаҳон адабиётидаги аъъанавий мавзу ва образларга ёндашувидаги ўзига хосликни ўрганиш зарур. Жаҳон адабиётида аъъанага айланган Клеопатра образини яратишдаги маҳорати бунинг ёрқин далилидир.

У.Шекспир “Антоний ва Клеопатра” фожиасида, Иоганн Маттезон “Клеопатра” (1704), Франц Пёниц “Клеопатра” (1888), Бернард Шоу “Цезарь ва Клеопатра”, Михаил Фокин “Миср оқшоми” (1908), Жюль Массе “Клеопатра” (1914) номли мусиқий ва драматик асарларида, А.С.Пушкин, “Валерий Брюсов, Александр Блок, Анна Ахматова кабилар ҳам Клеопатра номли гўзал шеърларида Мисрнинг бу сўнгги маликаси образини яратганлар.

Чўлпон “Клеопатра” номли бир мансур ҳикоя ва “Клеопатра уйқуси” сарлавҳали бир шеър ёзди. “Кетганимда” деб номланган бир шеърини Клеопатрага бағишлади. Уларнинг ҳаммаси 20-йилларнинг аввалида ёзилгани шоирнинг сиёсий дунёқараши, шу билан бирга, жаҳон адабиётига назари анча эрта бошланганидан далолат беради.

Шеърлатимизнинг ҳам мазмун, ҳам шакл жиҳатдан янгиланишида шоир назмий асарларининг ўрни алоҳида

экани аён. Ижодкор куз тасвири орқали истибдод искан-жасига тушган Ватан ва миллатнинг мураккаб ва зиддиятли қисматини ифодалади. Гарчи бу туркум шеърларида маҳзун кайфият, тушкун руҳият таъсири сезилиб турса-да, сатрлар тағматнида буюк шоирнинг истиқлол ҳақидаги орзулари бадиий талқин этилганини англаш қийин эмас. Демак, поэтик мазмуннинг янгиланишида Чўлпоннинг индивидуал ижодий тафаккури катта аҳамият касб этган.

II БОБ. ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ ОБРАЗ ЯНГИЛАНИШИНИНГ АДАБИЙ- ЭСТЕТИК ОМИЛЛАРИ

1. Чўлпон ижодида фольклоризмларнинг ўрни, турлари ва поэтик вазифалари

Абдулҳамид Чўлпон шеърларида учрайдиган фольклоризмларнинг XX аср бошлари ўзбек адабиёти бадий тақомилида, миллий шеърятнинг янгилаши жараёнида ўз ўрни бор. Фольклорга хос жанр, мотив, образ, оҳанг, тасвирий воситалардан ёзма адабиётда фойдаланиш, уларга “қайта ижодий ишлов бериш” ҳодисаси адабиётшунослар томонидан “фольклоризм” деб юритилиши Б.Саримсоқов, Ғ.Мўминов, И.Ёрматов, Л.Шарипова, Д.Холиқова, С.Ҳамдамова, У.Амонов каби ўзбек олимларининг тадқиқотлари орқали ҳам маълум³⁰.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Чўлпон ўз шеърларида фольклор образ ва мотивларидан ижодий фойдаланган. Бу эса, ўз навбатида, шеърятни шакл ва мазмун жиҳатдан янгилашда адабий-эстетик омил вазифасини ўтаган. Фольклор образларининг ёзма адабиёт томонидан

³⁰ Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. – Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1980. – № 4. – Б.37-45; Мўминов Ғ. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. фанлари д-ри ...дисс. – Т., 1994. – Б.56; Ёрматов И.Т. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-х годов): автореф. на соиск. канд. фил. наук. – Т., 1985. – 24 с.; Шарипова Л.Ф. 80-90-йиллар ўзбек шеърлятида фольклоризмлар: Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 2008; Холиқова Д. Ҳозирги ўзбек шеърлятида фольклор аънаналари ва бадий маҳорат: : Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 2011, – 26 б.; Ҳамдамова С.Х. Фольклор аънаналари ва бадий талқин: таъсир ҳамда акс таъсир масалалари (XVIII-XIX аср шеърляти мисолида): Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 2012, – 27 б.; Амонов У.С. XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғолиб Юнусов ва Элбек Ғолиятти мисолида). – Т., 2018. – 53 б.

ўзлаштирилиши ижодкор фикрининг чуқурроқ англашилиши, асарнинг жозибали бўлиши учун хизмат қилиши аён.

Чўлпон ижодида учрайдиган фольклоризмлар ўзига хослиги билан ажралиб туради ва уларни ўрганиш сўз устасининг поэтик маҳорати даражасини янада ёрқинроқ тасаввур қилиш баробарида у яшаган XX аср бошларидаги адабий жараён тараққиётида фольклорнинг таъсирини билиб олишга ёрдам бериши жиҳатидан янада муҳимдир. Бу муаммони ўрганишдан олдин У.Амоновнинг “XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида)” мавзуидаги PhD тадқиқотини эсга олиб ўтиш жоиздир³¹. Чунки унда Чўлпон билан бир даврда яшаб ижод қилган, қатағон қурбонлари бўлган ижодкорлар Абдурауф Фитрат, Элбек (М.Юнусов) фольклоризмлари таҳлил ва тадқиқ қилинган.

Аслида, бу йўналишдаги тадқиқотлар ўтган асрнинг иккинчи ярмидан яратила бошлагани кузатилади³². Бироқ уларда Чўлпон фольклоризмига муносабат учрамайди.

³¹ Амонов У.С. XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида). – Т., 2018. – 53 б.

³² Мирзаев С., Файзиев А. Абдулла Қаҳҳор прозасида халқ оғзаки ижоди // Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Тўплам. – Т., 1967; Асқаров С. “Майсаранинг иши” комедиясида халқ оғзаки ижоди // Ўзбек тили ва адабиёти, 1967, 3-сон; Маллаев Н.А.Навоий ва халқ ижодиёти. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1974, 208-228-бетлар; Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. – Т.: Фан, 1979; Жалолов Ғ. Ҳамза драматургияси ва фольклор. - Т.: Фан, 1988; Сафаров О. Болалик куйчиси. – Т.: Фан, 1976; Ҳ.Олимжон шеърӣ адабий эртаклари // Педагогик маҳорат, 2003, 4-сон, 62-63- бетлар; Турғунбой Ғойибов – эртақнавис адиб // Педагогик маҳорат, 2005, 1-сон, 71-75-бетлар; Кувватова Д.Ҳ. ўзбек илмий-бадий фантастикасида фольклор мотивлари: Филол. фан. номз... дисс.–Т., 1997; Имомкаримова М. Ўткир Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар: Филол. фан. номз...дисс.–Т., 2004; Нарзикулова М. “Сабаи сайёр” достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини: Филол. фан. номз... дисс.–Т., 2006.

Фольклоризмлардан ҳар бир давр ижодкорлари ижтимоий ҳаёт воқеликларидан келиб чиққан ҳолда, ўша давр адабий жараёнига мувофиқ тарзда фойдаланган³³.

Ўз даври ижодкорлари қатори Чўлпон ҳам шеърларида фольклор асарларига хос содда шакл ва ифода услуби, анъанавий эпик образ ва мотивлар, ўйноқи ва сержило оҳангдан фойдаланган. Бу орқали миллий шеърятга янги-ча руҳ олиб кирган. Бу орқали ўзининг халқ ижодига чексиз ихлосини намоён этиш баробарида унинг катта билимдонларидан бири эканини ҳам кўрсата билган.

Чўлпон фольклоризмлари шоир яшаб ижод қилган давр воқеликларини бадиий тасвирлаши, унинг мақсадини, дил қатларидаги истак-армонларини, дард-кечинмаларини очиб бериши, теварак-атрофда юз бераётган ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга ўз муносабатини билдириши учун востита вазифасини ўтаган. Хусусан, очиқ-ошкора баён этиш мумкин бўлмаган фикрларини, айниқса, юртга бостириб келган мустабидчилар зулм-зўравонлигини, адолатсизликка асосланган тузум шароитини, бундан қон ютаётган ватандошлари ҳолати ва дардини фольклор асарларига хос усуллар ва услубларда баён этган. Иккиёқлама, яъни ҳам рус босқинчилари ва улар томонидан ўрнатилган мустабид тузум, ҳам маҳаллий ҳукмдорлар, бой-зодагонлар томонидан зулмга мубтало бўлган халқ аламларини шоир халқ тилида ифода этишга уринади.

Чўлпон ўз даври ижодкорлари қатори шеърларида фольклоризмларнинг стилизацион, аналитик каби турли типларидан, унинг оддий ҳамда мураккаб кўринишларидан катта маҳорат билан фойдаланди. Жумладан, шоир шеърларида халқ олқиш ва қарғишлари асосида бетакрор аналитик фольклоризмлар яратилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан:

³³ Амонов У.С. XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида). – Т., 2018. – 53 б.

*Эй совуқ эллардан муз кийиб келфонлар,
У қўпол тушингиз қорларда йўқ бўлсин,
Эй, менинг боғимдан гулларни терфонлар,
У қора бошингиз ерларга кўмилсин!*³⁴

Кўриняптики, Чўлпон шеърларидаги қарғишлар юртимизни босиб олиб, хонавайрон қилган, халқимизни хўрлаган, миллий қадриятларимизни оёқости қилган босқинчи мустабидларни ёзғиришга қаратилган.

*Шунинг учун Ҳимолоё эрлари –
Ҳинд юртининг арслонлари турдилар;
Кутулсун деб золимлардан ерлари
“Золимларга ўлум!” – дея юрдилар...*³⁵

Халқ қарғишларининг бадиий шакли, тили ва ифода услубидан ижодий фойдаланиб яратилган ушбу сатрларда мустамлакага айлантирилган юртнинг аянчли аҳволини кўриб, юраги қаттиқ эзилган ва ларзага келган лирик қаҳрамоннинг кўнгли тубидаги истак-орзулари отилиб чиқмоқда. Унинг қалбида туғилган чексиз қийноқ, оғриқли фарёд, нафрат ва ғазаб уни қарғашга ундаётган куч экани аёнлашмоқда. Маълумки, нафрат ва ғазаб қарғишлар табиатини белгиловчи асосий аломатдир. Унга хос мана шу белги Чўлпоннинг мустабидлар зулмини қоралаш, уларни лаънатлаш учун бадиий ифода шакли, поэтик восита сифатида фойдаланишига йўл очган.

Шуниси борки, Чўлпон қўллаган бу каби қарғишлар бир кишига, биргина объектга эмас, балки умумга қаратилганлиги билан ижтимоий моҳият касб этиб, халқона

³⁴ Чўлпон. Ҳазон. Чўлпон (Абдулҳамид Сулаймон ўғли). Асарлар. IV жилдлик. I жилд. Шеърлар, мансуралар, шеърый хатлар. – Тошкент: Akademnasr, 2013. – Б.72. (Бундан кейинги саҳифаларда шеър номи ва унинг шу китобдан жой олган бетини кўрсатиш билан чекланамиз).

³⁵ Чўлпон. Янги Шарқ, 32-бет.

услугдаги қарғишлардан мазмунан фарқ этмоқда. Худди мана шу нуқтада шоирнинг бадиий маҳорати, ўзига хос фольклоризм яратганлиги кўзга ташланади.

Фольклорда қарғишлар, одатда, маълум шахсга қаратилса, Чўлпон ижодида қарғишнинг ижтимоий ҳаётда нафрат, ғазаб ва норозилик уйғотган муайян предметга, ҳодисага йўналтирилгани кузатилади. Масалан, қуйидаги қарғиш то 1927 йилгача ўзбек хотин-қизларининг озодлигига ғов бўлиб келган паранжига қаратилгани жиҳатидан эътиборни тортади:

Йўқ бўлсин,
Йўқ бўлсин
Паранжи!
Гулласин,
Яшнасин
Паранжи остига беркинган,
“Менга ҳам эрк!” – деган
Инжу! Инжу!³⁶

Чўлпон шеърларида олқиш ва қарғиш кўринишида яратилган бундай аналитик фольклоризмлар кўплаб учрайди ҳамда улар бадиий вазифасининг аниқлиги билан ажралиб туради.

Ол байроғингни, қалбинг уйғонсин,
Қуллик, асорат – барчаси ёнсин,
Қур янги давлат, ёллар ўртансун,
Ўсиб Туркистон, қаддин кўтарсин,
Яйраб, яшнаб, ўз Ватанинг гул Боғларингда³⁷.

Шоирнинг олқиш ва қарғишлар асосида яратган бундай аналитик фольклоризмлари шеър оҳангдорлигини ошириш баробарида унинг бадиий таъсирчанлигини ҳам кучайтиришга хизмат кўрсатган.

³⁶ Чўлпон. Паранжи, 216-бет.

³⁷ Чўлпон. Ёзал Туркистон, 42-43-бетлар.

Кўпинча шоир шеърларининг сўнгги мисраларига жойлаштирган олқиш ва қарғиш оҳанги ҳамда шаклидаги фольклоризмлар нидо санъати янглиғ бўй кўрсатади:

*Шу гўзал чехралар кулиб ётсин,
Қора даштлар томон чошиб оқабер.
Товушинг йўқсил элни уйғотсин,
Кучли, лой сувларинг билан бирга,
Уўлим уйқуси оқиб битсин!*³⁸

Чўлпоннинг “Яна Зарафшон” шеъридан олинган ушбу бандда ҳам олқиш, ҳам қарғиш баробар қўлланган.

Чўлпон бундай халқона олқиш ва қарғишлар, қочирим сўзлар, рамзий образлар, эпик тимсол ва мотивларга кўп мурожаат қилгани кузатилади. Шоир шеърларидаги олқишлар, асосан, Ватан ва ватандошлар тимсолига қаратилган:

*Кетдилар бирга йироқ сафарга,
Худо йўл берсин туркистонийларга....*

*Белинда камар, қўлида байроқ,
Улуғ Туркистон, йўлинг бўлсин оқ*³⁹.

Миллий уйғониш даврининг барча ижодкорлари сингари Чўлпон миллат эрки ва озодлигини куйлади. Мустамлакилар томонидан минг-минг йиллик тарихи, дунёга илму маърифати билан донг таратган аجدодларининг хоки поки топталган, оёқ ости қилинган, ғурури ерга урилган миллатнинг аянчли аҳволи, унинг келажагидан ташвишланаётган шоирнинг руҳий ҳолати фольклоризмлар асосида ёритиб берилди.

Чўлпон шеъриятида ўзбек халқ оғзаки ижодининг эпик жанрларига хос мотив ва образлар асосида шакллантирил-

³⁸ Чўлпон. Яна Зарафшон, 23-бет.

³⁹ Чўлпон. Ўзбеклар, 21-бет.

ган стилизацион фольклоризмлар алоҳида ўринга эга. Бу жиҳатдан шоир шеъриятида учрайдиган от образи талқини алоҳида эътиборни тортади. Унинг “Ўзбегим” шеъридаги қуйидаги мисралар бу ўринда айрича диққатга сазовор:

*Дунёда ҳамма халқ қизиққан
Гавҳардек бебаҳо от эдинг.
Хуррият бўлганда сен келдинг
Минайин семирган отга деб⁴⁰.*

От туркий қавмлардан бири бўлган ўзбеклар тотемидир.⁴¹ Бунда шоир дунёда ҳамма халқ қизиққан гавҳарбек бебаҳо, бой ўзбек элига унинг тотеми саналган от тимсоли воситасида ишора қилмоқда. Семирган от тимсоли эса ҳар томонлама бой халқ образини ўзида мужассамлантиради, чунки “семиз” “бой” деганидир. “Бобурнома”да Самарқандни “Семизқанд – бой шаҳар”⁴² дейишганини бу ўринда ёд этиб ўтиш мумкин.

Шоирнинг “Бузилган ўлкага” шеърида от образи мана бундай ифодаланган:

*От минганда қушлар каби учгувчи,
Эркин-эркин ҳаваларни кучгувчи,
От чопганда учар қушни тутқувчи
Учар қушдай ёш йигитлар қаерда?*

Чўлпон бошқа миллатпарвар шоирлар каби ўз шеърларида Туркистон ўлкасининг нега мустамлака ҳолига келиб

⁴⁰ Чўлпон. Ўзбегим, 30-бет.

⁴¹ Ҳоди Зариф. Ўзбек халқ дostonларининг тарихий асослари бўйича текширишлар // Пўлкан шоир. – Т.: Фан, 1976. – Б.34-89; Мусақулов А. Халқ қўшиқларида от инончининг бадий ифодаси. – Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1994. – №4-6; Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадий талқини: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 2000. – 24 б.

⁴² Бобур З.М. Бобурнома. – Т.: Юлдузча, 1990. – Б.43.

қолгани сабабларини ахтариб, бунга лирик муносабатини билдиришни вазифаси ҳисоблайди. Шоир кўпинча диний-мифологик образлар ва ҳаёлий макон тимсоллари талқини, поэтик стилизацияси асосида босқинчиларнинг ниҳоятда хавфли, инсон руҳиятини бузувчи, айнитувчи эканлигини билдиришга интилади:

*Мавжуд жаннатларнинг энг гўзалида,
Энг гўзал малика атирлар сочди.
Кўкларнинг энг нозли, ўйноқ париси,
Атир қутисининг оғзини очди*⁴³.

Жаннат, дўзах тушунчалари халқнинг ўзга дунё ҳақидаги диний мифологик тасаввурлари билан боғлиқ эпик макон номларидир. Бу ўринда Чўлпон юрт тушунчасини жаннатга тенглаштиришни кўзлаган.

*Сенинг учун қонлар тўккан, жонлар берган мазлумлар,
Ишчилардан, мазлумлардан, аскарлардан саломлар,
Фаришталар ҳам малаклар ризвонлардан, тавҳият,
Золим бойлар буржуйлардан дардлар, ғамлар, аламлар;
Қаламимдан, қоғозимдан ҳам ўзимдан муҳаббат*⁴⁴.

Мазкур мисралар орқали шоир элу юрт тинчлиги ва ободлиги йўлида курашиб жон берганларни жаннати бўлади, улар ризвонлардан, яъни жаннат боғларидан жой олади демоқчи. Шоир бундай ватанпарвар инсонларни жаннатдаги фаришта ва малакларга тенглаштирмоқда.

*Лабларим шу тунда чанқаған, қизарған,
Кавсарнинг сувидан шароблар истамас,
Фаришта қилиқли, малика қизлардан,
Чанқоқни босувчи ўпич сўрамас*⁴⁵.

⁴³ Чўлпон. Ниманинг ҳиди, 31-бет.

⁴⁴ Чўлпон. Қизил байроқ, 3-бет.

⁴⁵ Чўлпон. Барг, 110-бет.

Кавсар – жаннатдаги ҳовуз номи. Қуръони каримда унинг пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга ато этилгани зикр қилинади. Чўлпон фикрича, зулм таёғини ушбу муборақ ҳовуз сувининг оқишига ташбеҳ этиш айб. У “Ағдарилиш” шеърини “Шоирга” деб кўрсатар экан, юрт қайғуси ҳақида ёзмаган шоирларни ёлғончи атайди. “Зулм таёғи эгри эди, сен уни жаннатнинг буралиб-буралиб оқатурган Кавсар сувларига ўхшатдинг”, дея⁴⁶ уларни айблайди.

Чўлпон: “Жаннат баним учун қуруқ саҳродир, Ишқнинг саҳросиким, банга маъводир”, дейди⁴⁷. Кун келиб, шаҳарларимиз жаннатга айланишига ишонади. Шундан келиб чиқиб, “Жаннатга айланажак шаҳримиз бир кун!” деб ёзади⁴⁸.

Шоирнинг Ғафур Ғулом билан мушоара услубида яратилган “Мушоара” шеърида дўзах, беҳишт (жаннат) ва улар ўртасидаги йўл – аърофнинг таносиб қилингани кўзга ташланади:

*Теварагим дўзах, беҳишт, аърофнинг шубҳаси,
Шу чигалларни ечирга бунда Оллоҳ истадим*⁴⁹.

“Томуғ” – дўзах демакдир. Шоир назмий асарларида у жаннатга зид қўйилади. У бу ёруғ дунёда гуноҳкор бўлганлар борадиган сўнгги манзил, доимий олов ёниб турадиган, азоб-уқубатларга тўла жой сифатида тасаввур қилинади. Жадид ижодкорлари, асосан, қалбида элу юрт қайғуси бўлмаган, уни босқинчиларга осонгина топшириб қўйган лоқайд, бепарво кимсаларни дўзахи ҳисобласа, душман олов ичра қолдирган ўлкани дўзахга, “оловлар пусқурган жаҳаннам”га ўхшатган. Шу маънода, барча жадидлар қатори Чўлпоннинг ҳам бу сўзларни тез-тез қўлагани, уни тушунчадан образ даражасига кўтаргани кузатилади:

⁴⁶ Чўлпон. Ағдарилиш, 78-бет.

⁴⁷ Чўлпон. Ишқ. Усмонлича, 140-бет.

⁴⁸ Чўлпон. Шаҳримизнинг қулочи, 316-бет.

⁴⁹ Чўлпон. Мушоара, 310-бет.

*“Томуғ” деган сўзни билмак истасанг,
Шарқни бошдан оёққача юрардинг.⁵⁰*

Шоир, аксинча, маърифатпарвар ва тараққийпарвар инсонларни жаннати ҳисоблайди. Ундай инсонларнинг вафотидан сўнг ҳам умри зиёда, иқболи баланд, қўним маскани гул-боғдан иборат гўзал жаннат бўлишига ишонади. Шу маънода у “Маърифатпарвар бобомиз Исмоил Ғаспиринский ҳазратлари ҳақида таъзияномамиз” шеърида **“Жойингиз жаннатда бўлсун барқарор”** дейди баралла.

Чўлпон шеърларида жин, алвасти, ажина, дев, шайтон, аждар сингари мифологик образлар стилизацияси кўп кузатилади. Ҳатто шоирнинг айрим шеърларида уларнинг номи кетма-кетликда саналган ва шу асосда таносиб санъати вужудга келтирилган:

*Ул булутлар устига отдек миниб девлар учар,
Унда бошланса жин, алвасти ва шайтонлар тўйи,
Кўк гўзалдир, сел ёғар, дўллар кучар, тўқон босар,
Кум кўчар... Тоғлар қадар қумлар кўчар.... Йўлни тўсар⁵¹.*

Халқимиз орасида жин ва шайтонлар тўйи (базми) хусусида ҳам мифологик қарашлар шаклланган. Кимки, бундай базмга тушиб қолса, ҳам ақлидан, ҳам жисмоний кучидан айрилиб, фалажланиб қолиши айтилади. Бу ўринда Абдулла Қодирийнинг “Жинлар базми” хусусидаги ҳикоясини ҳам ёд этиб ўтиш мумкин⁵².

Қуйидаги мисралардан ўрин олган ботир образи ҳам эътиборни тортади. Негаки, Ботир – эртақларга хос асосий персонажлардан бири сифатида ҳар доим зулм ва ноҳақликка қарши курашувчи образини намоён этади. Мифологик образларни мисралараро санаб, бир қаторда ти-

⁵⁰ Чўлпон. Шарқ нури, 27-бет.

⁵¹ Чўлпон. Табиатка, 10-бет.

⁵² Қодирий А. Жинлар базми. Ҳикоя.

зиб келтириш орқали таносиб санъатини вужудга келтириш ҳолати Чўлпоннинг “Ўш кечаси” шеърида ҳам кузатилади:

*Балки бир тўп **ажинанинг қўшиғи**,
Ёки алвасти товушининг чўзиғи,
Ёки тоғларда **дев ботир ўйнар**,
Ёки саҳрода бўрилар тўйи бор...*⁵³

Чўлпон дев, жин, алвасти, шайтон сингари мифологик образлар воситасида босқинчилар образини беришга ҳаракат қилган. Бунда у девни, асосан, булут образи билан боғлаганлиги кўзга ташланади. Бу, албатта, бежиз эмас. Негаки, адабиётда булут кўпинча ўзида дард-алам, тундлик, ғам-ташвиш каби маъноларни рамзий ифодалаб келади.

*Қоп-қора **дев** каби булут йиғини,
Қоплаб олди яна қуёш юзини.
Ётқизиб ёз ботир “енгиш туғ”ини,
Уйқудан очмади сира кўзини.*⁵⁴

Шоир ижодида дев образи стилизацияси кўп маънолиги билан айрича эътиборни тортади. Масалан, шоир “Пўртана” шеърида куч билан отилиб оқаётган сувнинг қудратини девга менгзаган:

*Кичқирар, бўқирар, ўқирар йўлбарсдек,
Югурар, сакрар, отилар **дегдек***⁵⁵.

Шоирнинг “Тун” шеърида найза-қиличларнинг ваҳимали садоси “Ҳар ердан қанча товушлар девлардек наъра солурлар” дея, девлар наърасига ташбеҳлантирилган бўлса,⁵⁶ “Иш

⁵³ Чўлпон. Ўш кечаси, 185-бет.

⁵⁴ Чўлпон. Яна қор, 32-бет.

⁵⁵ Чўлпон. Пўртана, 54-бет.

⁵⁶ Чўлпон. Тун, 136-бет.

ва муҳаббат” шеърида “Сўнук амал юлдузимнинг ёғдуси девларимнинг аждарига ем бўлди...”⁵⁷ дея, бир мифологик тимсол иккинчи бир мифологик тимсолга боғлаб талқин этилгани кузатилади.

Чўлпон ўз даврида ўлкамизга ёмон ният билан бостириб келган ўзга юртлик босқинчиларни ўзга олам вакилларига тенглаштириб, уларни ёвуз мифологик тимсоллар орқали ифода этар экан, оқ пошшо тимсолига оқ каллалик қора дев образи воситасида ишора қилиб ўтади.

*Мен-да ожиз у муҳитнинг олдида
Қабринг топиб, кўз ёшимни тўкмакка
Ҳамда аччиқ ҳиддатим-ла ул ерда
Оқ каллалик қора девни сўкмакка*⁵⁸.

Бу бандда шоир оқ ва қора сўзларини тазод сифатида танлаш орқали оқ пошшо тимсолига яширин киноя этаётганини англаш қийин эмас. Уни шоир “оқ каллали қора дев” деб аташ билан ёвузлигига⁵⁹ ишора қилмоқда. Д.Ўраева ёзганидек: “XX аср бошларидаги ижтимоий муҳитда қалам тебратган аксарият ёзувчи-шоирлар асарларида воқеликка киноявий муносабатни устуворликка кўтардилар. Бунга эса халқнинг ҳукмдорлар юргизаётган сиёсатдан норозиликлари сабаб бўлди... Бунда киноя бадий асарнинг тил сатҳида намоён бўлади”⁶⁰. Дарҳақиқат, Чўлпон шеърларида ҳам кўпинча мифологик образлар, қарғишлар киноявий нутқ воситасига айлантирилган ва ижтимоий адолатсизликларни фош этишга йўналтирилган. У орқали шоир ижтимоий турмушни ўзгартириш, янгилаш зарурлигини эслатиб ўтади.

⁵⁷ Чўлпон. Ишқ ва муҳаббат, 218-бет.

⁵⁸ Чўлпон. Маҳмудхўжа Беҳбудий хотираси, 62-бет.

⁵⁹ Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадий талқини: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Т., 1996. – 28.б.

⁶⁰ Ўраева Д. Фитрат драмаларида киноя. “Истиқлол ва Фитрат” мавзусидаги анъанавий республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2018 йил, 16-17 май. – Б. 18-20.

Чўлпон киноясида унинг ижодкор сифатидаги шахсиятида намоён бўлувчи ички дард-алами ифодаси кузатилади. Бу жиҳатдан шоирнинг қуйидаги мисралари фикримиз далили бўла олади:

*Гунафшалар қулоғимга мадҳингни
Сўзлаб-сўзлаб чарчадилар, битмади...
Аламзада булбул йиғлаб кечалар
Аламингнинг сўнгин тамом этмади*⁶¹.

Шеърдаги аламини тунлар айтиб адо қилолмаган аламзада булбул – юртнинг чексиз ошиғи бўлган шоирнинг ўзи.

Чўлпон худди Фитрат сингари ўз шеърларида алвас-ти, дев, жин, шайтон сингари ёвуз тимсолларни одамларга ёмонлик етказадиган, уларни тўғри йўлдан оздирувчи, инсонларга рақиб мифологик персонажлар сифатида кўрсатади. Аммо Фитрат шулар орасида шайтон “диний-мифологик образидан ижодий фойдаланиб, уни ўз даври ижтимоий воқеликларига мослаб талқин этганлиги кузатилади. У орқали шоир жаннатмакон юртидан қувғин қилинаётган, қаттиқ таъқиб этилаётган тараққийпарвар маърифатпарварлар, зиёлилар образига ишора қилади”⁶². Мана бу шеърда эса Чўлпон шайтон образини ҳатто тўғридан-тўғри муайян юрт ҳукмдорига ўхшатганига ҳам гувоҳ бўлиш мумкин:

*Кенг, эркин, хур Можаристон
Ёвларнинг кириши бирлан
Бўлди бир қаро зиндон
Ўлтирди тахтга шайтон...*⁶³

⁶¹ Чўлпон. Суйган чокларда, 79-бет.

⁶² Амонов У.С. XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида). – Т., 2018. – 53 б.

⁶³ Чўлпон. Хукм кунда, 43-бет.

Шоир фикрини тадрижий давом эттирар экан, шайтонни ҳоким, ҳоқон, қироллар қаторида санайди:

*Эй ҳоким,
Эй ҳоқон,
Эй қирол,
Эй шайтон⁶⁴.*

Шу шеър якунида “Қутулар энди шўрингдан, зулмингдан, эй шайтон, инграган инсон!..” дея фикрини тугатади.

Шоир “Хаёли” шеърида “Қулоғимга: “ол бахт” деб эшитилган азонларни шайтоний деб ўйладим, шунинг учун бахт берган малакка турли-туман афсоналар сўзладим”, деб ёзади. Юртда кечаётган шайтоний ишлардан ваҳимага тушган шоир ўзини гўё устига “бало тоғи” қулагандай ҳис этади ва мана бундай ёзади:

*Кет, эй шайтон, босирқадим... қўрқаман;
Кет-кет. Қилич синган, қалқон тешилган.
Қўрасанми? Мен эзилган, ётаман,
Устимга-да бало тоғи йиқилган⁶⁵.*

Яна бир шеърида шоир оксиморон қилиб, бахт сўзига қоп-қора рангини сифатловчи қилгани кузатилади:

*Фарёдим дунёнинг борлиғин бўғсин!
Қоп-қора бахтимга шайтонлар кулсин!⁶⁶*

Чўлпон шеърларида энг кўп стилизация қилинган халқона образлардан яна бири пари образидир:

*Хаёлимнинг қип-қизилдан кийинган
Парилари, ҳурларини кўрдингми?*

⁶⁴ Чўлпон. Ҳукм кунида, 44-бет.

⁶⁵ Чўлпон. Хаёли, 49-бет.

⁶⁶ Чўлпон. Балжувон, 124-бет.

*Алаимдан гуллар эккан йўллардан
Коинотга ҳаёт сочиб юрдингми?*⁶⁷

Пари – дунё халқлари мифологиясида кўп қўлланилган анъанавий мифологик образлардан бири.⁶⁸ Фольклор асарларида у, одатда, гўзал қиз кўринишида тасвир этилади ва ошиқлик мотиви билан боғланади. Шунинг учун Чўлпон ҳам бу образдан кўпинча Ватан ишқида яратилган шеърларида фойдаланган.

*Кет, эй тўққиз пари, гўзал қора қуш,
Йиқиқ бўлган кўкрагимдан четда уч⁶⁹.*

Бу мисраларда шоирнинг парилар ҳамда сеҳрли деб қаралувчи рақамлар ҳақидаги халқ қарашларига таяниб, париларни аниқ миқдор – тўққизта деб кўрсатиши эътиборни тортади.

Ўзбек халқ афсоналарида сув париси образи кенг тарқалган. Чўлпон ўзининг қуйидаги мисраларида унинг халқона тасвиридан фойдаланган:

Сув қизи:

*чиройли, сочлари қоп-қора,
Бўйнидан сочилган, тарқоқ.
Кўзлари дил тортар, четроқдан бир қара,
Илиндинг... раҳмсиз ул тузоқ...*⁷⁰

Чўлпоннинг юқорида парча олинган “Суйган чоқларда” шеърида пари образи қаторида ҳур образи ҳам эътиборни

⁶⁷ Чўлпон. Суйган чоқларда, 21-бет.

⁶⁸ Имомов К. Пари образининг мифо-эпик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – 2007. – № 3. – Б.36-39; Қаюмов О.С. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва бадиияти): Филол. фанлари номз. дисс. автореф. – Т., 1999. – 24 б.

⁶⁹ Чўлпон. Қет, 137-бет.

⁷⁰ Чўлпон. Пўртана, 53-бет.

тортади. Халқнинг тасаввурига кўра, Хур – турмушга чиқмай вафот этган қиз тимсоли. Хурлар ўта эркин, бировга тобе эмас, деб қаралади. Шу маънода элу юрт эркинлигини, шахснинг шахсга тобесизлигини хоҳлаган жадидлар ижодида хур образига мурожаат қилиш устунлик қилади.

Шоирнинг “Уйқу” (1921) деб номланган шеърида “радд ул-матлаъ” сифатида келтирилган қуйидаги мисраларда “уйқудаги пари” тилга олинаётир:

*Жим туринг, шовқинламанг, уйқу ичида ул пари,
Юрма, тек тур, ай шамол, юрсанг-да юр бир оз нари!*

Ўзбек фольклорида кўп учрайдиган бу мифологик образ стилизацияси асосида шоир ривожланмай, мудроққа кирган юрт қайғусини ифода этмоқда. Ҳазал жанридаги ушбу шеърнинг матлаъдан сўнгги мисраларида аввал малак, кейин фаришта тимсоллари тилга олиниб, таносиб санъати вужудга келтирилган:

*Кўкда бир тўп қиз – малак уйқу куйини бошлади,
Илгари чалган тирик, жонли куйини ташлади.
Бош ичида айланар бир тўп фаришта жимгина,
Кўк элининг тангриси ой ҳам қарайдир тинчгина.*

Бу мисраларда малак ва фаришта образлари ҳам фольклорий образ экани билан диққатни тортади. Чўлпон ижодида фаришта образи алоҳида ўрин тутган мисралар ҳам бор:

*Жим тур, фаришта, қанотинг қоқма,
Фиръавннинг қизи тинчиб ухласин.
Унинг юзидан, гўзаллигидан,
Ошиқнинг кўнгли бир ором олсин⁷¹.*

Фаришта – бегуноҳлик тимсоли. У кўпинча қанотли, учиб юрувчи қиёфада тасаввур қилинади. Шундан келиб чиқиб,

⁷¹ Чўлпон. Клеупатра уйқуси // Яна олдим созимни, 21-бет.

шоир томонидан унга “қанотинг қоқма” дея мурожаат қилинмоқда.

Мусулмон этиқодича, инсоннинг икки елкасида икки фаришта ўтириб, ҳар бир сўзини ва амалини ёзиб боради. Шу ишончни Чўлпон қуйидаги мисралари мазмунига сингдирган:

*Ҳар боқчада, ҳар дарахтда шарақлаган булбулсан,
Ҳар сўзингни бир фаришта қанотига ёзадир⁷².*

Қуйидаги мисраларда малак образи Шарқ хотин-қизларига менгзалмоқда:

*Кўнглимда йиғлаган **малаклар** кимлар?
Шарқнинг оналари, жувонларими?
Қаршимда инграган бу жонлар кимлар?
Куллар ўлкасининг инсонларими?⁷³*

“Фаришта” форс-тожик, “малак” араб тилидан ўзбек тилига ўзлашган сўзлар сифатида ўзаро синоним ҳолатида қўлланаверади. Бегуноҳлигидан ўта енгиллиги ва учиб юриши тасаввур қилиниши сабаб фаришталар кўпинча осмон (кўк) билан боғлаб талқин қилинади:

*Севгимдан сўнгги **малаклар**,
Тўп-тўғри кўкками учди?
Кўнглимдан **тоза тилаклар**,
Ёвнингми бағрига тушди⁷⁴.*

Ушбу бандда кўнгил кўкка, яъни кенг ва беғубор осмонга, унда учиб юрган бегуноҳ малаклар эса инсон қалбидаги тоза тилакларга параллел келтирилмоқда. Шуниси ҳам

⁷² Чўлпон. Севинчингни қурала!.. – Б.149.

⁷³ Чўлпон. Амалнинг ўлими, 27-бет.

⁷⁴ Чўлпон. Кетканингда, 47-бет.

борки, аксарият шоирлар каби Чўлпон ҳам кўпинча малак ва қизлар образини боғлаб талқин этган:

*Кўклардан малаклар қиз бўлиб тушсалар,
Яна мен ўтларни қўйнимга қўймаймен.*

*Ўпмаймен шу чоғда фаришта – малакни,
Ўпамен бутоқда титраган барғни...⁷⁵*

Алвасти худди инсонлар кўринишида одамларга учраб, унга зарар етказиши айтилади. Алвасти инсонга рақиб саналувчи ўта айёр ва ёвуз мифологик персонажлардан биридир. Чўлпон шеърларида у шундай образлантирилган:

*Сизлар учун алвастининг зоридек
Йиғлар кунлар келади...
Чиқадирган қуёшни сиз беҳуда
Этак билан тўсмоқ учун тиришманг⁷⁶.*

Шоир “Табиатнинг жавоби” шеърида унинг сирлилигига ишора қилиш мақсадида бандидан сарғайиб тўкилаётган барглари сифатлаш учун “Япроқлар ажинадан қўрққан болалардай ранглари ўчиб жим юларлар”⁷⁷ мисрасини келтирган ва ажина номини тилга олиб ўтган.

Шунингдек, Чўлпон ижодида аждар образининг стилизацияси ҳам кузатилади. Шоир бир шеърида тилимиз душманларини аждар образи воситасида фош этади:

*Кўр, ана аждарлар, илон ҳам чаёнлар,
Ўт пуркаб, заҳарлар сочдилар,
“Бағрида кир йўқ” деб ишонган ёронлар
Танамдан жирканиб қочдилар⁷⁸.*

⁷⁵ Чўлпон. Барг, 43-бет.

⁷⁶ Чўлпон. Тортишув тонги, 18-бет.

⁷⁷ Чўлпон. Табиат жавоби, 247-бет.

⁷⁸ Чўлпон. “Менинг товушим”, 37-бет.

Оғзидан ўт пуркаб ёндириш аждаҳога хос асосий белги сифатида талқин этилиши фольклордан маълум. Шундан келиб чиқиб, юқоридаги сатрларда аждарнинг ўт пуркаши, илон ва чаёнларнинг заҳар сочиши таъкидланаётир.

Чўлпон “Бўри билан қўзичоқ” (Италия-Ҳабашистон уруши) ҳақида ёзар экан, “Италия фашизми тўймас аждар-ку!” дейди⁷⁹.

Қуйидаги мисраларда жон олувчи фаришта ҳисобланмиш Азроил образига ўрин берилган:

*Аҳмоқ бўлиб Азроилнинг олдида,
Жон талашинг, то ўлгунча беришманг⁸⁰.*

Мустабид тузум Азроил янглиғ миллатнинг қўплаб фидойи зиёлилари бошига етди. Қатағон деб аталмиш бало қўпчиликнинг умрига зомин бўлди. Шу маънода, Чўлпон мустабид тузумни ҳақли равишда Азроилга ташбеҳ этади.

Одамлар орасида Азроил ҳақида унинг қўлида ҳамиша жон олувчи ўроғи бўлиши айтилади. Чўлпон Азроил образини стилизация қилар экан, халқнинг шу ишончига таянгани кузатилади:

*Ҳали ҳам ухласа Шарқдаги эллар,
Ҳали ҳам ўзгага қул бўлиб турса,
Нима дер, “хўб” дерми, айтингиз, эрлар,
Ўроғин кўтариб Азроил келса?⁸¹*

Яна бир эътиборли томони шундаки, Чўлпон шеърларида мифологик образларнинг кўзи, оғзи, қўли ҳақида гапириб, уларни моддийлаштиргани кузатилади:

***Олайтирма кўзларингни, дажжол,
Зўр оғзингдан оташ сочма, аждар,***

⁷⁹ Чўлпон. Бўри билан қўзичоқ, 320-бет.

⁸⁰ Чўлпон. Тортишув тонги, 18-бет.

⁸¹ Чўлпон. Тонг, 48-бет.

Малъун душман, сен-да қилма жанжал,
Кучлик ўчим қўймас сизни, ҳайдар...⁸²

Ёки:

Ҳаво бузуқ!..
Кўк юзида қоп-қора
Кўмир каби қатор-қатор булутлар:
Иблисларнинг кўзларидай оп-ола ёнган нима?
Олтин ўчоқда ўтлар...⁸³

Яна:

Тунда кўп чоғлар юзимга
Жинларнинг қўллари урилар⁸⁴.

Шоирнинг “Кел, **малак**, кел, кел, **пари**, кел, кел, ўпай бир эркалаб...” каби мурожаатларида ёхуд “**Малаклар қилур хитоб**” сингари таъкидларида ҳам шундай моддийлаштиришни туйиш мумкин. Маълумки, Оллоҳга, фаришталарга, муқаддас китобларга ишониш иймон белгиларидандир. Шу маънода, шоирнинг юқоридаги каби тасвир ва талқинларида иймонга даъват ҳис қилинади.

Шоир шеърларида булбул, қузғун, бойқуш каби қушлар образини қўллаш орқали юртнинг рамзий тасвирини беришга эътибор қилинган:

Нега менинг қулоғимга тун ва кун
Бойқушларнинг шумли товиши бақирар.
Нега менинг борлиғимга ҳар ўйун,
Ва ҳар кулги оғу сочар, ўқ қўяр?⁸⁵

Шоирнинг “Ёнғин” шеърдан келтирилган ушбу бандида бойқуш образи стилизацияси кузатилмоқда. Халқ оғзаки ижоди аъналарига мувофиқ, бойўғли вайронагарчилик,

⁸² Чўлпон. Ўч, 42-бет.

⁸³ Чўлпон. Қизил байналмилал, 45.

⁸⁴ Чўлпон. Тун (Эркин шер). – Б.135.

⁸⁵ Чўлпон. Ёнғин, 8-бет.

харобазорлик тушунчаси билан боғланувчи рамзий образ ҳисобланади.

Чўлпон бу ўринда бойқуш образини стилизация қилаётгани бежиз эмас. Чунки бойқуш образи халқ ижодида ўлим даракчиси, вайронагарчилик, харобалар ҳукмдори тимсолида талқин қилинади. Халқ орасида бойқуш сайраган жой вайроназор бўлади, деган ишонч юради. У ёмонлик келтирувчи, тунда кимнинг хонадонига келиб сайраса, шу жойдан ўлик чиқишига сабаб бўлувчи қушдир, деб қаралади. Мана шунга асосланиб, шоир “Нега менинг қулоғимга тун ва кун бойқушларнинг шумли товши бақира” мисраларини келтириш орқали мустабидчилар томонидан кундан-кун харобазорга айлантириб борилаётган юрт, унинг энг истеъдодли фарзандлари ўлимга маҳкум қилинаётган халқ қайғусини рамзий ифода этмоқда.

Ўзбек халқ афсоналарида айтилишича, ота қарғишини олиб, бойқушга айланиб қолган бу қушнинг одамлар яшайдиган жойлардан олисда, мазорларда, ташландиқ ва вайрона харобазорларда яшабини, ранги ва овозининг ёқимсизлигини, асосан, тунда ҳаракатланадиган қўрқинчли қуш эканини кузатган халқ унинг ёмонлигига, лаънат олган нобакор ўғил бўлганлигига ишонади. Бойўғли билан боғлиқ мана шу халқона ишонч, афсонавий поэтик талқинга ёндашиб, Чўлпон ҳам ўз шеърида бойқушни ўлим даракчиси, харобазор ҳукмдори сифатида талқин этган.

Хуллас, халқ орасида “бехосият қуш”, “тун қуши” номларини олган бойўғлининг сайраши – хосиятсизлик аломатини билдиради. Бундай ишонч нафақат туркий халқлар, балки бошқа миллатларда ҳам мавжуд. Жумладан, норвегияликлар бойўғли сайраши – бировнинг ўлиmidан дарак беради деб таъбир қилганлар. Унинг “тун қуши” эканлигини назарда тутган қадимги мисрликлар эса уни ўликлар мулки – нариги дунё тимсоли деб қараганлар.

III-VII асрларда Яқин Шарқ ва Ўрта Осиёда яшовчи халқлар мифологиясида бойўғли нариги дунё, ўлим,

касаллик, офат ва ёвузлик билан боғлиқ ҳолда талқин қилинганлиги манбаларда қайд қилинган. Одамлар бу қушни ўлдириш ёки унинг полопонларига озор етказишдан чўчиганлар.⁸⁶

Ўзбеклар орасида ҳам бойўғли тўғрисида жуда қадимий мифологик тасаввурлар сақланиб қолган. Бу қушнинг сайраши ёки бирор кишининг уйи яқинида пайдо бўлиши хосиятсизлик белгиси ҳисобланган.

Бизнингча, Чўлпон бойўғли образидан рамзий маънода фойдаланиб, юрт фожиасини ёритишга ҳаракат қилар экан, бунда унинг малла рангдалигини ҳам назаридан ўтказган ва шу орқали юртни вайрон айлаган рус босқинчиларига ишора қилган. Масалан:

*Оғзингга “маллалар” бир тенди:
“Маърифат ҳаромдир сартга”, – деб...
Оғзингдан қон келди, йиғладинг,
Кўзингдан заҳарли ёш келди⁸⁷.*

Шеърда “маллалар”нинг қўштирноқда ифода этилаётгани унинг шу рангли халққа киноявий ишора қилаётганидан даракдир.

*Янгигина япроқ ёзган эрка, тоза бир гулсан.
Шунинг учун ҳар бир назар, ҳар қарашинг тозадур.
Ҳар боқчада, ҳар дарахтда шарақлагон булбулсан,
Ҳар сўзингни бир фаришта қанотига ёзадур.*

Шоирнинг “Севингчингни қурала”⁸⁸ шеърида халқ оғзаки ижодида кенг қўлланадиган яна бир рамзий образ – булбул тимсолидан фойдаланилган. У, одатда, чаманзорларда, боғларда, гулзорларда кезиб, ёқимли сайраб, киши

⁸⁶ Богданов О.П. Редкие животные Узбекистана. – Т., 1992. – С.272-273.

⁸⁷ Чўлпон. Ўзбегим, 30-бет.

⁸⁸ Чўлпон. Севингчингни қурала, 8-бет.

диққатини тортадиган қуш бўлганлиги, хусусан, у қизил гул, нозик япроқ шохига қўниб сайраши тасвирланади. Бу билан булбулнинг уларга шайдо ошиқ экани айтилади. Хуллас, халқ қўшиқларида “ошиқ йигит” тимсолини ифодалаб келган булбулга қизил гул мана шу жиҳатдан ҳамиша прагматик мувофиқ образ – “маъшуқа” рамзида келтирилади. Кўпинча ижобий маънода талқин қилинувчи булбул образини Чўлпон ҳам ўз шеърларида ошиқ тимсолида сақлаб, халқона поэтик анъанадан чекинмагани кузатилади. Фақатгина у бу борадаги поэтик анъанани бировз янгилаб, булбул қиёфасида ўзини кўради. Шу орқали ўзининг юрти ва элига булбулдек чин ошиқ, шайдо эканини билдиришга интилади.

*Унинг гулзорида **булбул** ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимдан ёшни жў айлаб аламлар ичра ботдим-ку⁸⁹.*

Шоирнинг “Қаландар ишқи” (1920) шеъридан олинган бу мисралардаги гулзор – ватан, булбул – шу ватанга чексиз ошиқ шоир тимсолини очишга хизмат қилган рамзий образлардир.

Шоир “Суйган чоқларда” шеърида “истикбол қуши” образига мурожаат қилган:

*Гўзалларнинг маликаси экансан,
Буни сенинг кўзларингдан ўқидим.
Ўқидим-да истикболим қушига
Хаёлимдан олтин қафас тўқидим⁹⁰.*

Анъанавий шеъриятда ҳам, замонавий шеъриятда ҳам “бахт қуши” образи учрайди, лекин шоир бу ўринда бадиий образни янгилаб, “истикбол қуши” образига мурожаат этаётир. Шоирнинг унга хаёлида олтин қафас тўқиётгани бе-

⁸⁹ Чўлпон. Қаландар ишқи, 60-бет.

⁹⁰ Чўлпон. Суйган чоқларда. – Т., – Б.79.

жиз эмас. Чунки Хумо, Семурғ, бахт қуши, иқбол қуши ёки Чўлпон айтаётганидек “истикқол қуши” – бариси хаёлий мифологик қушлар тимсоли бўлиб, халқ поэтик анъаналари тизимида ўз ўрнига эга.

Умуман айтганда, Чўлпон шеъриятида қушлар образи стилизациясига алоҳида ўрин ажратилган бўлиб, шоир юртдошларини эрк йўлида баланд парвоз этишга ундаш мақсадида қушлар образига мурожаат этгани англашилади.

Чўлпон ўз шеърларида эртақларга хос анъанавий эпик образлар қатори эпик мотивлардан ҳам маҳорат билан фойдалангани кўзга ташланади. Шундай эпик мотивлардан бири эртақ қаҳрамонининг ўз суйгулисини ой ёки қуёшдан сўраш мотивидир:

*Ул кетгач, кун чиқар ёруғлик сочиб,
Ундан-да сўраймен сенинг тўғрингда.
Ул-да уятидан бекиниб, қочиб
Айтадир: “Бир кўрдим, тушдамас ўнгда,
Мен ўнгда кўрганда шунчалар гўзал,
Ойдан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!”⁹¹*

Шоирнинг “Бойчечак” шеърида халқнинг бойчечак билан боғлиқ эътиқодий қарашлари ҳамда эпик асарларда кенг учрайдиган анъанавий эпик мотивлардан саналмиш “ўғайлик” мотиви алоҳида ўрин эгаллаган:

*“Бойчечакнинг боласи”,
Очди юзини;
Сувга чиққан холаси,
Кўрди қизини.
“Бойчечакнинг боласи”,
Етимча бир қиз...
Унинг ўғай онаси,
Жуда ёмон, тез”⁹².*

⁹¹ Чўлпон. Гўзал, 31-бет.

⁹² Чўлпон. Бойчечак, 36-бет.

Дунё халқлари эртакларида кенг тарқалган анъанавий эпик мотивлардан бири бўлган ўғайлик мотиви жаҳон халқлари эртакларида ҳам учрайди. Жумладан, “Зумрад ва Қиммат”, “Золушка”, “Синдрелла” сингари жаҳон халқлари эртаклари сюжети бевосита шу мотив негизида ўзаро муштараклик касб этади. Уларда, асосан, ўғай она зулмидан эзилган камбағал, ўксик қизнинг бошидан кечирганлари ёритилади. Чўлпон эса босқинчилар томонидан зулм ва зўравонликнинг кучайганини айтиш учун бу мотивдан ўринли фойдалана олган.

*Чироклар ҳам жин кўзидек йилтиллаб,
Хира қараб, мунғайиб
Кўриндилар килкиллаб...*⁹³

Бу мисраларда халқнинг жин ва унинг чироқда яшаши ҳақидаги афсона ва эртакларига алоқадор мотив⁹⁴ стилизацияси намоёндыр.

Чўлпоннинг машҳур “Гўзал” шеърида фолга алоқадор мотив ҳам кузатилади. Ўтмишда ҳам, ҳозир ҳам айрим одамлар ўз келажagini, тақдир йўлини олдиндан билишга қизиқиб, турлича фоллар очишган. Ҳатто фолбинлар пайдо бўлишган. Фолчилик шомонизмнинг бир кўриниши бўлиб, унда руҳлар билан мулоқотга киришиш кўзда тутилади. Юлдузларга қараб фол очиш унинг энг қадимий кўринишларидан биридир. Қуйидаги мисраларда лирик қаҳрамоннинг осмон руҳларига мурожаат қилиб, юлдуз ва ой чиқишига қараб ўз тақдирларини олдиндан билишга интилишлари аёнлашади:

*Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.*

⁹³ Чўлпон. Кеч кириш, 159-бет.

⁹⁴ Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т.: Фан, 2001. – 136 б.

Ул юлдуз уялиб, бошини букуб,
 Айтадур: “Мен уни тушда кўрамен.
 Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,
 Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!”
 Кўзимни оламен ой чиққан ёққа,
 Бошлаймен ойдан-да сени сўрмоққа,
 Ул-да айтадирки: “Бир қизил яноққа
 Учрадим тушимда кўмилган оққа!
 Оққа кўмилганда шунчалар гўзал,
 Мендан-да гўзалдир, кундан-да гўзал!”

Чўлпон шеърларида нафақат фольклорий образлар, балки мотив ва жанрлар стилизацияси ҳам кузатилади. Масалан, шоирнинг “Муттақои аҳли ислом эрдингиз, миллатимиз йўлида жон эрдингиз” деб бошланувчи “Маърифатпарвар бобомиз Исмоил Гаспиринский ҳазратлари ҳақида таъзияномамиз” номли, шунингдек, “Мулланур Воҳидов руҳига” деб кўрсатилган “Шарқ нури” ёки яна “Максим Горькийга” дейилган “Яхши бор, устоз!”, “Улуғ йўловчига. А.М. руҳига. Дунёга ишлар учунгина келганман. (Ўз сўзи)”, “Кетдинг. Раҳматилла Султоновга”, “Шоир Абдулла Авлониё вафоти муносабати ила оналари Ҳабибахоним ёзган марсия-ғазалга мухаммас” шеърлари бевосита халқ оғзаки бадий ижодига алоқадор йиғи ва йўқлов қўшиқлари руҳида, оҳанги ва шаклида яратилгани билан эътиборни тортади. Бу шеърлар кейинги бобда марсия жанри нуқтаи назаридан алоҳида таҳлил этилади.

Чўлпон ўзининг “Маҳмудхўжа Беҳбудий хотираси” номли марсиясида бу буюк маърифатпарварнинг яширинча ўлдирилиб, пинҳона кўмиб юборилганига ишора қилиш учун “Белгисиз қабрингни қора тунларда амалимнинг шамин ёқиб изладим”, “Қўлиндаги тутам-тутам гулини қабринг топиб, сочмоқ учун тиришди”, “Қабринг топиб, кўз ёшимни тўкмакка ҳамда аччиқ ҳиддатим-ла ул ерда Оқ каллалик қора девни сўкмакка”, “Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг

мотам гули экаи билмайсен”, “Шодлик гули кўпдан бери сўлганин ер остида пок руҳинг-ла сезмайсен” мисраларини келтирган. Бу мисралардаги қабр, белгисиз қабр, қабрга гул қўйиш ёки сочиш, шам ёқиш, кўз ёш тўкиш, мотам гули, ер ости, руҳ, пок руҳ, қора девсўз ва бирикмалари бево-сита мотам маросими фольклори билан боғлиқ тушунча-лар бўлиб, айтиш мумкинки, яқин тушунчаларнинг бундай уюшиқ ҳолда қўлланиши марсияда таносиб санъатини ву-жудга келтира олган.

Хуллас, Чўлпон ижодида ўзбек мотам маросими фолькло-ридаги йўқлов жанри шакли ва оҳангида яратилган бир неча йўқловлар борки, улар шоир ижодига хос жанр стилизацияси билан боғлиқ муаммоларни ойдинлаштиришда муҳим манба бўла олади. Шоир ўлим туфайли йўқотиш ва айрилиқ мазму-нидаги бундай шеърлари билан ўзбек шеъриятида марсия жанрини янада бойитишга муваффақ бўла олди.

Шоирнинг айрим мисраларида бир қарашда фоль-клоризм йўққа ўхшайди. Лекин синчковлик билан ёнда-шилса, унда фольклоризм борлиги аёнлашади. Жумладан, Чўлпоннинг қуйидаги мисраларида **этнографик фолькло-ризм** мавжудлиги кўзга ташланади. Масалан,

Амалимнинг юлдузиким кўз текди.

Қора, жирканч, ўлим кони – ерларга.

Савол бердим: “Йўқотганим қайда?” – деб

Ўзимни ҳам ютмоқ бўлган эрларга.

“Кўз текмоқ”га халқ ишонч билан қарайдиган ҳолатлардан биридир.

Туморчалар, ҳамойиллар тақинган,

Далаларда лола барги ёпинган,

Тоғ-тошларда ўйин қилган,

Чопинган

*Ўғул қизлар, ёш келинлар қаерда?*⁹⁵

⁹⁵ Чўлпон. Бузилган ўлкага, 88-бет.

Халқ ишончи бўйича, тумор – асровчи восита. Шоир нима қилинса-да, юртни босқинчилардан асраб қолиш та-рафдори.

*Келди қарға, очди оғзин қичқириб ғоғолади,
Кўзларини ўйнатиб кимдир бировни излади.
Мен яқин бордим “Йўқми суюкликдан хабар?”*

“Мен, – деди, – ўйнаб келардим бир хабар бўлса агар”⁹⁶.

Одатда, халқимиз орасида қарғанинг қағиллаши эши-тилса, “Хуш хабар” дейилади. Негаки, қадимда ўлган ин-сонлар тупроққа дафн қилинмаган. Уларнинг жасади қарға-қузғунларга ем қилиниб, ажралиб қолган суяклар-и остадонларга солиб қўйилган. Шу асосда қарға ўлим ҳодисаси билан боғлаб талқин қилинадиган бўлган.⁹⁷

*Қоп-қора латтадан ўлик кўйлаги,
Қип-қизил чўғдан-да ўлик ётоғи,
Гўрға кўймоқ учун шайтон билаги,
Сўнғги чанғқовимга заҳар бор доғи*⁹⁸.

Ушбу мисраларда шайтон билаги, яъни босқинчилар қўли билан “ўлик кўйлаги – кафан” кийдирилганча “ўлик ётоғи – гўр”га қўйилаётган кишиларга ачиниш руҳи мужассам.

Ўзбекларда марҳумларга, одатда, оқ сурфдан кафан кий-дирилиб дафн этилади. Руҳига шам ёқилади. Аммо, Чўлпон қатағон қурбонларининг кафани қоралигини айтади:

*Улардаги қора кафан, эй маймунлар,
Сиздаги тилаклардан соф, покдир.
Эл кўксига шам ёқғали топилмасми синиқ тош?
У эзгу шам ёқилмаса, ҳеч тўхтамас қонли ёш*⁹⁹.

⁹⁶ Чўлпон, 26-бет.

⁹⁷ Ҳраева Д. Ўзбек мотам маросими фольклори. – Т.: Фан, 2004. – 120-б.

⁹⁸ Чўлпон. Менинг товушим, 37-бет.

⁹⁹ Чўлпон. Юрт қайғуси, 77-бет.

Шоир “Яна қор” шеърида қор билан қопланган атрофни тасвирлаш учун “оқ кафан” тимсолидан фойдалангани кутатилади. У “Яна қор. Оқ кафан ўралди яна” дея,¹⁰⁰ мавжуд манзарани поэтик тасвирлашга уринган.

Чўлпон ўз шеърларининг кўпинча маҳзун оҳангдалигини, дардчанлигини инобатга олиб, уларда ўзбек мотам маросимига алоқадор этнографик фольклоризмларга бирмунча кўпроқ ўрин ажратган. Жумладан, унинг “Аламзадалар” шеъри бошланишида, аввало, шундай маълумот келтирилади: “Ўликка йиғлаш манъ қилинсун” (“Маҳкамаи шаръия қарори”). Шундан сўнг шеър мисралари тизилиб келади:

*Вой, бу қандай замонки, қандай иш?
Йиғламоқ энди йўқ бўлар эмиш...*

*Бобом ўлганда, биз отам бошлиқ
Тўнимиз устидан чизгиб белни,
Ушладик тол таёқни, кўз ёшлиқ,
Йиғладик... йиғлатиб бутун элни...*¹⁰¹

Шоир “Туркистонли қардошларимизга” шеърида ўзбеклар маданий турмуш тарзига хос ўғил фарзанд учун карнай-сурнай чалдириб, каттадан-катта суннат тўйи қилиш одатини ёдга олар экан, бундай дабдабозликка кетадиган харажатни фарзанднинг тарбиясига сарфлаган маъқуллигини эслатиб ўтади:

*Орзу қилмас ўғлими мактабда айлай тарбия,
Тўй қилуб, карнай чолурни орзу айлар бизни халқ*¹⁰².

Наврўз яшариш ва янгиланиш байрами экани маълум. Шу маънода шоир “Наврўз куниди” шеърини ёзар экан, бу қадимий ва анъанавий байрамга хос ана шу жиҳатга

¹⁰⁰ Чўлпон. Яна қор, 95-бет.

¹⁰¹ Чўлпон. Аламзадалар, 131-бет.

¹⁰² Чўлпон. Туркистонли қардошларимизга, 14-бет.

алоҳида урғу қаратади. Ўлкага ташриф буюрган Наврўзнинг ўзи билан бирга халқ учун янги ҳур ва озод, бахтли ва фаровон, обод турмушни олиб келишини, “Наврўз куни эрк-сизларга эрк берар” дея ният қилади.¹⁰³

Шоир баъзан эрк ва озодликка эришиш йўлида халқ эътиқод қўйган эранлардан ҳам мадад кутади. Уларнинг ҳомийлигидан умидвор бўлади:

*“Айт-чи менга, қайда сенинг ўтганларинг,
Шарқдан Ғарбга шовлаб оққан улуғ шонинг?
Куну тун илм учун жонин берган,
Қайда кетди, қайга учди эранларинг”*¹⁰⁴

Ўзбек халқ достонларидан маълумки, эранлар тарбият ва ҳомийлик қилган қаҳрамонлар ер юзи, ер ости, кўкда бемалол юра олади, кўнглига барча илмлар, тиллар жо бўлади.¹⁰⁵ Шу маънода шоир “Умид” сарлавҳали шеърида “ҳомий руҳ” – “эран” образига алоҳида ўрин ажратган.

*Олтинли кўнғизни болалар ушлашиб,
Ип билан кўқларга учуриб ўйнайлар.*¹⁰⁶

Ёки яна:

*Ёшлигимда кўп ўйнадим ошиқни,
Дам ютқизиб, дамда ютиб, севиниб.*¹⁰⁷

Бу мисраларда болалар ўйинларига этнографик маълумот сифатида ёндашилмоқда.

Чўлпон ижодида синтезлашган фольклоризмларни ҳам кузатиш мумкин. Жумладан, унинг “Каптар” (Семира-мис-Семирамида) шеъри воқеабанд, яъни сюжетли бўлиб, унинг ғоявий-бадиий, композицион қурилиши таркибига

¹⁰³ Чўлпон. Наврўз кунда, 74-бет.

¹⁰⁴ Чўлпон. Умид, 15-бет.

¹⁰⁵ Турдимов Ш.Ғ. “Гўрўғли” достонларининг генезиси ва тадрижий босқичлари: Филол. фанлари доктори автореф. – Т., 2011. – Б.12-14.

¹⁰⁶ Чўлпон. Барг, 110-бет.

¹⁰⁷ Чўлпон. Ошиқ ва мактаб, 268-бет.

халқнинг Каптар қиз ҳақидаги афсонаси сингдириб юборилган. Афсона мазмуни шеър бошида келтирилган. Унда ҳикоя қилинишича, Семирамис-Калдонива – осурийлар хурофотида маъбуда саналиб юрган бир қиз. Бош томони қиз, танаси балиқ бўлган эмиш. Онаси уни туққандан кейин қамишзорга ташлаган, унда уни каптарлар ўсдириб, парвариш қилганлар. Шу учун исми каптар маъносида Семирамис қўйилган. Қалъалар фатҳ этган, кўп урушлар кўрган, Ҳиндистонга қадар борган бир фотиҳа эмиш.

Мисрга бир парихонга фол очдирган, ўша фоли тўғри келиб, охирда сувга тушиб йўқ бўлиб кетган эмиш. Ўрнига ўғли подшоҳ бўлган. Ўзи кечалари денгизга чўқар, кундуз ҳукм сурар экан.

Бир ривоятда Семирамис турк қизи бўлиб, Эрон подшоҳларидан машҳур Кайхусрав-Кирни ўлдирган эмиш¹⁰⁸.

Шеър якунида шоир мана шу каптар қизга мурожаат қилиб: “Кел, мундоғи оналарни уйғотайлик иккимиз!..” дея, ўзбек аёлларини миллий уйғонишга даъват этади.

Чўлпон ижодида халқ қўшиқларидан парчаларни эпиграф қилиб танлаш ёки уларни шеър ё достонлар таркибида аналитик фольклоризм сифатида келтириш, халқ қўшиқ оҳанглари асосида шеър ёзиш ҳолатлари ҳам намоёндр. Айтайлик, шоирнинг “Ой қўйнида” шеърида халқ қўшиғидан олинган қуйидаги мисралар эпиграф қилиб келтирилган:

*Шафтоли келинчак,
Унинг қўйнида мен тентак...
Мен боғингга кирмасдан
Одоқ бўпти емасдан.
Мунча тўлиб йиғлайсан
Мен қўйнингга кирмасдан?!¹⁰⁹*

“Қўшиқ” сарлавҳали шеърнинг “Хуш келдингиз Хоразмга”

¹⁰⁸ Чўлпон. Каптар, 145-146-бетлар.

¹⁰⁹ Чўлпон. Ой қўйнида, 162-бет.

куйига мослаб битилгани бевосита муаллифнинг ўзи томонидан билдириб ўтилган¹¹⁰.

Яна бир жиҳати борки, Чўлпон ижодида фольклор терминларидан олқиш, қарғиш, эртақ (чўпчак), афсона, достон, қўшиқ номлари кўп тилга олинган. Жумладан, шоирнинг “Эрк эртақларини эшитган бошқа, Куллик **қўшиғи**ни тинглаган менман”¹¹¹, “На **чўпчак**лар айтгали, На севгали киши йўқ”,¹¹² “Кел, мен сенга қисқагина **достон** ўқий, Қулоғингга ўтганлардан **эртақ** тўқий”,¹¹³ “Фақат қанча **олқиш**, ҳурмат қилинса-да, оз сенга!”,¹¹⁴ “Ёлғиз алданишни кўрган бир банда, Борлиққа **қарғиш**лар ёғдирган танда”,¹¹⁵ “Мен унга кечмишдан аламли **афсона** варақлаб берайин”¹¹⁶ тарзида.

Хуллас, Абдулҳамид Чўлпон шеърларини халққа яқинлаштириш учун, нафақат уларнинг оҳанггига, балки тил қурилишига алоҳида эътибор қаратди. У бошқа ижодкорлар сингари **ўз шеърларида оддий ва мураккаб, аналитик, синтезлашган, этнографик фольклоризмлардан** юксак дид ва маҳорат билан фойдаланганлигини кузатиш мумкин. Шоир фольклоризмларини ўрганиш орқали у яшаган даврда ёзма адабиёт билан фольклорнинг ўзаро муносабати XX аср бошларида қандай кечганлиги аёнлашади.

2. Бадий образ янгиланишида мумтоз поэтик анъаналарнинг ўрни

Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ёниқ ва бетакрор шеърияти, ёрқин образларга бой ҳикоялари, юксак савияли таржималари, давр фожиалари ифодаланган драма-

¹¹⁰ Чўлпон. Қўшиқ, 292-бет.

¹¹¹ Чўлпон. Мен ва бошқалар. Ўзбек қизи оғзидан. – Б.75.

¹¹² Чўлпон. Қиш кечалари, 104-бет.

¹¹³ Чўлпон. Бузилган ўлкага, 89-бет.

¹¹⁴ Чўлпон. Шарафли хизмат. Ўз саҳнасининг қимматли санъаткори М.Саъдия Тўташга. – Б.113.

¹¹⁵ Чўлпон. Юпанмоқ истаги, 114-бет.

¹¹⁶ Чўлпон. Узалган қўл, 251-бет.

лари, бадииятнинг нодир намунаси бўлган романи, халқ дardini ўзида акс эттирган публицистик мақолалари ҳамда серқирра ижтимоий фаолияти билан ўзбек адабиёти ва маданияти ривожига улкан ҳисса қўшди. Бор-йўғи қирқ йиллик қисқа умри давомида қисматнинг шафқатсиз зарбасига учраса-да, бир лаҳза бўлсин, Чўлпон ижоддан тўхтагани йўқ. У адабиётимиз тарихига биринчи навбатда шоир, шоир бўлганда ҳам, янги замон шеърятининг бонийси сифатида кирди. Академик Наим Каримов таъбири билан айтганда: “Унинг учун адабиёт енгил-елпи ҳазиллар билан халқнинг кўнглини олувчи майдон эмас, балки унинг мудроқ кўзларини улуғ ва эзгу ғоялар ипаги билан очувчи, уни ҳур ва эркин ҳаёт учун курашга сафарбар этувчи, ўзини англашига, ўзининг ҳақ-ҳуқуқларини танишига, яхшироқ турмуш кечиришига ёрдам берувчи восита эди. Шоир ана шу воситадан, ана шу қудратли қуролдан катта маҳорат ва назокат билан фойдаланди”¹¹⁷.

Чўлпоннинг шеърятда бу қадар юксакликка кўтарилиши сабабларини, аввало, поэтик тимсоллар яратишда буюк Алишер Навоий ижодхонасидан сабоқ олгани, бу тимсолларга янги мазмун, янги руҳ бағишлагани билан изоҳлаш тўғрироқ бўлар эди. Чўлпон қаламига мансуб “500 йил (Ўзбек билим ҳайъатига)” сарлавҳали мақола ҳам унинг буюк Алишер Навоий адабий меросига бўлган чуқур эҳтиромидан дарак беради. “Чиғатой адабиёти ва тилига Навоийнинг қилган хизмати жуда улуғдир, – деб ёзади Чўлпон. – Бу кунги янги ўзбек адабиёти ва унинг бу кунги содда шеваси, менимча, ўша чиғатой шевасидан ўзга эмасдир. Баъзи бир кишилар Навоийдан анча кейин чиққан адиб ва шоирларимиздан бир-иккита соддароқ ёзганларини ушлаб олиб, уларни ҳаддан ташқари кўтармак билан наригини бир қадар тубанлаштирмоқчи бўлсалар ҳам, Навоий ўзбек тили ва адабиётида тегишлик юксак мавқеини олғандир. Усмонли

¹¹⁷ Каримов Н. Чўлпон ҳақида сўз. /Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик. Ж.1 – Т.: “Akademnashr”, 2016, 7-бет.

адабиётининг энг улуғ вакили бўлган Фузулийни машҳур усмонли ёзғучиси Шамсиддин Сомибек Навоийдан кейинга қўйиб кўрсатадир. Мана бу ҳам Навоийнинг биргина ўзбек қавми адабиётида эмас, умумтурк халқи адабиётида ҳам ўзига яраша жой олганини кўрсатадир”¹¹⁸.

Чўлпон бу ўринда усмонли адиби Шамсиддин Сомибек эътирофига таяниб, ҳазрат Алишер Навоийнинг ўзбек шеъротидагина эмас, умумтурк адабиётида тутган ўрнига юксак баҳо беради. Мазкур мақолага муносабат билдирар экан, адабиётшунос Ҳомил Ёқубов мана бундай ёзади: “Чўлпон ўзининг улуғ Алишер Навоийга бўлган чексиз эҳтироми, ихлосини; Навоий ижодиёти фақат ўзбек адабиёти ва адабий тили тарихи ва тақдирини белгилабгина қолмасдан, балки бутун туркий халқлар ижодиётига кўрсатган таъсирини, ҳатто жаҳон адабиётининг узоқ умр кўрган эмас, энг нодир, ўлмас асарлари билан бадиий савияси жиҳатидан беллаша оладиган, умумбашарий маънавият, нафосат намуналарини яратганини... лўнда изҳор этган эди”¹¹⁹.

Адабиётшуносликда баъзан Чўлпоннинг “Улуғ ҳиндий” мақоласидаги: “Ўзимнинг йўлсизлиғимдан бир оз сўзлаб ўтайин: Навоий, Лутфий, Бойқаро, Машраб, Умархон, Фазлий, Фурқат, Муқимийларни ўқиймен: бир хил, бир хил, бир хил! Кўнгил бошқа нарса – янгилик қидирадир”¹²⁰, деган сўзларини далил сифатида келтириб, шоирни мумтоз адабий анъаналардан бутунлай узиб кўрсатишга ҳаракат қилиш тамойили сезилади. Аслида, ундай эмас. Навоий ҳақидаги мақоласидан олинган иқтибос ҳам фикримизни тасдиқлайди. Чўлпон ёниқ истеъдод соҳиби эди. Юқоридаги гапни буюк салафларини камситиш ёки улар анъанасидан бутунлай воз кечиш маъносида эмас, бу анъанани бойитиш,

¹¹⁸ Чўлпон. 500 йил. /Асарлар. Тўрт жилдлик, IV жилд. – Т.: “Akademnashr”, 2016, 20-бет

¹¹⁹ Ҳомил Ёқуб. Чўлпон ва Навоий. – Т.: “Шарқ”, 1997, 3-бет.

¹²⁰ Чўлпон. Улуғ ҳиндий. / Асарлар. Тўрт жилдлик, IV жилд. – Т.: “Akademnashr”, 2016, 33-бет

янгилаш заруратидан келиб чиқиб айтган. “Бу кунги янги ўзбек адабиёти ва унинг бу кунги содда шеваси, менимча, ўша чиғатай шевасидан ўзга эмасдир”, деган фикри унинг нафақат поэтик тимсоллар, балки бадиий асар тили борасида ҳам Навоийни ўзига устоз деб билганидан дарак беради. Биз шоир шеъриятини ана шу жиҳатдан – Навоийона поэтик тимсолларнинг янгиланиши нуқтаи назаридан таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Чўлпоннинг “Суйган чоқларда” шеърида мана бундай сатрларни ўқиймиз:

*Гўзалларнинг маликаси экансан,
Буни сенинг кўзларингдан ўқидим.
Ўқидим-да, истиқболим қушига
Хаёлимдан олтин қафас тўқидим.*

Истиқбол ҳақидаги ўй нафақат Чўлпонни, у билан бир замонда яшаган барча миллатпарварларни ўйлантиргани аён. Миллатнинг мунаввар сиймолари бу ўйдан изтироб исканжасига тушгани ҳам рост¹²¹. Шоирнинг истиқбол қушига хаёлидан олтин қафас тўқиши – бунинг ёрқин далили. Ўкинч руҳи билан суғорилган бу сатрларни ўқир экансиз, беихтиёр ҳазрат Алишер Навоийнинг “Ғурбатда ғариб...” деб бошланувчи рубоийсидаги “Олтун қафас ичра гар қизил гул бутса, Булбулға тикандек ошён бўлмас эмиш”, мисралари ёдга келади. Навоийшунос Ёқубжон Исҳоқов “Муҳим фалсафий хулоса ёки тезисни баён қилиб, уни ҳаётий деталлар ёрдамида асослаш бир қатор рубоийлар учун хос бўлиб, бу ҳол уларнинг семантик структурасига ҳам ўзига хослик бағишлаши”¹²² ҳақида ёзар экан, мисол сифатида айтиш мумкин, маълум бўладигани, гарчи

¹²¹ Қаранг: Тўраев Д. Миллий истиқлол ғояси ва жадид адабиёти / Жадидчилик ва миллий истиқлол тантанаси. – Тошкент, 2002, – Б.84.

¹²² Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Т.: “Фан”, 1983, 82-бет.

Чўлпон шеъри бармоқда, ҳазрат Навоий рубойиси арузда битилган бўлса-да, бу икки шеърни “олтин қафас” тимсоли ва унинг замирига сингдирилган фалсафий (Чўлпонда ижтимоий) моҳиятнинг ўзига хос бадий талқини бирлаштириб туради. Чўлпон истибдодни ҳам ғарибликнинг бир кўриниши деб тушунади. Унингча, истиқбол қуши эрк истаиди, гўзаллар маликаси – ўша эрк. “Истиқбол”нинг “истиқлол”га ҳамоҳанглиги ҳам эътиборли. “Олтин қафас” тимсолининг мазкур шеър моҳиятига сингиб кетгани иккинчи бандда булбулнинг эсланишида ҳам кўринади: *“Аламзада булбул йиғлаб кечалар, Аламингнинг сўнгин тамом этмади”*. Маълум бўладики, Чўлпон буюк салафи шеърятдаги ҳар икки – “олтин қафас”, “булбул” поэтик тимсолларига замон руҳини олиб кирган, анъанавий образга янги мазмун бағишлаган. Зеро, адабиётшунос Иброҳим Ҳаққул таъбири билан айтганда: “Чўлпон ижодининг замини ва осмони – Ватан. У ҳур ва музаффар Туркистон куйчиси. Чўлпон ўзини юртнинг пок истакли шоири деб билган ва ҳеч қачон покиза истакларидан кечмаган. Чўлпон орзу-истакларининг кучи шундаки, шоир она Туркистон тупроғи келгинди ёвлар томонидан топталишига қарши муносабатини яширмаган. Беруний, Ибн Сино, Амир Темур, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий, Мирзо Бобур авлодларининг тарихи, тили, маланияти, фан ва санъати бузғунлик, сиқувга гирифтор этилаётганини баралла сўзлай олган”¹²³.

Чўлпон эрк ва озодликни куйлар экан, Юлдуз, Ой ва Кун сингари самовий образлардан маҳорат билан истифода этади. Эътиборли жиҳати, бу каби образларда ҳам Навоий шеърятдан олинган сабоқлар таъсири борлиги сезилиб туради. Жумладан, ҳазрат Навоийнинг

*Юзунгдин анжум, анжумдин қуёш нур иктисоб айлаб,
Анингдекким қуёшдин ою ойдин қийргун ғабро –
байти ва “Гўзал” шеъридаги*

¹²³ Ҳаққул И. Ўлка қайғуси. /Чўлпон ижоди ва замонавий жараён. – Т.: “Mashhur-Press”, 2018, 5-бет.

Қоронғу кечада кўкка кўз тикиб
Энг ёруғ юлдуздан сени сўраймен.
Ул юлдуз уялиб, бошини букуб,
Айтадур: "Мен уни тушда кўрамен.
Тушимда кўрамен – шунчалар гўзал,
Биздан-да гўзалдир, ойдан-да гўзал!" –

сатрлари ўртасида поэтик анъананинг янгиланишини кузатиш мумкин. Табиийки, Чўлпон шеърида Навоий байтидан фарқли ўлароқ нафақат лирик кайфият, ижтимоий руҳ ифодаси ҳам тажассум топган.

Чўлпоннинг "Қаландар ишқи" ғазали 1920 йилда ёзилган. Маълумки, ўша йили 1-5 сентябрь кунлари Бокуда Шарқ халқлари қурултойи бўлиб ўтади. Шоирнинг аксар шеърлари ана шу қурултой муносабати билан қилинган саёҳат таассуротлари натижасида ёзилган. Қурултойга Туркистондан бутун бошли поезд тўла одам борган. Хориждан ҳам вакиллар келган. Чўлпоннинг мазкур ғазали остида "Боку, 1920 йил" деган қайд учрайди. Шеър анъанавий арузда ва муҳаббат мавзусида, ҳазажи мусаммани солим вазнида ёзилган.

*Муҳаббатнинг саройи кенг экан, йўлни йўқотдим-ку,
Асрлик тош янглиғ бу хатарлик йўлда қотдим-ку.*

Ғазалда мазмун – ишқий, оҳанг – равон, дард – чўнг. Аммо, "асрлик тош", "хатарлик йўл" ва унда "қотмоқ" тасвири ишқий мазмундан узоқроқдай гўё. Сарлавҳадан сўнг "Эски тартибда" деган изоҳнинг келиши унинг ҳар жиҳатдан, жумладан, поэтик образларига кўра ҳам, мумтоз шоирлар ижодий йўлида яратилганини кўрсатади. Жумладан, "муҳаббатнинг саройи" ибораси шоир томонидан ишқ билан яшаш тарзи, муҳаббат кечинмаси билан умргузаронлик қилиш мазмунини ифодалайди. Муҳаббат диалектикаси висол ва ҳажр, лаззат ва изтироб тушунчалари уйғунлигида мавжуддир. Навоийда бундай турмуш тарзини ифодалашда шунга мувофиқ бўлган вафо

қасри, санам қасри, тун қасри, ой қасри, жаҳон қасри, фалак қасри каби ўнлаб метафоралар мавжудки, Чўлпон улардан таъсирланмаган бўлиши мумкин эмас.

*Иморат тарҳидур наълу алифдин ҳар тараф кўксум,
Вафо қасрин кўпарсанг, бу бинолар узра девор эт .*

Ҳазрат Навоий қўллаган “вафо қасри” метафораси замирида чуқур мазмун ифода этилган. “Вафо қасри” ва “муҳаббатнинг саройи” метафораларига юкланган маънода муайян фарқ бўлгани сингари ўзаро уйғунлик ҳам борлиги кузатилади. Бундан ташқари, “Асрлик тош” бирикмаси ифодалаган мазмун, хусусан, тошнинг поэтик тимсолга айланиши ҳам халқ тили билан бирга Навоий таъсирида шаклланганидан далолат беради. Навоийнинг бир қанча ғазалларида тош бетакрор поэтик тимсолга айлантирилгани бу образнинг лирик қаҳрамон руҳиятини тасвирлашдаги ўрни қанчалик баланд эканини кўрсатади. Мисол учун куйидаги байтни келтириш мумкин:

*Қатра қонлар гар томар кўксумга урған тошдин,
Захмдиндур демаким, қон йиғлар аҳволимға тош.*

Бундай тадриж усулида балоғат билан ёзилган мисралар Чўлпон тафаккурига чақмоқдай таъсир этгани шубҳасиз. Шунинг баробарида, бу каби сатрлар Чўлпоннинг назм иморатини Навоий шеъриятига хос тимсоллар асосига қургани ҳақидаги фикрни тасдиқлайди.

*Карашма денгизин кўрдим, на нозлик тўлқини бордир,
Халокат бўлғусин билмай қулочни катта отдим-ку.*

Ушбу байтни таҳлил этар экан, профессор Бегали Қосимов мана бундай ёзади: “Карашма бировга ёқиш учун қилинадиган нозли, ёқимли хатти-ҳаракатдир. Шоир уни

денгизга қиёс қияпти. Ёқимли денгиз, муаллиф наздида унинг пўртанали ҳам, осойишта ҳам пайти эмас. Енгил чайқалиб турган ҳолати. Оҳиста чайқалган денгиз кишини ўзига ром этиб, унга тушган кишини ичкариларга олиб кетиб қолганидай маъшуқанинг ҳам ёқимли ҳаракатлари ошиқни сеҳрлаб, охири нима билан тугашини айтиб бўлмайдиган ҳолга келтириб қўйган. Шеърда мумтоз адабиётимизга хос бўлган мана шу руҳий ва моддий ҳолатларнинг айна бир матнда жамланиши яққол кўриниб турибди. Айна пайтда, бу ерда алданганлик эътирофи, ҳатто унинг енгил изтироби ҳам бўртиб турибди”¹²⁴. Олимнинг бу таҳлили бугунги ўқувчининг шеър моҳиятини англашида катта аҳамиятга эга экани шубҳасиз. Бироқ ҳазрат Алишер Навоий ва Чўлпон қўллаган поэтик тимсолларни қиёсий ўрганиш шеър мазмунини янада чуқурроқ тушуниш имконини бериши ҳам аниқдир. Чўлпон шеъриятида ҳар бир мисранинг поэтик мукамалликда намоён бўлиши буюк салафи ижод мактабидан баҳрамандлик натижаси сифатида баҳоланиши мумкин. Юқоридаги байт аввалида келган “Қарашма денгизи” каби нозик иборалар Навоийнинг “ишқ баҳри”, “васл баҳри”, “латофат баҳри”, “ғам баҳри”, “кўк баҳри”, “фано баҳри”, “ча-ман баҳри” каби жуда кўп такрорланувчи истиоралари таъсирида яралганини англаб олиш қийин эмас.

Ишқ баҳрида дури васл истасанг, эй аҳли дард.

Кўнглунгуз ул нақд ёди бирла хурсанд айлангиз.

Табиийки, Навоий байтидаги “ишқ баҳри” билан Чўлпон шеъридаги “қарашма денгизи” метафоралари ўртасида муайян фарқ бор. Навоий ғазалида агарчи аҳли дард ишқ баҳрида васл дуруни истаса, кўнглини ул нақд ёди бирла хурсанд этмоғи зарурлиги уқдирилади. Яъни бу ўринда соф ошиқона туйғулар талқини берилган. Чўлпонда “қарашма денгизи” метафораси замирида ишқий кечинма тасвири

124 Қосимов Б. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Олий ўқув юр்தларининг филология факультетлари учун дарслик. — Т.: Маънави-ят, 2004, 445-бет.

тагматнига ижтимоий руҳ ифодаси ҳам сингдириб юборилгани кузатилади. “*Ҳалокат бўлғусин билмай қулочни катта отдим-ку*” сатри шундай хулоса чиқариш учун етарли асос беради. Лекин ҳар ҳолда “*карашма денгизи*” метафораси мумтоз шеърят, алалхусус Навоий лирикаси таъсирида ижод этилгани ҳақиқатга яқиндир.

Профессор Ҳомил Ёқубов фикрича: “Чўлпоннинг “Қаландар ишқи” шеърида ишқ-муҳаббат талқини Навоийникига яқинлашади. Фақат Навоийда ошиқ-маъшуқ ўртасидаги кўнгилсизликлар – маъшуқа бевафолиги, зулми – ситами, ҳижрон балоси – бошқалар (ағёр) образининг тўсқинлиги туфайли келиб чиқади. Чўлпонга кўра, “муҳаббат саройи” ғоят кенглигидан ишқ йўлининг ўзи бениҳоят машаққатли, хатарли, ҳалокатлидир; “унинг гулзо-рида булбул навоси” шоирнинг жигар-бағрини қон қилиб, икки кўзидан дарё-дарё ёш оқизади. Шоир ўта муболағали кутилмаган ифода усулидан фойдаланиб, аламларга тўла, қаландарона ишқини куйлайди... “Қаландар ишқи” тимсолида “муҳаббат осмони”нинг энг ёруғ юлдузи – яъни Чўлпоннинг ўзи бўлишига қарамай, у рақиби “қуёш нурига чидамай”, “қайғулар аламлари бирла” яна “қулбаси”га қайтгани ва ер қаърига ботиб кетганини ифодалайди”¹²⁵.

Ҳазрат Навоий шеъриятида тонг юлдузининг айнан “чўлпон” тарзида қўлланишига ҳам мисол бор:

*Қуёшни бўлмас, эй гардун, ул ойға айламак ташбих,
Оғиз гар зарра, Чўлпон – кўз, янги ой анга қош ўлсун.*

Байтда “Чўлпон” – тонг юлдузи ёрнинг кўзига ташбех этилган. Буюк шоир фикрича, қуёшни ул ойга – ёрга ташбех этиб бўлмайди. Ёр оғзини заррага, кўзини Чўлпонга, қошини янги ойга ўхшатиш мумкин. Чўлпон эса ғазалда, ўз тахаллусини ҳам тонг юлдузи, ҳам адабий нисба сифатида қўллар

¹²⁵ Ҳомил Ёқуб. Чўлпон ва Навоий. – Т.: Шарқ, 1997, 45-бет.

экан, шеърни муҳаббат осмонини ёритиб турган гўзал юлдуз бўлгани, бироқ қуёшнинг нурига тоқат қилолмай ерга ботгани ҳақидаги қайғули хотима билан якунлайди.

“Уйқу” шеърининг ёзилишида, гарчи унга “Бормаймен деди” куйига” тарзида изоҳ берилган бўлса-да, Навоийнинг: *Наргисин гул узраким бемор этар ноз уйқуси, Мисли шўхедурки, суст этгай ани ёз уйқуси.*

*Кўз очиб беҳудлуғумни кўрмаса, йўқтур ажаб –
Ким, манга бахт уйқуси бўлмиш анга ноз уйқуси –*
деб бошланувчи ғазалининг таъсирини ҳам сезиш мумкин. Мана, Чўлпоннинг буюк салафи ижод намунасидан илҳомланиш, ундаги образли тасвирни янгилаш натижасида яратилган ғазалининг матлаъси:

*Жим туринг, шовқинламанг, уйқу ичида ул пари,
Юрма, тек тур, ай шамол, юрсанг-да юр бир оз нари.*

Ҳар икки ғазал рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган (тақтеъси: фоилотун - фоилотун - фоилотун - фоилун). Қаламга олинган мавзу уйғун. Бироқ Чўлпон ғазалга янги образларни, янгича руҳни олиб кирган. Буюк салафидан олинган сабоқ шоирнинг мутлақо янги назмий асар яратишига монёв бўла олмаган. Аксинча, мумтоз поэтик анъана негизида янги бадий иншоот барпо этиши учун маҳорат мактаби вазифасини ўтаган.

Бу икки буюк шоир шеъриятининг ўзаро уйғун жиҳатларига, Чўлпон шеъриятида навоийона поэтик тимсоллар синтезига яна кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Умуман, Чўлпон буюк мутафаккир бобоси ижодига катта эҳтиром билан қараган. Бу унинг “500 йил” мақоласида ҳам яққол сезилади. Мақола ҳазрат Алишер Навоий таваллудига хижрий ҳисобда беш аср тўлиши арафасида ёзилган (Мақолада нимагадир бу сана буюк шоир вафотига 500 йил тўлиши тарзида хато берилган). Чўлпон мана бундай ёзади: “500 йил ўзбек-чиғатой адабиёти

тарихига аллақанча нарсалар берган, унда қанча ўзгаришлар ясаган жуда узун бир муддатдир. Ўз адабларига 5-6 асрлик бир тарих яшата билган халқлар унча кўб эмасдир. Демак, бизга ҳам шу бир йил орасида шундай катта бир шодлик, катта бир байрам ўтказишга тўғри келадир. Ватандошларимиз руслар Пушкиннинг ҳар беш йили учун ҳам катта байрамлар ясайдилар. Ғарбда эса ундай байрамлар жуда катта тантаналар билан ўтказиладир... Шунинг учун мен айтмоқ истайманким, Навоийнинг 500 йиллигини биз ҳам тегишлик даражада тантана билан ўтказишга шу тобдан ҳозирлана бошлайлик¹²⁶. Бунинг учун шоир махсус юбилей ҳайъати тузиш, Навоийнинг босилмаган асарларини топиб, нашр эттириш, буюк бобокалонимизнинг мукамал таржимаи ҳолини ёздириш, шеърларидан терма бир асар тузиб, нафис тарзда босдириш, юқори (олий) ўқиш юртларининг тил-адабиёт факультетлари талабалари учун Навоий номида стипендиялар таъсис этиш, Ўзбекистон пойтахтида улуғ шоирга ҳайкал ўрнатиш, баъзи шаҳарларнинг кўчаларига буюк мутафаккир номини бериш сингари амалий таклифларни беради. Табиийки, Чўлпон режасидаги бу хайрли ишлар деярли тўлиқ амалга ошган бугунги кунда бу таклифлар янгилик бўлиб туюлмаслиги мумкин. Бироқ бу таклифларнинг бундан қарийб бир аср муқаддам биринчилардан бўлиб Чўлпон томонидан билдирилгани эътиборга ва эътирофга лойиқ бир ишдир.

Таъкидлаш керакки, Чўлпон XX аср бошлари шароитида бутун қалби билан ҳазрат Алишер Навоийга муҳаббат ва эҳтиром кўрсатган, буюк салафи ижодхонасидан мутасил сабоқ олган, шеърятда унинг лирикасига хос поэтик образ ва тимсолларни янги руҳ, янгича талқинлар асосида давом эттирган ва шу негизда янги замон шеърятига асос солган.

Абдулҳамид Чўлпон янги ўзбек шеърятининг тамал тошини қўйган шоирлардан. Бироқ бу янгиланиш ўз-ўзидан

¹²⁶ Чўлпон. 500 йил. /Асарлар. Тўрт жилдлик, IV жилд. – Т.: Akademnashr, 2016, 20-21-бетлар.

бўлмаган. Шоир шеърятда поэтик мазмунни, поэтик образни, вазнини ва лирик руҳни янгилар экан, уч адабий-эстетик омилга таянган: 1) халқ оғзаки ижодининг бой аънанаси; 2) мумтоз шеърят; 3) рус ва Ғарб адабиёти. Биз фақат бир жанр – қитъа мисолида улардан иккинчиси – мумтоз шеърят, хусусан Навоий шеъряти ва Чўлпон назми муносабатларини таҳлил этамиз.

Чўлпон лирикасида жами олтита қитъа мавжуд. Н.Афоқова шоир қитъаларини уч гуруҳга бўлади: а) шоир томонидан қитъа деб белгиланган ва жанр талабига тўлиқ жавоб бера оладиган; б) қитъа деб белгиланмаган, аммо жанрий хусусиятларига кўра қитъа ҳисобланадиган; в) қитъа ёки парча деб белгиланган, аммо жанр талаблари доирасида бўлмаган шеърлар¹²⁷. Шайх Аҳмад Тарозий қитъанинг аввалги мисраси одатда қофияланмаслиги, ҳажми “ақалли икки байт” бўлиши, “мунинг ҳам аксари муқаррар эрмаслиги, ҳар неча-ким, қофия тобсалар айтилиши”ни таъкидлайди¹²⁸. Агар шу талабдан ёндашилса, Н.Афоқованинг юқоридаги таснифи баҳсли экани аён бўлади. Адабиётшунос олима “Онам сени қутқармоқ учун...” деб бошланувчи қитъани 1994 йилда чоп этилган “Асарлар” тўпламининг 1-жилдига асосан Чўлпон қаламига мансуб деб ҳисоблайди¹²⁹. Бироқ олимларимиз бу шеър муаллифи Фитрат эканини аниқладилар¹³⁰.

Чўлпон қитъаларида Навоий аънаналари муносиб давом эттирилди ва янгиланди. “Қизларнинг дафтарига” сарлавҳали қитъада шоир ёзади:

¹²⁷ Афоқова Н. XX аср ўзбек адабиётида рубоий ва қитъа. – Т.: “Фан”, 2005, 10-бет.

¹²⁸ Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. Тошкент, “Ҳазина” нашриёти, 1996, 47-бет.

¹²⁹ Афоқова Н. XX аср ўзбек адабиётида рубоий ва қитъа. – Т.: “Фан”, 2005, 21-бет.

¹³⁰ Қосимов Б., Юсупов Ш., Долимов У. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. Олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик. – Т.: “Маънавият”, 2004, 369-бет.

*Кўнгил, тинмас кўнгил, энди етар, кўз тикма гулларга,
Гўзалдир, ёшдир ул гуллар... фақат алданма унларга –
Ки, қизғонмас, кўнгил қўймас сенингдек оқкўнгилларга...*

Қитъа ишқий мавзуда экани аён. Чўлпон лирикасида учлик шакл учрамаслиги, арузда ижод этилгани, кўнгил, гул образлари ишқ тимсоли бўлиб келгани сингари хусусиятлари шеърнинг мумтоз аъаналарга мувофиқ эканидан дарак беради. Шеърда “тинмас кўнгил”га мурожаат этилиб, гулларга кўз тикмасликка, ҳар қанча гўзал, ёш бўлмасин, уларга алданмасликка чақирилади. Улар вафодан йироқ экани – оқкўнгилларга кўнгил қўймаслиги ҳақида сўз боради. Навоийнинг “Хусн аҳлининг кўнгли нисёни ва вафо аҳли анда унутулурунинг баёни” сарлавҳали қитъаси бор. Моҳиятан, бу икки қитъада уйғунлик борлигини сезмаслик мумкин эмас:

*Жон бaсе қилдим фидо ул ҳусн миръоти учун,
Оҳ кўп чектим вафосида анинг шому саҳар.
Ҳар нафаским хизматидан ғойиб ўлдум уйла бил –
Ким, мени умрида ул бадмехр кўрмайдур магар.
Ўз-ўзум бирла дер эрдимким недин бу навъ экин,
Айлабон оғаҳ хирад деди менга, эй беҳабар,
Мунда рамзедур дақиқ, аммо қилай равшан санга –
Ким, латофатда сафо кўзгусидур ул сиймбар.
Англаким то кўзгунинг оллида сен, кўнглида сен,
Чунки бординг оллидин, йўқ кўнглида сендин асар.*

Навоий қитъаси уч қисмдан иборат: 1) дастлабки тўрт мисрада ошиқнинг ҳуснга ойна бўларли ёр учун жон фидо этгани, вафо кўрсатмоқ қасдида шому саҳар оҳ чеккани, хизматидан ғойиб бўлиши биланоқ бадмехр ёр унутгани талқини – кечинма изҳори; 2) кейинги икки сатрда ошиқ ўзича бунинг сабабини қидиргани ва огоҳ ақл бунга ойдинлик киритгани ифодаси – кечинма боисини излаш жараёни;

3) ёрнинг ятўфатда поклик ойнасига қиёсланиши, ойнанинг кўнглида акс этиш учун олдида бўлиш шарт экани, олдида бўлмай туриб кўнглида бўлиш имконсиз эканига доир дақиқ рамз талқини – поэтик хулоса. Бу жиҳатдан, ҳазрат Навоий қитъаси мукаммал поэтик тузилмага эга экани кўринади. Афсуски, Чўлпон қитъаси матни тўлиқ эмас. Лекин уч сатр ҳолида ҳам қитъа бадиий жиҳатдан пухта эканини тан олиш керак. Дастлабки икки мисрада – кечинма изҳори, сўнгги сатрда гарчи тўлиқ бўлмаса-да – поэтик хулоса берилган. Яна бир муштарак жиҳати, ҳар икки қитъада бир неча маъно қатлами мавжуд. Ҳазрат Навоий қитъасида зоҳиран – дунё гўзали, ботинан – Ҳақ таоло ишқи бадиий талқин этилган, Чўлпон қитъасида ҳам зоҳиран дунё гўзали назарда тутилган. Бироқ ботинда эрк ва озодликка муҳаббатнинг поэтик ифодаси кузатилади.

“Қилич ва қон”сарлавҳали қитъа ҳам Навоий поэтик анъаналарининг янгиланишига мисол бўла олади. Қитъа матни қуйидагича:

*Қилич қинда қолмасин, чиқсин,
Тиғига тилларим томизсин қон.
Амалим қанли тиғини ювсин,
Қолмасин қонни сезмаган бир жон.*

Аёнки, ушбу қитъада Чўлпон шеърятининг етакчи мавзуси – Ватан ва миллат озодлиги учун кураш руҳи тажасум топган. “Қилич”, “қин”, “тиғ” (“ханжар”) образлари Навоий қитъаларида учрамаса-да, ғазалларида фаол қўлланган. Табиийки, ушбу образларнинг улуғ мутафаккир ва халафи лирикасидаги поэтик талқини муаллифлар бадиий нияти жиҳатидан ҳам, образларга юкланган мазмунга кўра ҳам бир-биридан кескин фарқ қилади.

*Кўнгулни чоку бағирни шикоф истарима
Анинг қиличи била ханжари эрур боис.*

Навоийнинг бу ғазалида қилич – ёр қоши, ханжар – маъшуқа зулфи маъноларида қўлланган. Лирик қаҳрамоннинг кўнгли чок (яра), бағри шикоф (ёриқ) экани сабаби шунда. Бир сўз билан айтганда, Навоий шеърида “қилич” ва “ханжар” ошиқона мазмунни ифодалаган. Буюк шоирнинг яна бир ғазалида ушбу образлар қуйидагича бадиий талқин этилади:

*Вусма бирла қошин ул маҳвашки рангин айламиш,
Кўзи жаллоди қиличига яшил қин айламиш.*

Ғазалдаги бадиий тасвир мукаммал. “Қилич” бу ғазалда ҳам ёр қошини ифодалаган. Бироқ талқин бутунлай ўзгача. Поэтик тасвир такомили учун ғазалга “вусма” образи олиб кирилган ва у – маъшуқанинг кўзи жаллоди қиличига “қин” сифатида танланган. Ана шу икки образ ғазални образлилик жиҳатидан янги поэтик юксакликка олиб чиққан.

“Қилич”, “қин”, “тиғ” (“ханжар”) образларининг ҳар икки шоир шеъриятидаги бадиий талқини қиёсий ўрганилганда, улар ўртасида жиддий тафовут борлиги кузатилади. Бу образлар Навоийда соф ишқий мазмун поэтик ифодасига хизмат қилган бўлса, Чўлпонда ижтимоий мазмун касб этади. Чўлпон шеъриятида бу образлар ўзининг ҳақиқий маъносида қўлланиб, лирик қаҳрамон қалби ва руҳидаги ватанпарварлик, жасорат, фидойилик каби туйғуларни ифодаб келган.

Чўлпоннинг яна бир қитъасига “Баландликда” деган сарлавҳа қўйилган. Мана, ўша қитъа:

*Оқшом чоғи мунда кел-да, сайр эт
Қобуси адам билан фанони.
Интилма самога, тўхта, сабр эт,
Бу ерда таниб ол оқу қарони!..*

Қитъа арузнинг ҳазажи мусаддаси ахраби макфуфи маҳзуф (тақтиъи: мафъувлу мафойилу фаувлун) вазнида

ёзилган. Найм Каримов шеърнинг 1923 йил 4 майда Бухоро амирининг Ситораи Моҳи хоса саройида ёзилгани, илк бор “Тонг сирлари”, сўнгра “Яна олдим созимни” тўпламлари ва Чўлпон “Асарлар”ининг 1-жилдида қайта чоп этилгани ҳақида хабар беради.

“Адам”, “фано” истилоҳлари ҳазрат Навоий шеъриятида тасаввуфий маънода қўллангани маълум. “Ғаройиб ус-сиғар” девонининг 37-ғазалидан олинган қуйидаги байт бунга мисол бўла олади:

*Ғунчанг анфоси насими заврақи жон қасдиға
Еткурур ҳар дам адам дарёсидин мавжи фано.*

Табиийки, Чўлпон шеърида бу тушунчалар ўзга маъно ташиydi. Шоир ўз ўқувчисини оқшом чоғи Ситораи Моҳи хосага келиб, йўқлик ва бақосизликни сайр этмоққа (*Оқшом чоғи мунда кел-да, сайр эт Қобуси адам билан фанони*), осмонга интилишдан (*хаёлий гаплардан*) тўхтаб, сабр этмоққа, (*Интилма самога, тўхта, сабр эт*) ана шундай саройларни бунёд этган буюк элнинг заковати, қудрати ҳақида фикр юритиб, оқу қорани таниб олишга (*Бу ерда таниб ол оқу қорони*) даъват этади.

Чўлпон ҳазрат Алишер Навоийнинг назмий анъаналарини муносиб давом эттириш, янгилаш баробарида мумтоз шеъриятимизнинг бошқа намояндалари адабий меросини ҳам мукамал ўрганди. Улар асарларидан илҳомланди, шеърларидаги поэтик образларни такомилга етказди. Чўлпоннинг Жаҳон отин Увайсий шеъриятига муносабати, бу жиҳатдан, алоҳида эътиборга лойиқдир. Унинг “Увайсий” сарлавҳали мақоласи ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Ушбу мақолани шоир 1936 йилда “Ёрқин турмуш” журналининг 4-5-қўшма сонидида “Чўлпон” имзоси билан эълон қилган, кейинчалик мақола “Адабиёт надир” мақолалар тўпламига киритилгани маълум¹³¹.

¹³¹ Чўлпон. Асарлар. IV жилдлик. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 285.

Мақолада шоир дастлаб Увайсийнинг
Забонингни кетургил, эй шакарлаб, тўти гуфтора,
Нечикким, марҳамат бўлсун неча мендек дилафзора –

матлаъли ғазали “Ҳалима” драмасида “Ироқ” куйи оҳанглариға солиб куйланганидан сўз очади. Бу ҳол Увайсийнинг мусиқани нозик ҳис этганидан далолат беради. Шоиранинг мусиқаға бўлган қизиқиши ҳақида академик Наим Каримов куйидаги фикрларни ёзади: “Чўлпоннинг мусиқаға муносабати тўғрисида сўз борганда, буюк Ҳалима Носированинг каминаға айтган куйидаги сўзлари ёдимға келади: “...Мен Чўлпон домланинг оила аъзосидек эдим. Шул сабабли уларникиға тортинмай кириб бораверардим. Устознинг кўп шеърларини ашула қилиб айтардим... “Галдир” деган қадимий халқ куйиға солиниб, бир девонанинг номидан айтилган ғоят гўзал шеърни ҳам ашула қилиб куйлардим... Бу қўшиқ албатта, фақат девонанинг эмас, балки Чўлпон домланинг ҳам юрак туйғуларини теран ифодаларди. Мусиқани, ашулани, санъатни адабиётдан ҳам яхши кўрарди у киши, деган тушунча чуқур ўрнашиб қолган менинг онгимда. Бу улуғ инсон шунчалар санъатсевар, санъатпарвар эдилар”¹³².

Чўлпон, бундан ташқари, шоиранинг “эваз” радифли ғазалида ўз таҳаллуси ва исмини куйидагича талқин этгани хусусида фикр юритади:

Йўқотиб ўзни фано мартабасиға ета кўр,
Вайсий номим менинг ул номи Жаҳонимға эваз.

Чўлпон мақолада Увайсийнинг “Карбалонома”си, “Девони” ҳамда Муҳаммадалихонға бағишланган “Хитой сафари” номли асарлари рўйхатини келтиради. Анорға бағишланган машҳур чистони ёзилиш тарихи ҳақида маълумот беради. Мақола муаллифининг қайд этишича: “Жаҳон отинға бир кун дастурхон устида анорни кўрсатиб, шу тўғрида бир нарса демакни илтимос қилганлар. Жаҳон отин ўша ми-

¹³² Каримов Н. Уч буюк сиймо. – Тошкент: MUMTOZ SO‘Z, 2019, 246-бет.

нутнинг ўзида анор тўғрисида тўрт йўллик бир шеър ёзган. Бадеҳағўйлик (экспромт) йўли билан ёзилган бу тўрт йўллик байт анорни қандай гўзал ва санъаткорона тасвир қилади:

*Бул на гумбаздир, эшиги, туйнугидин йўқ нишон,
Неча гулгунпўш қизлар анда айлабдир макон.
Синдириб гумбазни қизлар ҳолидан олсам хабар:
Юзларига парда тортиғлик, турарлар бағри қон.*

“Юзларига парда тортилган “қизларнинг” бағирлари қон” бўлганини айтган, сарой чўри қизларининг оҳи-зорини тасвирлаб берган”¹³³.

Мақоланинг Чўлпоннинг бошига балолар ёғилаётган 1936 йилда ёзилгани назарга олинса, муаллиф талқинидаги шўро мафкурасига уйғун ёндашув сабаби ойдинлашади. Бундан ташқари, “бағри қон”лик руҳияти шоир кайфиятига мос келишини ҳам таъкидлаш зарур.

Мустамлака зулмини *кишан*, *булут* поэтик рамзлари орқали ифодалаган Чўлпон истибдод исканжасидаги Ватан ва миллат тасвирини беришда улуғ замондоши Зокир-жон Фурқат аънааларини давом эттирган, дейиш мумкин. Жумладан, Фурқат 1879 йили ёзилган “Муножоти мусаддас” асарида она Туркистоннинг ўша кездеги аянчли аҳволини қуйидагича ифодалаган эди:

*Зулматни гирдбоди тегди, куюнда қолдук,
Тўфони ҳайрат, эйки, ғарқи жунунда қолдук,
Ғафлат ила ўтуб умр, кулгу, ўйунда қолдук,
Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук,
Раҳм айлағил, Худоё, бечора, хасталарга,
Ранжуру зору маҳзун, кўнгли шикасталарга*¹³⁴.

Фурқат мустамлака гирдобидида қолган юрт аҳволи нечоғлиқ оғир эканини тасвирлашда “зулматни гирдбоди”,

¹³³ Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016, 47-бет.

¹³⁴ Фурқат. Муҳаббат йўлида. – Т.: Янги аср авлоди, 2009, 261-бет.

“тўфони ҳайрат”, “фарқи жунун” сингари метафораларни қўллайди. “Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук” дея эрк ва озодликнинг барҳам топганидан таассуф чекади. Фурқат мусаддасидаги “зулматни гирдбоди” образи Чўлпон шеърларидаги “қуюқ булут”, “қўланка” образларига, “сонсиз тугун” рамзи “кишан” рамзига жуда яқин туришини сезиш қийин эмас. Мана, Чўлпон қандай ёзган эди:

*Эй тоғлари кўкларга салом берган зўр ўлка,
Нима учун бошингда қуюқ булут, қўланка?*

Икки шоир шеърларининг ёзилиш санаси бир қанча йилларга фарқланса-да, она Ватан бошига тушган мусибат ҳақидаги фикрларида ўзаро ҳамоҳанглик, уйғунлик борлиги яққол сезилади. Фурқатнинг юқоридаги сатрларини таҳлил этган профессор Нурбой Жабборовнинг фикрича: “Зеро, бу истибдод сиёсати миллат ҳаётининг барча жабҳаларини бирдай асоратга олганлиги, миллий истиқлолга, нурли истиқболга элтадиган барча йўлларнинг батамом тўсилгани бугун ҳеч кимга сир эмас”¹³⁵.

Маълумки, ўзбек миллий уйғониш адабиётида мумтоз шеъриятимиздаги поэтик образлар табиати янгилана бормоқда. Мумтоз адабиётда гул ва булбул образлари маъшуқа ва ошиқни англатган бўлса, Фурқатнинг мана бу сатрларида ушбу анъанавий образларга ижтимоий маъно юклангани кузатилади:

*Баҳор айёми ўтти, на гулу сарву суман қолди –
Ки, булбул бирла қумри ўрнига зоғу заған қолди,
На жоми марг ичмай лолаи хунин, кафан қолди,
Чаманлардин нишон ҳеч қолмади, илло тикан қолди,
Зимистони ажални бодидин бори хазон бўлди*¹³⁶.

¹³⁵ Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филология фанлари доктори диссертация. – Т., 2004, - Б.23.

¹³⁶ Фурқат. Муҳаббат йўлида. – Т.: Янги аср авлоди, 2009, 243-бет.

Бу мисрадада гул ва булбул – эрк ва озодлик рамзи. Булбул ва кумри ўрнини эгаллаган зоғу заған, ҳеч бир нишонаси қолмаган чаман ўз жойини тиканга бўшатиб берган. “Баҳор – тараққиёт рамзи. Шоирнинг ёзишича, у ўтиб бўлган. Шунинг учун ҳам булбул бирла кумри ўрнини зоғу заған эгаллаган. Бу – миллий давлатчилик ўрнини Русия мустамлакаси забт этганига ишора. Ажал зимистони – истибдод тимсоли. У бор мавжудликни хазонга айлантирган. Бинобарин, истибдод боис миллий анъаналар топталди. Миллатнинг бошига қора кунлар тушди, унинг ҳуқуқи, эрки поймол этилди”¹³⁷.

Чўлпон шеъриятида ҳам гулзор, булбул образлари Фурқат назмий асарларидаги каби ўзгача – ижтимоий маъно ташийди. Шоирнинг машҳур ғазалидан олинган мана бу байт ҳам фикримизни тасдиқлайди:

*Унинг гулзорида булбул ўқиб қон айлади бағрим,
Кўзимдан ёшни жў айлаб аламлар ичра ботдим-ку.*

Шеърнинг 1920 йили шоир Бокуда эканида ёзилгани эътиборга олинса, зоҳиран ишқий туюлган ушбу ғазалдаги гулзор, булбул образлари замирида миллатнинг забун ҳолати, унинг гуллари бўлган маърифатпарвар зиёлиларнинг ғаддор шўролар сиёсатига алдангани билан боғлиқ туйғулар ифодалангани аён бўлади. Чўлпоншунос Нормат Йўлдошев фикрича ҳам: “Гулнинг ошиғи – булбул образида Чўлпон озодлик, эркинлик ҳақидаги концепциясини илгари суради”¹³⁸.

“Суйган чоқларда” шеърдан олинган мана бу сатрларда шоирнинг озодлик орзуси билан боғлиқ ўйлари янада таъсирчан талқин этилган:

*Гунафшалар қулоғимга мадҳингни
Сўзлаб-сўзлаб чарчадилар, битмади...*

¹³⁷ Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси. Филология фанлари доктори диссертация. – Т., 2004, - Б.28.

¹³⁸ Йўлдошев Н. Чўлпон шеъриятида пейзаж. Филология фанлари номзоди..... диссертация. - Тошкент, 1994, 45-бет.

*Аламзада булбул йиғлаб кечалар
Аламингнинг сўнгин тамом этмади.*

Ушбу мисралардаги аламзада булбул хонишидан сўнгини тамом этиб бўлмайдиган алам ёғилади. Нега? Гунафшалар кимнинг (ёки ниманинг) мадҳини сўзлаб-сўзлаб чарчадилар? Бу сатрар замирида ҳам шоирнинг истиқлол ҳақидаги орзулари куйлангани шубҳасиз.

Миллий уйғониш шеъриятининг хос хусусиятларидан бири миллат маърифатини юксак даражада кўриш орзусининг бадий талқинида яққолроқ кўринади. Фурқат “жаҳон баста кушоди” – жаҳондаги барча тугунларнинг ечими илмда, барча дилларнинг муроди ҳам илмда, бинобарин, уни эгалламоқ зарурлиги ҳақда ёзган эди:

*Жаҳон баста кушоди илм бирла,
Надур дилни муроди илм бирла.
Кўнгулларни сурури илмдандур,
Кўрар кўзларни нури илмдандур.*

“Туркистонли қардошларимизга” шеърида Чўлпон илм-маърифатдан маҳрум қолишнинг фожиали оқибатларидан сўз очади. Маърифатсизликни балога йўлиқиш дея таърифлайди:

*Илм-маърифат ҳам ҳунардин қолди маҳрум бизни халқ,
Маърифатсизлик балосига йўлиқғон бизни халқ.*

*Мактаб ўрнига очилди ҳар маҳаллада майхона,
Нафрат этмак нари турсун, шоду хандон бизни халқ.*

*Бошқа миллатлар солурлар ҳар маҳалда мадраса,
Онларнинг аксига солғон чойхоналар бизни халқ.*

Чўлпоннинг ва барча маърифатпарвар жадидларнинг армону изтироблари баён этилган бу шеърда. Мактаб ўрнига майхона, мадраса ўрнига чойхона солишга ружу қўйишнинг оқибати хорлик экани ҳақда ёзади шоир. Адабиётшунос

Дилмурод Қуроновиқ фикрича: “Чўлпон ғажеий аҳвол илдизларини жоҳилликда, ўз ғойдасини анғламаслиғи-ю истиқбол ҳақида қайғурмаслиғида кўради. Фарзандларини маърифатли қилиш ўрнига кони исроф тўй-ҳашамларга, бемаъни айшу ишратга берилган, мактаб ўрнига чойхона-ю майхоналар бино қилаётган халқ турмушини мутараққий миллатлар турмушига қийёслаб, ўртанади”¹³⁹.

Хулоса қилиб айтганда, Чўлпон миллий шеъриятимизни шакл ва мазмун жиҳатдан янғилашга киришар экан, мумтоз адабиётдан, айниқса, Алишер Навоий, Жаҳон отин Увайсий, Зокиржон Фурқат каби ижодкорлар назм дорулфунунидан илҳом ва сабоқ олди. Мавжуд образ ва тимсолларга янғи мазмун юклади, янғи поэтик шаклларни инкишоф этди. Шоир шеърияти такомилида мумтоз бадиият анъаналари асосий омил бўлиб хизмат қилди.

Чўлпон шеъриятда фольклоризмларни фаол қўллар экан, ўзи яшаб ижод қилган давр зиддиятларини, мустамлака зулми остида қолган Ватан ва миллат аҳволини, ижтимоий-сиёсий ўзғаришларга муносабатини бадиий талқин этди. Чоризм, кейинчалик шўролар цензураси шароитида очик ифодалаш мумкин бўлмаган фикрларини, истиқлол ҳақидаги орзуларини, юраги тубидаги чўнг армонларни шеърлари тағматнида, образлар замирида фольклор асарларига хос усулларда ифодалади.

Шоир салафлари ва замондошлари синғари шеърларида фольклоризмларнинг стилизацион ва аналитик типларидан, оддий ҳамда мураккаб кўринишларидан санъаткорона ғойдаланди. Халқ олқиш ва қарғишлари асосида яратилган шеърлари миллат тафаккурига чақмоқдек таъсир қилди. Мудроқ қалбларни уйғотишга хизмат қилди.

¹³⁹ Қуроновиқ Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. –Т.: Ўқитувчи, 1997, 7-бет.

Чўлпон шеърларида халқ қарғишлари замирида истибоддод гирдобидида қолган она Туркистонни босиб олган ёвларга нафрати ифодаланган. Шоир шеърларида стилизация қилинган қарғишлар бир кишига, биргина объектга эмас, балки умумга қаратилгани жиҳатидан ижтимоий аҳамиятга эга ва халқона қарғишлардан шунга кўра фарқ қилади. Шоир шеърларидаги олқишлар, асосан, Ватан ва ватандошларга қаратилгани билан алоҳида ажралиб туради. “Худойўл берсин туркистонийларга...”, “Улуғ Туркистон, йўлинг бўлсин оқ” сингари олқиш руҳидаги сатрлари бунинг исботидир.

Ижодкор ёвузлик тимсоли бўлган босқинчилар образини таъсирчан талқин этишда диний-мифологик образлар ва ҳаёлий макон тимсолларидан истифода этади. Томуғ, алвасти, иблис, аждар каби образлар поэтик талқини бунинг исботидир. Шоир дев, жин, алвасти, шайтон сингари мифологик образлар воситасида ҳам миллат руҳиятида босқинчиларга нафрат, озодликка муҳаббат туйғуларини уйғотишга интилади. Шоир шеърларида булбул, қузғун, бойқуш каби қушлар образини қўллаш орқали мустамлака юртнинг рамзий тасвири берилган.

Ватан ва миллат озодлиги йўлида курашиб жон берганлар жаннати бўлади, улар ризвонлардан, яъни жаннат боғларидан жой олади, тарзидаги жаҳидона қарашларни ифодалашда Чўлпон жаннат, пари, фаришта (малак), кавсар суви сингари образлардан маҳорат билан фойдаланади.

Чўлпоннинг шеъриятда новатор шоир даражасига юксалиши сабабларидан бири ҳазрат Алишер Навоий ижодини пухта ўрганиб, буюк шоир санъатхонасидан сабоқ олгани, навоиёна тимсолларга янги мазмун, янги руҳ бағишлаганида кўринади. Навоийнинг “Ғурбатда ғариб...” рубойиси ва Чўлпоннинг “Суйган чокларда” шеърининг қиёсий таҳлили ҳам шундан дарак беради. Гарчи Чўлпон шеъри бармоқда, ҳазрат Навоий рубойиси арузда битилган бўлса-да, бу икки шеърни “олтин қафас” тимсоли ва унинг замирига сингди-

рилган фалсафий (Чўлпонда ижтимоий) моҳиятнинг ўзига хос бадиий талқини бирлаштириб туради. Чўлпон истибдодни ҳам ғарибликнинг бир кўриниши деб тушунади. Унингча, истиқбол қуши эрк истади, гўзаллар маликаси – ўша эрк. “Истиқбол”нинг “истиқлол”га ҳамоҳанглиги ҳам эътиборга лойиқдир.

Ҳазрат Навоий ғазалиётидаги “вафо қасри” метафораси замирида чуқур мазмун ифода этилган. Навоий ғазалидаги “вафо қасри” ва Чўлпон шеъридаги “муҳаббатнинг саройи” метафораларига юкланган маънода муайян фарқ бўлгани сингари ўзаро уйғунлик ҳам борлиги кузатилади. Бундан ташқари, “Асрлик тош” бирикмаси ифодалаган мазмун, хусусан, тошнинг поэтик тимсолга айланиши ҳам Чўлпон шеъриятида халқ тили билан бирга Навоий таъсирида шаклланганидан далолат беради.

“Қилич”, “қин”, “тиғ” (“ханжар”) образларининг Навоий ва Чўлпон шеъриятидаги бадиий талқини қиёсий ўрганилганда, улар ўртасида жиддий тафовут борлиги кузатилади. Бу образлар Навоийда соф ишқий мазмун поэтик ифодасига хизмат қилган бўлса, Чўлпонда ижтимоий мазмун касб этади. Чўлпон шеъриятида бу образлар ўзининг ҳақиқий маъносида қўлланиб, лирик қаҳрамон қалби ва руҳидаги ватанпарварлик, жасорат, фидойилик каби туйғуларни ифодаб келган.

Чўлпоннинг Жаҳон отин Увайсий шеъриятига муносабати, бу жиҳатдан, алоҳида эътиборга лойиқдир. Унинг “Увайсий” сарлавҳали мақоласи ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди. Шоир шеъриятида Увайсий ижодидан таъсирланиш, поэтик мазмунни янгилашда шоира қўллаган образ ва тимсоллардан истифода этиш янги бадиий кашфиётларга асос бўлгани кузатилади.

Мустамлака зулмини *кишан*, *булут* поэтик рамзлари орқали ифодалаган Чўлпон истибдод исканжасидаги Ватан ва миллат тасвирини беришда улуғ замондоши Зокиржон Фурқат анъаналарини давом эттирган Фурқат мустамла-

ка гирдобиди қолган юрт аҳволи нечоғлиқ оғир эканини тасвирлашда “зулматни гирдбоди”, “тўфони ҳайрат”, “ғарқи жунун” сингари метафораларни қўллайди. “Куффор банди ичра сонсиз тугунда қолдук” дея эрк ва озодликнинг барҳам топганидан таассуф чекади. Фурқат мусаддасидаги “зулматни гирдбоди” образи Чўлпон шеърларидаги “қуюқ булут”, “кўланка” образларига, “сонсиз тугун” рамзи “кишан” рамзига жуда яқин туришини сезиш қийин эмас.

III БОБ. ЧЎЛПОН ШЕЪРИЯТИДА ПОЭТИК ШАКЛ ЯНГИЛАНИШИ

1. Адабий алоқалар – образ янгиланишининг ижодий-эстетик манбаи

Абдулҳамид Чўлпон миллий шеъриятимиздаги мумтоз назмий аъёналарни бойитди, аъёнавий поэтик шакллари янгилари. Профессор Нурбой Жабборов фикрича: “Улуғ шоир долғали денгиз тўлқинлари янглиғ кўпириб-тошган туйғуларини, бамисоли саробдай етиб бўлмас орзуларини, кўнглини ўртаган чўнг армонларини поэтик рамз ва тим-соллар тилига кўчирди”¹⁴⁰. Шеъриятга янги оҳанглари, янги жанр ва образлари олиб кирар экан, Чўлпон Ғарб, айниқса, рус адабиёти тажрибаларидан унумли фойдаланди. Бунда унинг рус ва Европа шеъриятидан қилган таржималари ўзига хос ижодий мактаб вазифасини ўтади. Маълумки, ижодкор жаҳон адабиёти намуналаридан таржималар қилар экан, ижодий услуб, поэтик образ ва рамзлар, уларнинг бадиий талқини борасидаги қарашлари янгилана боради. Шеъриятда ўзига хос янги йўл излаган Чўлпон рус шоирлари Александр Пушкин, Александр Блок шеърларини таржима қилар экан, ана шундай ижодий жараёни бошдан ўтказди. Бироқ шоир ижодида мумтоз назмий аъёналарнинг янгиланиши, буюк салафлари поэтик тажрибаларини ўрганиш ва янгича талқинлар билан бойитиш тамойили етакчилик қилади. Биз “хаёл” рамзининг поэтик талқини мисолида ана шу ижодий жараён таҳлилини беришга ҳаракат қиламиз.

“Хаёл” рамзи Чўлпоннинг бир қанча шеърларида учрай-

¹⁴⁰ Жабборов Н. Чўлпон шеъриятида миллий истиқлол орзусининг бадиий талқини. / Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён” мавзuidaги конференция материаллари. – Т.: Mashhur-Press, 2018, 45-бет.

ди. Фитрат таъбири билан айтганда, “Шоирнинг хаёл, ўй, тушуниш шакллари тугал, комил бўлғач, ўзига яраша бир услуб борлиққа чиққан бўладир”¹⁴¹. Хаёл – ижодий тафаккурнинг асоси. Шу боис ҳам Фитрат хаёлни услубга боғлаб тушунтиради. Хаёл, бундан ташқари, шоир туйғуларининг юксакларга парвоз қилишини таъмин этувчи омил ҳамдир. Мустамлака зулмидан қалбига етган озорларни, изтиробларни даф этиш учун ҳам Чўлпон хаёлга таянади, хаёлдан куч олади. Бу поэтик образни шеърларида фаол қўллайди.

“Суйган чокларда” шеърида мана бундай сатрларни ўқиймиз:

*Гўзалларнинг маликаси экансан,
Буни сенинг кўзларингдан ўқидим.
Ўқидим-да, истиқболим қушига
Хаёлимдан олтин қафас тўқидим.*

Истиқбол ҳақидаги ўй нафақат Чўлпонни, у билан бир замонда яшаган барча миллатпарварларни ўйлантиргани аён. Миллатнинг мунаввар сиймолари бу ўйдан изтироб исканжасига тушгани ҳам рост. Шоирнинг истиқбол қушига хаёлидан олтин қафас тўқиши – бунинг ёрқин далили.

Чўлпоннинг “Мен шоирми?” шеърида “Хаёлим бир учиб кетиб қоладир, мен ҳам тизгинини қўйиб берамен”, деган сатрлар бор. Шоир аксар пайтларда ўз хаёллари билан яшайди. Чунки хаёл унинг ҳазин кўнглига таскин беради, дарду аламларини унуттиради, қалбига ҳаловат бағишлайди. Ушбу шеърни таҳлил этар экан, германиялик адабиётшунос Ингеборг Балдауф шундай ёзади: “...Шоир янги воқелик ва янги тил талабларига мутаносиб равишда ўзининг интилишларини “хаёл” деб атайди; албатта, хаёлни бу ерда икки хил тушуниш мумкин: у бир вақтнинг ўзида беҳуда кетган

¹⁴¹ Фитрат. Адабиёт қоидалари. /Танланган асарлар. – Т.: Маънавият, 2006, 4-жилд, 17-бет.

хатти-ҳаракатни ва ҳали интилиш мумкин бўлган мақсадни англатади ва сўнггиси ҳақиқатнинг қарама-қарши қутбини ташкил этади. “Мен шоирми?” шеърида Чўлпон ўз орзу-истаклари, идеали нимага айланганлигини кўриш учун ҳаёлини осмонларда сайр эттиради ва идеали қуруқ ҳаёлга айланиб қолганига амин бўлади. Шу сабабдан у:

Хаёлим кўклардан тушиб кетадир,

Шоирлик чанг бўлиб учиб кетадир... –

деб аччиқ алам билан эътироф этади¹⁴².

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, Чўлпон шеъриятида ҳаёл рамзи чиндан ҳам контраст тасвирда намоён бўлади. Баъзан бу рамз озод фикрни, шоирнинг эркинлик ҳақидаги идеалларини, айрим шеърларида реалликка айланимай, сароб бўлиб чиққан ўйлари-ю армонга дўнган орзуларини ифода қилади келгани бунинг исботидир. Лекин Ингеборг Балдауфнинг мазкур шеър ҳақидаги фикрлари баҳсқалаб эканини ҳам таъкидлаш керак. Биринчидан, шеърда олима айтганидай, Чўлпоннинг “идеали қуруқ ҳаёлга айланиб қолганига амин бўлиши” эмас, шоир адабий-эстетик қарашлари ифодаланган ва ундаги ҳаёл рамзи ўзида ижодий тафаккур миқёсларини тажассум этган. Зеро, ижодкор ҳаёли минг қават кўкни сайр эта олиши билан бошқа оддий кишилар ҳаёлидан ажралиб туради:

Учадир... учадир... минг қават кўкни,

Бир бошдан сийпалаб ўта берадир.

Зерикмай, эринмай кета берадир,

Баъзан ҳовлиқтириб жинни юракни...

Иккинчидан, агар Чўлпон идеали хомҳаёлга айланиб қолганига амин бўлганида эди, ҳаёлининг кўзлари билан бир гўзал ҳолатни кўриб туриши, лаззатга ғарқ бўлиб ўлиб

¹⁴² Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Т.: Маънавият, 2001, 52-53-бетлар.

туриши ҳақидаги туйғуларини ёзмаган бўлар эди. Шоирнинг армони шундаки, унинг ўз эътирофи билан айтганда:

*У ҳолни борлиқнинг сўзлари билан –
Англатиш қўлимдан келмай қоладир...
Дейманки: “Бошқалар билмай қоладир –
Шундай гўзалликни! Аттанг, агар мен
Рассом бўлсам эди, чизиб берардим.
Ўхшаш нусха билан ёзиб берардим,
Шу ожиз ҳолимда шоирманми мен?...*

Тўғри, шеър якунида мисралар тагматнида хаёлларининг сароб бўлиб чиқишига ишора сезилади. Бироқ бу шеърда ифодаланган маънолардан фақат биттасигина эканини унутмаслик керак. Чўлпоннинг замондоши мунаққид Абдурахмон Саъдий “Ўзбек ёш шоирлари. Чўлпон” мақоласида шундай ёзади: “...Ўзининг учқур кенг хаёли излаб топқон гўзалликларни ўзи истаганча суратлаб, кўринишлантириб беришга одам тили ва бутун борлиқнинг сўзлари торлик қилғонликдан, ерлилик ва ожиз кўргазганлигидан зорланадур. Албатта, бу ҳақлик бир зор, тўғри бир шикоятдур. Бироқ жаҳоннинг катта шоирлари ҳам шундоғ шикоятни қила келган ҳам қила келадур. Улар олдида ҳам тил ва тилдаги сўзлар уларнинг истакларин, бутун руҳий тўлқинларин тугал англашдан ожиз қоладур ёки шундоғ ҳис қиладур”¹⁴³.

Чўлпон асарларида миллий руҳ ҳамда нозик ҳиссиёт ёрқин рангларда суратланади. “Йўл эсдалиги” адабий очеркида ифодаланган ижодкор асарларидаги хаёл рамзининг адабий-эстетик ва ижодий-руҳий омилларини англаш имконини берувчи фикрлар ҳам буни тасдиқлайди. Адабиётшунос Ҳомил Ёқубов фикрича: “Чўлпон “Хаёл” тушунчасига таяниб, ўз ижоди учун муҳим аҳамиятга молик бўлган на-

¹⁴³ Саъдий Абдурахмон. Ўзбек ёш шоирлари. Чўлпон. /Чўлпон ва танқид. – Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004, 26-бет.

фосат муаммоларидан бирини ҳал қилишга уринди. У бир неча шеърининг таҳлилида ҳаёлнинг ижодий топилмаларни кашф этишдаги бадиий вазифасини кўрсатиб берди”¹⁴⁴.

“Йўл эсдаликлари”да Чўлпон мана бундай ёзади:

“Узатғучи йўк...

Ўзим ёлғиз...

Энг яқин дўстларим деб ишониб юрган кишиларим “хайр”дан бошқани билмадилар: узатиб қўйишнинг керак эканлиги тўғрисида йўлариға тариқча бир нарса келтирмаганларга ўхшади. Кўнгилсиз, тушунки руҳ билан чиқиб кетдим. Ёлғизлик, ўрганган ердан айрилиш оғирлиғи бир озғача мени эзиб борди, бир озғача қийналдим. Бироздан сўнг эски танишим “хаёл” кўмагимга етди: ўзим унинг билан кенг кўкнинг юмшоқ кўрпалари устида ағанафон чоқда, гавдам чарчаш, толиқиш сезмасдан илгари отилар эди”¹⁴⁵.

Хаёл – Чўлпоннинг “эски таниши”. Тушкунликка тушиб, дунёларга сиғмай қолган пайтда кўмакка келадиган дўст тимсоли. Айниқса, ижодкорнинг энг муҳим кезларда таянадиган ҳамроҳи. Хаёл ҳаёт ичидаги ундан жуда олис ва сирли бир ҳаётдир. Хаёл орқали инсон коинотга уча олади, фазони қуча олади. Шоирда ҳам шу ҳолат кузатиляпти. У “кенг кўкнинг юмшоқ кўрпалари устида ағанафон чоқда” хаёлга чўмган, у билан дардлашган. Бу дард озодлик, ҳуррият, истиқлол дарди эди. Шоир аввалроқ ёзган шеърига мурожаат қилиб, шундай фикрларни баён этади:

“Хаёл, гўзал хаёл, қара, мен сенинг тўғрингда илгари нима деб эдим:

Хаёл... хаёл... ёлғиз хаёл гўзалдир,

Ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқамен.

¹⁴⁴ Ёқубов Ҳ. Чўлпон ва Навоий. – Т.: Шарқ, 1997, 23-бет.

¹⁴⁵ Чўлпон. Йўл эсдаликлари. /Асарлар, II жилд. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1993, 320-бет.

*Хаёлдаги юлдузларким, амалдир,
Овозимни алар учун ёқамен.
Гўзал хаёл, кел, бошимда гул ўйнат,
Меним усрук тилагимни эркалат!..*

Меним бу ўйларим хаёл тўғрисида кўб тўғри эди. Ул меним энг умидсиз, энг қийналғон, энг эзилган чоқларимда келиб бошимни силар, сийпар, юпатар, эркалатар эди”¹⁴⁶.

Ҳақиқатан, ижодкор хаёл билан экан, ёлғиз қолмайди. Унинг учун хаёл ёлғизликда ҳамроҳ, ҳазин чоқларида юпанч, тушкун кезларида таянч бўла олади. Зеро, ижодкорнинг ижодкорлиги ҳам тахайюл оламининг нечоғлик кенг эканига кўра белгиланади. Чунки ҳаётини воқеликнинг, баъзан у ҳақдаги орзу-идеалларнинг бадиий ифодаси хаёл орқали сувратланади. “Хаёлдаги юлдузларким, амалдир, Овозимни алар учун ёқамен”, – деб ёзар экан, Чўлпон хаёлнинг бадиий-эстетик вазифасини хослаб кўрсатади. “Хаёл шоир илҳомининг эгизак бўлган маънавий ҳамроҳидай гавдаланади. Хаёл серқатлам лирик образ таркибида шоир кашф этган руҳий кўнгил қадриятларини акс эттиради. Шоир инқилобий тўнтаришлар натижасида келиб чиққан қонли вазиятни – ижтимоий, миллий низо ва вайронагарчиликларни руҳият ойнаси бўлмиш хаёлида тасаввур этиб, мавжуд “ҳақиқатнинг кўзларидан кўрқамен”, дейди...”¹⁴⁷.

Чўлпоннинг хаёли хомхаёл эмас эди. У шоир орзу қилган, интилган, бутун вужуди билан ҳис этган, энг муҳими, ҳақиқатга айланиши мумкин бўлган хаёл эди. Хаёл рамзи орқали Чўлпон шеърларида миллий истиқлол, озод ва ёрқин истиқбол ҳақидаги орзу-армонларини ҳам бетакрор ифодалади. Жадид адабиёти намояндалари анъанавий ишқий мавзудан чекиниб, Ватан ва миллатга, унинг озодлиги ва мустақиллигига муҳаббат руҳида шеърлар ёзгани маълум. “Дарҳақиқат, уларнинг (жадидларнинг – Ш.Ҳ.) ўй-фикрини

¹⁴⁶ Ўша манба, 320-321-бетлар.

¹⁴⁷ Ёқубов Ҳ. Чўлпон ва Навоий. – Т.: Шарқ, 1997, 24-бет.

гул-булбул ташбеҳӣ эмас, маҳбубасини ағёр йўлдан урган ошиқ кечинмалари ҳам эмас, аср бошидаги афтодаҳол Туркистоннинг аянчли қисмати, йилдан-йил эмас, кундан-кун аждодлар хотирасини, ўзлигини унутиб, тарихдан узилиб бораётган авлод банд қилди. Улар ҳуқуқсиз халқ бахтли бўла олмаслигини англадилар. Худди шу сабабли Сиддиқий-Ажзий ўзининг “хуштабъ”лик билан ёзилган ишқий шеърятидан воз кечди, уларни куйдириб ташлади. Авлониининг 90-йилларда ёзилган, эҳтимолки ишқий характерда бўлган шеърларининг бизгача сақланмай қолганлиги сабаби шундандир”¹⁴⁸. Шунга кўра, Чўлпоннинг куйидаги сатрларини Ватан ва миллат озодлигига муҳаббат билан боғлаб талқин этиш тўғрироқ бўлар эди:

*Кўнглидаги муҳаббатнинг учқунин
Хаёлимнинг бир бурчига беркитдим.
Ул учқуннинг кучлигидан сийнамда
Ҳеч тузалмас, оғир яра бор этдим.*

Шоир кўнглидаги муҳаббат учқуни, шубҳасиз, истиқлол орзуси билан боғлиқ. Мустабид тузум шароитида уни хаёлининг бир бурчига беркитишдан ўзга чораси бўлмагани ҳам аён. Бу учқун шунчалик кучлики, ватанпарвар шоир юрагини тинимсиз ўртади. Кўнглидаги тузалмас, оғир яра мустақиллик орзуси, унинг армонга айланиши оқибати экани сир эмас.

Профессор Нурбой Жабборов фикрича: “...Шоир наздида хаёл – миллатнинг озодлиги, юксалиши рамзи. Зеро, вужудни занжирбанд этиш мумкин, лекин хаёлни эмас. Энг оғир мустамлака замонларида эркинлигини сақлаб қолиши мумкин бўлган ягона нарса бу – хаёл эди. Тўғри, хаёлга кишан солмоқ маҳол. Бироқ у кўкка учса, ҳавога соврилса-чи? Чўлпоннинг мана бу изтироби сабаби шунда:

¹⁴⁸ Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Т.: Маънавият, 2002, 270-бет.

Кенг хаёллар учдими кўкка

Бутун умидларим ёвларми кўмди.

Хаёл қачон одамга қувват беради? Қачонки реал воқеликка айланса... Акс ҳолда у кўнгилга юпанч бўла олмайди. Хаёл, орзу воқеликка айланмас экан, мақсадга эришмоқ душвор. Бинобарин, ўй, хаёлнинг ўзигина кўнгил истагини қондирмаслиги аён...¹⁴⁹.

Ҳақиқатан, вужуди занжирбанд этилган кишининг ҳам хаёлини чеклаб бўлмайди. У истаганча хаёл суриш имкониятига эга бўла олади. Ушбу теран фикрнинг ёнида туриб айта оламизки, хаёл оғир пайтларда шоирни тушкун кайфиятдан халос этади, руҳиятини самолар қадар юксалтиради.

“Хаёл” рамзи шоир идеалларининг бадий талқинида алоҳида ўрин тутади. Қандай вазиятларда одамга хаёл ҳам ёрдам бера олмай қолиши мумкин, деган савол бу рамз моҳиятини янада чуқурроқ тушуниш имконини беради. Хаёл моддий тушунча эмаслиги аён. Одамзод кўнгли нафсга, моддиятга асир тушадиган бўлса, бундай кўнгилни тоза хаёллар тарк этади. Нафсга тобе қалбда қуллик психологияси кучаяди, озодлик ҳақидаги хаёлларга ўрин қолмайди. “Миллат тафаккуридан Озодлик ва Эрк қайғусининг чекиниши, унинг ўрнини эса узлуксиз очарчиликлар сабабли нон қайғуси эгаллаётгани ижтимоий қулликдан фожиалироқ бўлган оқибат – шуурий қулликка олиб келишини англаган шоир озодлик ва эркин ўзининг олий идеали даражасига кўтаради. Чўлпон эркин севишини, соғинишини, унинг учун курашиш аъмолига айланганлигини истейдод қудрати ва жозибаси билан ифодалай олади. Эрк шоир учун шунчаки баландпарвоз орзу эмас, балки ҳаётининг мазмуни, яшашдан мақсади, умиди, эртаси. Онги, шуурини забт этган хаёли. У шу хаёл билан тирик...”¹⁵⁰.

¹⁴⁹ Жабборов Н. Чўлпон шеърятида миллий истиқлол орзусининг бадий талқини. / “Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён” мавзуидаги конференция материаллари. – Т.: Mashhur-Press, 2018, 46-бет.

¹⁵⁰ Эрназарова Г. Бир ўчиб, сўниб... яна ёниш бор. / “Чўлпон ижоди ва

Мазкур поэтик рамз тадқиқи шоир ижодий биографи-
ясини чуқурроқ ўрганиш имконини беради. “Хаёл” рамзи
орқали озодлик туйғусини баралла куйлаган Чўлпон ўша
замондаги мураккаб ва зиддиятли тарихий шароит, му-
стамлака зулмининг ортиб бориши, истибдод сиёсати Ва-
тан ва миллат ҳаётини тобора кенгроқ миқёсда исканжа-
сига олиши натижасида бора-бора умидсизлик гирдобига
туша боради. Профессор Дилмурод Куроновнинг ёзишича:
“Чўлпоннинг “Алданиш” шеъри тахминан 1922 йил августи-
дан кейин ёзилган бўлиб, унда:

*Оҳ, энди билдимки, барчаси хаёл,
Барчаси бир тотли ширин туш экан.
Кет, йўқол кўзимдан, ҳақиқат, йўқол,
Бағримга ботмоқда оғули тикан, –*

деган изтироб тўла сатрларга дуч келамиз. Бироқ, ҳар қанча
оғир бўлмасин, шоирнинг эрксевар кўнгли қанча саркаш-
лик қилмасин, мавжуд ҳақиқатни тан олмасликнинг иложи
йўқ эди. Дилидаги зиддиятли курашлар ниҳоясида – 1923
йил ўрталарига келиб, Чўлпон ҳам бу нарсани тан олган.
Зеро, шу вақтда ёзилган “Мен ҳам севаман” номли шеъри-
да шоир гўё “Алданиш”да қўйилган ўртовчи саволларга жа-
воб беради, истиқлол ишқида ёниб яшаган “у кунлари ўтиб
кетгани”ни, энди “Мажнун бўлиб элни севиши”ни эътироф
қилади”¹⁵¹.

Умуман, “Хаёл” поэтик рамзи таҳлили асосида хуло-
са қилиш мумкинки, Чўлпон бу рамз моҳиятига бир неча
қатлам мазмунни жойлай олган. Хаёл, унинг наздида озод-
лик ва эркинлик тимсоли бўлган. Ҳаётининг энг оғир кез-
ларида хаёлга таянган, ундан куч олган. Шунингдек, хаёл
шоир ижодий-бадиий тафаккурига қанот бағишловчи ада-
бий-эстетик омил вазифасини ўтаган. Шунинг учун ҳам

замонавий адабий жараён” мавзуидаги конференция материаллари. – Т.:
Mashhur-Press, 2018, 92-бет.

¹⁵¹ Куронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Т.: Ўқитувчи, 1997,
19-20-бетлар.

Чўлпон ижодий биографиясини ўрганишда бу поэтик рамзининг аҳамияти катта. Табиийки, ушбу поэтик размнинг барча қирраларини бирдай чуқур ёритиш, таҳлил этиш осон эмас. Бу борадаги илмий изланишларни изчил давом эттириш шоир бадий-эстетик идеали, назмий асарларининг бугунги кун учун аҳамияти ҳақида янги илмий-назарий хулосаларга олиб келиши тайин.

Чўлпон онгида янгича тафаккур шаклланишида, ижтимоий тузумни англашида Ўш шаҳрида очилган рус-тузем мактабида олган билимлари катта ўрин тутди. Рус маданиятини ўрганиб, халқлар орасидаги ижтимоий жараёни қиёсан таҳлил қилар экан, унда миллий қадриятларни эъозлаш, ўз тили равнақи учун қайғуриш, Ватани, миллати шаънини юксакка кўтариш туйғуси янада кучайди. Чўлпоннинг замондоши Лазиз Азиззода шундай ёзади: "Ёшлигидан мутолааси кучли бўлган Чўлпон 1912 йиллардан бошлаб рус адабиётидан ҳам самарали фойдаланиб, тил, адабиёт, тарих, фалсафа, илми бадеъ каби фанларни ўзининг ижтиҳоди ва отасининг жиддий тарбияси натижасида ўзлаштириб олган"¹⁵².

Чўлпон рус тилини ўзлаштириш билангина чекланмади. Рус шоиру адибларининг сара асарларини синчиклаб мутолаа қилди. Ижодий тажрибасини орттириш ва ўзбек китобхонини рус адабиёти билан яқиндан таништириш мақсадида Максим Горькийнинг "Она" романи ва "Егор Буличев" пьесасини, Пушкиннинг "Дубровский" ва "Борис Годунов" асарларидан ташқари 25 та шеърини, Лоҳутийнинг "Европа сафари"ни, В.Ян (Янчевский)нинг "Хужум" номли пьесасини, Александр Блокнинг шеърларидан намуналарни, И.А.Криловнинг "Бўри билан қўзичоқ" масалини таржима қилди. Таржимонлик заҳмати Чўлпоннинг ижодий тажрибаси, бадий маҳорати ўсишида беқиёс мактаб вазифасини ўтади. Натижада шоир тафаккурида Шарқ адабиёти анъаналарини ўзга халқлар бадий-эстетик тажрибалари билан бойитиш учун пухта замин тайёрланди. Шунингдек, шоир

¹⁵² Азиззода Л. Чўлпон ким эди? Ёшлик. - Тошкент, 1998, 10-сон, 23-бет.

У.Шекспир, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенов, И.Франко, А.П.Чехов, Л.Андреев, А.Серафимович, Р.Тхокур, А.Лохутий сингари чет эл адабиёти вакиллари асарларидан ҳам таржималар қилган. Чўлпон ижодининг янгича пафонага кўтарилишида бу таржималарнинг таъсири катта бўлгани шубҳасиз.

Чўлпон 1930 йилларда Москвага бориб бир неча йил яшаган. Ўша кезлари рус адиби В.Ян у билан учрашиб, суҳбатлашади. Чўлпон унинг “Хужум” номли пьесасини таржима қилган. Академик Наим Каримовнинг ёзишича: “...20-йилларда хотин-қизларни ижтимоий ҳаётга жалб қилиш, уларнинг ақлий ва ижодий имкониятларидан фойдаланиш мақсадида Туркистонда “Хужум” ҳаракати бошлаб юборилди. Адабиёт ва санъат, совет давлатининг бошқа оммавий тадбирларида бўлганидек, шу тадбирнинг ҳам амалга ошишига кўмаклашиши лозим эди. Ўзбек театри даврнинг шу ижтимоий буюртмасига жавобан В.Ян (Янчевский)нинг “Хужум” пьесасини саҳналаштиришга киришди. Чўлпон бу асарни рус тилидан таржима қилибгина қолмай, унга янги образлар киритди, янги қўшиқ ва репризалар ёзди. Агар асарнинг бизгача етиб келган режиссёрлик нусхасига назар ташласангиз, Чўлпоннинг “Хужум” спектакли учун 15 та халқ куйларини танлаганини ва шу куйларга мос қўшиқ матнларини ёзиб берганини кўрасиз”¹⁵³.

Олимнинг бу фикрлари Чўлпон таржимага эркин ёндашганидан, ўзга адабиёт вакилининг асарини ўзбек халқига тақдим этар экан, уни миллатнинг руҳиятига яқинлаштирганидан дарак беради. Мазкур саҳна асарига шоир қандай образ ва халқ куйларини олиб кирган? Бундан кўзланган адабий-эстетик вазифа нимадан иборат эди? Бу саволлар шоирнинг ижод лабораториясига чуқурроқ киришни тақозо этади. Чўлпон спектаклга миллий куйларни олиб кириш орқали ўзбек халқининг мумтоз мусиқаси ва мусиқий фольклори дурдоналарини тўплаш ва сақлаб қолиш учун ҳам ҳаракат қилади. Жумладан, саҳна асарига

¹⁵³ Каримов Н.. Уч буюк сиймо. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2019, 249-бет.

ижодкор “Қаландар” куйини киргизади ва Қаландар образини олиб киради:

*Жаҳонни тўхтамай кезган
Қаландар келди бу элга,
Хаётнинг қасдини сезган
Қаландар келди бу элга.*

*Зафарнинг ҳолини билган,
Аларнинг кўнглига кирган,
Қоқининг қайдидан безган
Қаландар келди бу элга.*

*Чаённи чўлда қолдирган,
Балиқни сувга қондирган,
Илоннинг захрини эзган
Қаландар келди бу элга.*

“Ҳужум” спектакли томошабинларга жуда манзур бўлади. Ушбу спектаклга рус адиби В.Ян ҳаммуаллиф бўлишни истаган, аммо Чўлпон 1937 йилда “халқ душмани” тамғасини олгани учун барчага манзур бўлган ва ўзбек театрининг машҳур артистлари мароқ билан ўйнаган спектакль театр репертуаридан олиб ташланади.

Максим Горькийнинг “Она” романини таржима қилар экан, Чўлпон бой таассурот олади. Ижодкор “Устоднинг хислатлари” мақоласида бунни қуйидагича эътироф этади: “... Мен равшан сезаманки, улуғ устод Горький ўзининг классик ижоди билан менга, ўша ижоднинг мафтун таржимонига, ўзим сезмаганим ҳолда таъсирини ўтказиб қўйган. Бу таъсир менинг романларимда ўзимга кўруниб туради”¹⁵⁴.

Чўлпон Горькийни “улуғ устод”, “одам дўсти”, “буюк санъаткор” дея юксак баҳолайди. Юқоридаги мақолада яна шун-

¹⁵⁴ Чўлпон. Устоднинг хислатлари. /Асарлар. Тўрт жилдлик. IV жилд.– Тошкент: Академнашр, 2018, 59-бет.

дай ёзади: “Горький ҳар қандай табиат манзарасини жонлантириб, унга жон киритиб, уни кўз олдимишга шундоққина келиб тўқтайдиган қила олади. Унинг жонли рўмонлари жонли сояларини у ёқ-бу ёққа юборадилар: у тасвирлаган оловнинг алангаси ёниб турган қуруқ ҳаво эмас, у ўйнайди, ўйнаб, қимирлаб сиз-бизга ўхшаган яшаб туради.”¹⁵⁵ дейди. Маълум бўладики, Чўлпон рус адаби Максим Горький асарлари билан яқиндан танишган ва унинг ижодига юқори баҳо берган, ундан маълум маънода таъсирланган ва тажриба ўрганган. Чўлпон яна шундай ёзади: “Горький – шоир. Унинг асарларида фақат бир насрчи (рўмончи) кўрулмайдиган, ҳар ер-ҳар ердан нозик кўнгулли, гўзаллик севгучи ва табиат мафтуни бир шоир келиб чиқади”¹⁵⁶.

Чўлпон “Катта мактаб эгаси” номли мақоласида маълумот беришича, 1935 йилнинг март ойида Москвадаги ёзувчилар пленумида Горький билан кўришади. У “Она” романининг муаллифи билан учрашгани ва ушбу роман таржимасини яратганини ўзига шараф деб билади. Чўлпон “наср тилини тарашлашни” Горькийдан ўрганганини, “Она” унинг учун катта мактаб бўлганини ва ўзининг “Кеча ва кундуз” романида “буюк услубчининг” унумли таъсирини сезганини таъкидлайди¹⁵⁷.

Таъкидлаш керакки, Чўлпон ва рус адабиёти мавзусининг таҳлили қизиқарли илмий хулосаларни беради. Янги ўзбек шеърятининг тамал тошини қўяр экан, шоир ўзбек халқ оғлаки ижоди ва мумтоз адабиёти анъаналари билан бир қаторда рус шеъряти ва насри тажрибаларидан ҳам самарали фойдаланди. Бу эса, ўз навбатида, шеърятга янги ижодий услубларни, янгича образ ва оҳангларни олиб киришда ўзига хос мактаб вазифасини ўтади дейиш мумкин.

¹⁵⁵ Ўша манба, 60-бет.

¹⁵⁶ Ўша манба, 60-бет.

¹⁵⁷ Чўлпон. Катта мактаб эгаси. /Асарлар. Тўрт жилдлик. IV жилд.– Тошкент: Академнашр, 2018, 51-бет.

2. Шоир шеърятида поэтик жанр ва вазн янгиланиши тамойиллари

Ўтган аср аввалида жадид адабиёти намояндалари мумтоз адабий анъаналарни янгилаш йўлидан боргани маълум. Улар поэтик мазмун ва шаклда ҳам, поэтик образларда ҳам янгилikka интилди. Жумладан, дастлаб халқ оғзаки ижодида шаклланиб, ёзма адабиётга кўчган марсия жанрида ҳам ана шундай ўзига хосликка интилиш сезилади.

Мумтоз адабиётда марсиялар подшоҳларга, яқин қариндошларга бағишлангани маълум. Жадид шеъряти намояндалари марсиянинг мазмунида ҳам, композициясида ҳам ўзгариш қилгани кузатилади. Чўлпон марсиялари Маҳмудхўжа Беҳбудий, Исмоилбек Гаспиринский, Максим Горький, Абдулла Алавий, Мулланур Воҳидов каби ўша даврнинг машҳур адабий сиймоларига бағишлангани ҳам ушбу фикрни тасдиқлайди.

“Марсия (арабча – йиғламоқ, аза тутмоқ, ачинмоқ) – бирор кишининг вафоти муносабати билан, унинг фазилатларини эътироф этиш, вафотидан афсусланиш мазмунида ёзиладиган лирик жанр. Адабиёт тарихида шоирнинг бирор яқин кишиси, қариндоши, оила аъзоси вафоти муносабати билан ёзилган марсиялар билан бир қаторда, шоҳлар ва амалдорлар, устозлар вафотига атаб ёзилган марсиялар ҳам кўп учрайди¹⁵⁸. Рабъузийнинг “Қисаси Рабъузий” асарида Одам Атонинг ўғли Ҳобил вафотига атаб ёзган марсияси келтирилган. Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луғотит турк” асаридаги Алп Эр Тўнга марсияси ушбу жанр ёзма адабиётга халқ оғзаки ижоди орқали кириб келганини англатади.

Чўлпоннинг “Маърифатпарвар бобомиз Исмоил Гаспиринский ҳазратлари ҳақида таъзияномамиз” номли марсияси туркий халқлар жадидчилик ҳаракатининг асосчисига бағишланган. Ҳаётини туркий халқларни бирлаштириш,

¹⁵⁸ Қуронов Д. ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. – Т.: Akademnashr, 2010. – Б. 161.

дунёнинг мутараққий миллатлари даражасига юксалтиришдек муқаддас ишга бағишлаган бу улуғ маърифатпарварни, Туркистоннинг бошқа жадидлари сингари Чўлпон ҳам чуқур ҳурмат қилган. 1913 йили 15 ёшли ўспирин Абдулҳамид “Таржимон” газетасига мактуб йўллаган. Газетанинг 1913 йил 27 ноябрдаги 251-сонида Чўлпон мактуби газетада босилиши баробарида муҳаррирнинг унга жавоби ҳам чоп этилган. Гаспрали жавобидаги “биздан даҳа гўзал сўйладиги” деган сўзлар навқирон ижодкор истеъдодининг ўзига хос эътирофи ва ўз навбатида, устоз-шогирд мулоқотларининг бошланиши эди. Устознинг олтинга тенг ўғитлари, жумладан, “Адабиёт ўта ёнмаз, сува ботмаз. Локин ёндиронлари ёндирир, ботиронлари ботирир; сува дагил, чўмира, балчиқа ботирир!” – деган сўзлари ёш Чўлпоннинг ижод йўлини белгилашида дастуруламал бўлган. Шунинг учун ҳам Маҳмудхўжа Беҳбудий таъбири билан айтганда, “Русиядаги бутун турк-татар халқларини жуда оз тарихий муддатда хайр-хўшлик йўли билан яхлит бир миллий оилга бирлаштирмоққа ноил бўлган”¹⁵⁹ бу алломанинг вафоти шоир қалбида ададсиз изтироб уйғотган. Унинг ўчмас хотирасига бўлган эҳтиромини Чўлпон қуйидагича ифода этади:

*Муттакои аҳли ислом эрдингиз,
Миллатимиз йўлида жон эрдингиз.*

*Эй бизи уйғотғучи устодимиз,
Ифтихори равнақи исломимиз.*

Шоир устозини “муттакои аҳли ислом”, “бизи уйғотғучи устод”, “ифтихори равнақи ислом”, дея таърифлайди. Миллат фидойиси бўлган бу улуғ сиймонинг “эскиларни тор-мор қилган”и ҳақида ёзар экан, бу орқали мактаб-маорифни, ўқитиш тизимини мутлақ янгилагани, миллий матбуотни йўлга қўйгани, миллат ҳаётининг барча жабҳаларини ислоҳ

¹⁵⁹ Қосимов Б. Миллий уйғониш. – Тошкент: Маънавият, 2002. – Б. 162.

этишга бор билими ва салоҳиятини сафарбар этгани назарда тутилади. Лекин афсуски, ажал олтмиш беш ёшида Исмоилбек Гаспиринскийни ўз домига тортди:

*Эскиларни қилдингизким тор-мор,
Жойингиз жаннатда бўлсун барқарор.
Олтмиш бешда сиза етти ажал,
Бу ажал нўш этказубдур бемаҳал.*

Маснавий жанрида битилган ушбу марсиянинг ҳар бир байти янги тасвирий ифодалар билан бойитилгани жиҳатидан аҳамиятли. “Миллат(н)инг порлоқ чароғи”, “биз жужуқларни бобоси” сингари таърифлар туйғунинг самимийлиги ва ростлиги, улуғ сиймога бўлган эҳтиром туйғусининг кучлилиги билан алоҳида ажралиб туради:

*Миллат(н)инг порлоқ чароғи ўчти, оҳ,
Биз жужуқларни бобоси кўчти, оҳ.
Эй Ҳамидий, қил дуони доимо,
Васфинга ожиз эрурмиз оҳу оҳ¹⁶⁰.*

Марсия 1914 йил “Садои Фарғона” газетасининг 24 сентябрь сонидида “Андижон. 16 ёшлик талаба” имзоси билан эълон қилинган. Ушбу шеър орқали Абдулҳамид Чўлпоннинг дастлабки ижод намуналари “Ҳамидий” тахаллуси билан имзолангани аниқлашади.

Чўлпон Туркистон жаҳидчилик ҳаракати асосчиси, драматург, шоир ва ношир Маҳмудхўжа Беҳбудий хотирасига ҳам марсия бағишлади. Марсия шоирнинг дастлаб “Булоқлар”, сўнгра “Яна олдим созимни” тўпламларида чоп этилган. Мураббаъ жанрида ёзилган ушбу марсияда Беҳбудийнинг пок хотираси улуғланган. Шоир вафотидан таъсирланган Чўлпон унинг қабрини

¹⁶⁰ Чўлпон. Танланган асарлар. Жилд I. – Тошкент: Akademnashr, 2016. – Б. 16.

излаб, у яшаган “гул ўрнига заҳар тилар” муҳитда “оқ каллалик қора дев” билан олишмоққа ожизлигидан афсус-надоматлар чекади:

*Қўлиндаги тутам-тутам гулини
Қабринг топиб, сочмоқ учун тиришди.
Гул ўрнига заҳар тилар муҳитда
Унинг қилган бу ишлари бўш ишди.*

*Мен-да ожиз у муҳитнинг олдида
Қабринг топиб, кўз ёшимни тўкмакка
Ҳамда аччиқ ҳиддатим-ла ул ерда
Оқ каллалик қора девни сўкмакка.*

Марсияда ўзини Беҳбудийнинг издоши деб санаган, унинг пок руҳи олдидаги масъулиятни теран ҳис этган Чўлпон устозига муносиб бўлишга шай эканини алоҳида уқтиради. Бамисоли устози каби шеърят осмонида юлдуз бўлиб, ярқираб нур сочиш ҳақидаги орзуини қуйидагича талқин этади:

*Шунинг учун юлдуз каби ярқираб
Элда қолган исминг билан турамен.
Шул исмни эслаб чизган йўлингдан
Йироқ кетмай, қимирламай юрамен.*

*Азиз отам, қўлимдаги гулларнинг
Мотам гули эканини билмайсен.
Шодлик гули кўпдан бери сўлганин
Ер остида пок руҳинг-ла сезмайсен¹⁶¹.*

Юқоридаги байтни шарҳлар экан, чўлпоншунос Нормат Йўлдошев мана бундай фикрларни билдиради: “Гул – тимсол сифатида табиат ва инсон руҳиятидаги уйғунлик, илоҳий бирлик моҳиятини ташкил этса-да, юқоридаги пар-

¹⁶¹ Чўлпон.Кўрсатилган манба, 62- бет.

чаларда полифоник хусусиятидан ташқари, давр фожиаларини ёритишда муҳим восита бўлиб келган”¹⁶². Дарҳақиқат, шоир қўлидаги гулларнинг “мотам гули” экани, “шодлик гули кўпдан бери сўлған”и тасвири замирида миллатнинг тараққий боғи хазонга айланиши жараёни ифодаланганки, бундай талқин марсиядаги изтироб оҳангини кучайтиришга хизмат қилган.

Чўлпон 1913 йилдан Беҳбудий муҳаррирлик қилган “Ойна” журнаliga мақола ва хабарлар жўнатиб турган ва унинг ижодини кузатиб борган. “Падаркуш” драмаси ҳақидаги фикрларида ҳам буюк замондошига бўлган эҳтироми ифодаси кузатилади: “Падаркуш” ёзилгандин кейин ёшларимизда катта бир рағбат ҳосил бўлуб, ҳар шаҳарнинг саҳналарида ўйналди. Тошканд, Самарқанд, Хўқанд каби марказларда икки-уч мартаба ҳам ўйналди. Ишта булар миллатнинг интибоҳига (сезгирлик, ҳушёрлик) хайрли бир фолдир...”.

Чўлпон “Икки йўқотиш” мақоласида ҳам “Маҳмудхўжа отамиз садаф доналарининг имоми бўлиб кетдилар”, - дея ўқинч билан таъкидлаб ўтган. Беҳбудийнинг фожиали ўлиmidан нафақат Чўлпон, балки бутун Туркистон таъсирланган. Бу ҳақда 1920 йил Самарқандда чоп этилган “Меҳнаткашлар товуши” газетасидаги мақолада шундай дейилган: “Маҳмудхўжа Беҳбудий Туркистон деган ўлканинг бошлиғи эди. Маҳмудхўжа Туркистоннинг йўлбошчиси эди. Маҳмудхўжа ўзининг Туркистон боласи эканини тушунган бир йигит эди. Шунинг учун у бизга, Туркистонга ҳар нарса эди... Маҳмудхўжа Туркистоннинг янгилик даври тарихига ёруғ бир чароғ эди. Маҳмудхўжанинг оти Туркистон тарихига зийнатлик мумтоз ўринни олишга муносиб бир отдир”¹⁶³.

¹⁶² Йўлдошев Н. Чўлпон шеърятида пейзаж. Филология фанлари номзоди илмий даражаси учун ёзилган диссертация. - Тошкент, 1994, 45-бет.

¹⁶³ Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. - Тошкент: Ўзбекистон. - Б. 26.

Чўлпоннинг татар маърифатпарвар шоири Мулланур Воҳидов (1885-1918) вафоти муносабати билан 1918 йилда ёзган “Шарқ нури” марсияси дастлаб “Ўзбек ёш шоирлари”, сўнгра “Яна олдим созимни” каби тўпламларида чоп этилган. Жадидшунос олим Бегали Қосимовнинг ёзишича: “Заки Валидий унинг 1917-1918 йилларда сиёсий ишлар билан ҳам шуғулланганини, жумладан, Оренбургда Бошқирдистон ҳукумати раисининг котиби лавозимида ишлаганини маълум қилади. Иккинчи бир ўринда “Туркистон ҳукумат аъзоларидан Убайдулла Хўжа ва сафдошлари Мирмуҳсин, шоир Абдулҳамид Сулаймон (Чўлпон), Бухороли Абдулҳамид Ориф ўғли шу пайтларда (1918 йил ёзи кўзда тутилади) Бошқирдистонда ишладилар”, деб ёзади. Бу маълумотни Бошқирдистон ҳукумати раҳбарининг ўзи келтираётган экан, у ҳар қандай шубҳадан холидир”¹⁶⁴. Устоз олимнинг таъкидлашича, Чўлпон машҳур татар ҳурриятпарвари Мулланур Воҳидов ўлимига бағишланган шеърни ана шу кезларда ёзган.

Шеърда ўз бошли – мустақил ҳолда ер юзида бекиёс маданиятга асос солган гўзал Шарқнинг сўнг замонларда ёвлар панжасида кўзёшли ҳолга тушганидан ўқиниш туйғуси бадиий талқин этилган:

*Бир замонлар ер юзинда ўз бошли
Улуғ, шонли маданият туғдирган.
У гўзал Шарқ, ширин тупроқ сўнг замон
Бўлди четлар панжасида кўзёшли...*

Марсия бармоқ вазнида ёзилган. Шеърнинг ҳар бир мисраси 11 бўғинли бўлиб, 4-4-3 тарзида уч туроққа бўлинган. Туроқларнинг бу тарзда тақсимланиши фикрни ва унинг замиридаги дардни бор кўлами билан ифода-

¹⁶⁴ Қосимов Б. ва б. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти (Университетлар ва педагогика олий ўқув юртларининг филология факультетлари учун дарслик). – Тошкент: Маънавият, 2004, – Б. 430.

лаш имконини берган. Чўлпон маърифатпарвар Мулланур Воҳидовнинг душманларига бутун Шарқнинг душмани сифатида қараб, уларга бўлган нафратини қуйидагича ифодалайди:

*Пок сийнангга ўқ отувчи душманлар,
Ўйламаки, бир ўзингнинг душманинг;
У душманлар бутун Шарқнинг душмани,
Кўпдан ичиб келган қонларин унинг.*

Мулланур Воҳидовнинг вафоти ёш Чўлпонга қаттиқ таъсир қилган. Марсиянинг ҳар бир сатридан бу маърифатпарварга нисбатан чуқур меҳр туйғуси сезилиб туради. Шоир унинг руҳи шарқсуяр эканига алоҳида урғу беради. Шарқнинг уни суйиши сабабини ҳам шунинг билан изоҳлайди. Бу маърифат фидойиси ва Шарқ тушунчалари бир-бирига чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлайди:

*Кун ҳам Шарқдан, ой ҳам Шарқдан чиқади,
Бироқ бир сен ғарбда чиқдинг ва ботдинг;
Шунинг учун меним шарқлик руҳимда
Ажиб мудҳиш, кўркунч туйғу уйғотдинг.*

*Менинг шарқлик кўзим сенинг руҳингни
Шарқнинг ҳар бир бурчагида кўради,
Тўғри, сенинг у шарқсуяр руҳларинг
Ал-Ҳамрода, саройларда юради.*

*Шунинг учун суяр сени бутун Шарқ,
Сен Шарқмисан, Шарқ сенмидир, билофарқ¹⁶⁵.*

Чўлпон яқин дўсти ва шогирди Абдулла Алавийга атаб ҳам марсия ёзган. Абдулла Алавий ўзбек мумтоз адабиёти, адабиёт назарияси билимдони сифатида теран илмий

¹⁶⁵ Чўлпон. Кўрсатилган манба, 29 - бет.

мақолалар, шу билан бирга, янги давр руҳи сингдирилган лирик шеърлари билан ўтган асрнинг 20-йиллари ўзбек шеъриятида ўзига хос ўрин тутди. Чўлпон тилга ипакдек кўйлак кийдирган бу ижодкор асарларида она тилимиз бутун жозибаси билан намоён бўлганини ифодалар экан, унинг вафоти боис бутун бир элнинг мулойим шеваси ерга кўмилганини ҳис этиб, чуқур изтироб чекади:

*Эй улвий йўлдошим, юмшоқ тилингни
Ўлимнинг омонсиз панжаси олди.
Мен сендан айрилдим, шу ондан бошлаб
Тилимда сўз деган нарса йўқолди...*

*Дедим-ку: тилим йўқ! Бу сўзсиз тилим
Теваси йўқолган бадавий бўлди.
Менинг тилим эмас, бутун бир элнинг
Мулойим шеваси ерга кўмилди.*

Мадраса таҳсилини олган, араб, форс ва турк тилларининг билимдони бўлган Абдулла Алавий, академик Наим Каримовнинг ёзишича, 1922-1923 йилларда илм ўчоғи бўлган Ленинградга ўқишга бориб, Жонли Шарқ тиллари институтида ўзбек тилидан машғулотлар ҳам олиб борган. Ўша даврда у рус шарқшунослик илмининг В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, К.Н.Юдахин сингари машҳур намояндалари билан танишади¹⁶⁶.

Шир шеврларида устозининг назмий асарларидаги каби изтироб эмас, аксар некбинлик кузатилса-да, чўлпонона руҳ, туйғуларнинг чўлпонона тўфони яққол бўй кўрсатиб туради. Шеърларида замон руҳи бетакрор бадият билан ифодаланган Абдулла Алавийни Чўлпон “тилга ипакдек кўйлак кийгизган шоир” сифатида таърифлайди:

¹⁶⁶ Қаранг: Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: Ўзбекистон. – Б. 26.

*Сен тилга ипакдек кўйлак кийгиздинг,
Йўқ, дўстим, у кўйлак битмасдан қолди.
Мен сендан айрилдим, шу ондан бошлаб
Айрилиқ тилимга калолат солди*¹⁶⁷.

Абдулла Алавийнинг онаси Ҳабибахоним ҳам ўғлининг эрта вафотидан қайғуга ботиб, ғазал-марсия битган. Чўлпон худди шу ғазалга тахмис боғлаб, ўн бир бандли мухаммас ёзади. Мухаммасда ғаддор фалакнинг жабру жафоси туга-маслиги, ўлим чангалидан ҳеч ким қочиб қутула олмаслиги-ни қуйидагича изоҳлайди:

*Бир кун сўлиши бўлмаса, ҳеч бир гул очилмас,
Ҳар ёнда ўлим чангали бордурки, қочилмас,
Ҳеч кимга ҳаёт паттаси мангуга сотилмас,
Кўнгил тилаган нарса бу-дунёда топилмас,
Ғаддора фалакнинг тугамас жабру жафоси.*

Мухаммас-марсия мазмунидан Абдулла Алавий вафоти Чўлпон руҳиятига қанчалар кучли таъсир кўрсатгани аён бўлади. “Туфроғи анинг сурма-ю, қабри ватанимдур, Ўлсам-да қовушсам – менга шул биргина тадбир” деган сўзлари бунинг исботидир. Негаки, шоир таъбирича: “Чўлпон қошида ой эди ҳам кун эди ул бир”. Чўлпоннинг дарду алам-га йўғрилган бу мисралари жигарбандидан айрилган онаи-зор Ҳабибахонимнинг кўнгил ноласига чуқур мантиқ, қуюқ руҳий тасвир орқали боғланиб кетган:

*Туфроғи анинг сурма-ю, қабри ватанимдир,
Ўлсам-да қовушсам – менга шул биргина тадбир,
Чўлпон қошида ой эди ҳам кун эди ул бир,
Шўрлик она ҳар қанча қуйиб йиғласа арзир,
Кетти бу жаҳондин жаҳон аҳлининг сароси*¹⁶⁸.

¹⁶⁷ Чўлпон. Кўрсатилган манба, 278 - бет.

¹⁶⁸ Чўлпон. Кўрсатилган манба, 281 - бет.

Чўлпон рус ёзувчиси Максим Горький вафоти муносабати билан ҳам марсия ёзган. Маълумки, бу икки ижодкор шахсан кўришган. “Она” романини ўзбек тилига таржима қилган Чўлпон “Катта мактаб эгаси”, “Устоднинг хислатлари” сингари мақолаларида Горький билан ўзаро мулоқотлари, ёзувчи ижодидан таъсирлангани ҳақида қимматли маълумотларни беради. Наср тилини “тарашлаш”ни (Чўлпон таъбири) улур рус адибидан ўргангани, “Она” романи таржимаси ўзи учун маҳорат мактаби бўлганини алоҳида таъкидлайди. Ёзувчига “буюк устоз” дея мурожаат этиши сабаби шунда. Максим Горькийга бўлган ҳурмати Чўлпон марсияда қуйидагича изҳор этади:

Яхши бор, бизни етим қўйган буюк устозимиз!

Яхши борким, сендан олгай руҳини ижодимиз.

Сен ўзинг кўрдинги, турмуш чиркидан топдик нажот,

Энди биз эркин Ватан, юксак Ватан авлодимиз.

“Устоднинг хислатлари” мақоласида Чўлпон мана бундай ёзган эди: “Мен уни – (“Она” романини – Ш.Ҳ.) – анча узоқ муддат ичида таржима қилдим. Чунки севардим, севганим учун бутун кўнглимни шунга қўяр ва шунга қуярдим. Асар ўзи одамни жуда қизиқтиради, шунингдайки, таржима қила туриб ўзим асарнинг мафҳумига (маъносига) берилиб кетаман-да, таржимани унутиб, асарни ўқуб кетаман”¹⁶⁹.

Маълум бўладики, марсияларда нафақат шоирнинг маълум бир ижодкорлар билан ўзаро муносабати ёки ижодий таъсир масалалари, балки асарлари биографияси ҳам акс этган. Чўлпоннинг “Она” романи таржимаси билан боғлиқ фикрлари бунинг исботидир. Бадиий таржима, ўз навбатида, шоирнинг рус адабиёти тажрибаларини ўрганишида муҳим ўрин тутган, ижодий камолотига хизмат қилган. Горькийга бағишланган марсия ана шундай биографик ва адабий-эстетик омиллар таъсирида яратилган, дейиш мумкин.

¹⁶⁹ Чўлпон, Асарлар. 4 жилд, 59-бет.

“Улуғ йўловчига” номли марсияда “А.М. руҳига” деган қайд учрайди. Айнан кимга бағишлангани аниқ бўлмаса-да, “Дунёга ишлар учунгина келганман” деган сўзлар марсия қаҳрамонига тегишли экани эътиборга олинса, у Чўлпоннинг заҳматкаш, фидойи замондошларидан бири экани ойдинлашади.

*Боғчаларда гуллар сўлди, сезмадим,
Ўстирганлар етим бўлди, сезмадим,
Кўнгилларга қора тўлди, сезмадим,
Сездим сенинг кетганингни кўнгилдан...*

Ҳар бир сатридан ҳасрат ва изтироб силқиб туриши, мотам руҳининг устуворлиги марсия бағишланган шахс Чўлпоннинг яқин кишиларидан бўлганини кўрсатади. Шеър бошдан охир рамзий талқин асосига қурилган. Боғчаларда гуллар сўлишини Туркистоннинг тараққиёт гулшани ҳазонга дўниши, уларни ўстирганлар етим бўлишини Ватаннинг фидойи фарзандлари қатағон гирдобига тортилиши, кўнгилларга қора тўлишини маърифатпарвар фарзандларидан айрилган миллатнинг мотам тутиши тарзида тушуниш мумкин. Чўлпон шеъриятида ҳар доим поэтик рамзларнинг қуюқ бўлгани, қолаверса, марсия ёзилган 1921 йилда цензура таъсирида шеъриятда фикрнинг тобора тағматнга яширила боргани ҳам буни тасдиқлайди.

Марсиянинг давомида ҳам изтиробга тўла руҳият тасвири кузатилади. Шеър қаҳрамонининг кети йўқ йироқ йўлга кетгани, бу йўлнинг бошланиши қуруқ ва кенг бир бўшлиқ, тугалиши яна чексиз бир йўқлик экани, ундан қайтмоқ йўқлиги ифодалангани бунинг исботидир.

*Кетдинг, бироқ изларингдан кўз қолди,
Тилларингдан айтилмаган сўз қолди,
Ўқсиз бўлиб ётлар эмас, “ўз” қолди,
Чуқур маъно истаб эски сўзингдан.*

Чўлпоннинг 1921 йилда атоқли адабиётшунос Иззат Султоннинг акаси Раҳматулла Султонов хотирасига бағишлаб ёзган “Кеттинг” сарлавҳали марсияси унинг “Булоқлар”, кейинчалик “Яна олдим созимни” тўпламларида учрайди. Дўстининг вафотидан қаттиқ таъсирланган Чўлпон унинг йўқлик денгизи сари кетишига ҳали жуда эрта эканини таъкидлаб, йўлдошидан айрилгани учун афсус-надомат чекади:

*Йўлдошим, зим-зиё бўлдинг-да, кеттинг,
Бор эдинг, йўқолдинг, ўлдинг-да, кеттинг,
Гул эдинг, очилмай сўлдинг-да, кеттинг,
Йўқлик денгизига тўлдинг-да, кеттинг.*

Чўлпоннинг “Балжувон” сарлавҳали марсияси бу жанрдаги шеърлари орасида алоҳида ажралиб туради. Ушбу марсия 1922 йил августида Туркистондаги шўроларга қарши озодлик ҳаракатида иштирок этган турк саркардаларидан Анвар пошонинг мазкур сананинг тўртинчисида Балжувонда қаҳрамонларча ҳалок бўлиши муносабати билан ёзилган. Жумладан, шоир марсия қаҳрамонини қуйидагича васф этади:

*Дарёлар, тўлқинлар титраткан, бир эр
Зарбалар қаҳридан йиқилмиш-қолмиш.
Қутқариш юлдузи йўқликка кирмиш,
Сенинг сўнг жонингни ёвларинг олмиш.*

Ушбу марсияни таҳлил қилган адабиётшунос Иброҳим Ҳаққулов фикрича: “Ўзбек шеърияти тарихида “Балжувон”га ўхшаган ёки унга яқин келадиган иккинчи шеър йўқдир”¹⁷⁰. Дарҳақиқат, марсия бадиият жиҳатидан ҳам, ифодаланган мазмуннинг теранлиги нуқтаи назаридан ҳам юксак савияда. “Қутқариш юлдузи йўқликка кирмиш” сатри Чўлпон

¹⁷⁰ Ҳаққулов И. “Қутулиш юлдузи” йўқликка кирмас... / Ҳаёт, адабиёт ва абадиёт. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б.60.

кўнглидаги чўнг изтиробни ифодалагани билан, айниқса, ажралиб туради. Чунки юлдуз одатда йўлни йўқотганга йўл кўрсатади. Унинг йўқликка кириши эса фожианинг нечоғлиқ чуқур эканидан дарак беради. Мана сатрлардаги муаллиф кечинмалари талқини ҳам бунинг исботидир:

*Шаҳидлар юзига томгувчи нурлар,
Қонлар йиғлатди-ку бизни бу хабар.*

Чўлпоннинг Анвар пошoga бўлган меҳри уни шаҳид мақомида тасвирлашидан, унинг ўлими қонлар йиғлатганига доир фикрларидан ҳам аён бўлади. Бу ҳол шоир қалбидаги тўфонларнинг ўзи яшаётган тузум тутумларига мутлақо зид бўлгани натижасидир. Адабиётшунос Нафас Шодмонов таъкидлаганидек: “Дунёдаги жуда кўп ҳодисалар қатори адабиёт ва адабиётшунослик учун ҳам моҳият инсон қалбидир. Қалб эса ҳамиша хурлик, гўзаллик, салобат ва улуғворлик истайди”¹⁷¹.

Марсия бағишланган сиймолар Гаспдали, Беҳбудий ва Горький Чўлпоннинг устозлари, Мулланур Воҳидов, Раҳматулла Султонов ва А.М. тахаллусли киши маслакдош дўстлари, Абдулла Алавий яқин шогирди эди. Улар шоир ҳаётида, қалбида ёрқин из қолдирган сиймолар бўлган. Демак, марсия шунчаки айрилиқ аламларини, дарду изтиробни ифодалабгина қолмайди. Бу жанр шоир яшаган ижтимоий муҳитни чуқурроқ англаш имконини беради. Ижодкорнинг адабий давраси, замондош шоиру адиблар билан ўзаро муносабатлари доирасини аниқлашга ёрдам беради. Шоир ижодий биографияси, маънавий-руҳий олами ҳақидаги мавжуд тасаввурни бойитади. Чўлпон марсияларини ўрганиш ана шундай аҳамиятли хулосаларга олиб келади.

¹⁷¹ Шодмонов Н. Мустаҳкам сабот соҳиби. / Илм ва ҳаёт йўлларида. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б.120

Шеърӣ Шакллардаги янгиланиш ҳақида сўз кетар экан, Чўлпон мансураларини тилга олмаслик мумкин эмас. Чўлпоннинг “Баҳор авваллари” мансураси “Садои Туркистон” газетасининг 1914 йил 20 март сонидида босилгани эътиборга олинса, профессор Бегали Қосимовнинг сочма шеър ҳақида: “Бундай тажриба адабиётимизда илк бор Ҳамза томонидан қилингани маълум”¹⁷² деган фикри баҳсталаб экани аён бўлади. Негаки, олимнинг ўз эътирофича, Ҳамза “Садойи Туркистон” газетасининг 1914 йил 18 июл сонидида (Чўлпондан тўрт ой кейин – Ш.Ҳ.) босилган бир шеърига “Шеъри мансур” (насрий шеър) от қўйган эди”¹⁷³.

“Баҳор авваллари” мансураси: “Қоронғу қиш қора кун, қора тунларни устимиздан кўтариб чиқиб кетди. Чиройлик ёруғли, иссиқ офтоб (шоирларча айтганда) нозлик қиздай кулиб турадир. Қишнинг зулминдан қочиб узоқ ерларга кетган қушлар энди келиб, яна устимизда учуб ва қанотларни қоқушуб юрмоққа бошлади”¹⁷⁴, тарзидаги тасвир билан бошланади. Мансура жаҳидона руҳда битилган. Унда тасвир табиатдаги уйғониш тасвири билан бошланиб, жамиятни – миллатни уйғонишга даъват этиш билан якунланади. Қушларнинг болалари учун уялар солаётгани, оғизларига чўплар топиб, дарахт устларига ташиётгани, ширин овозлари қулоқларга кириб, одамлар руҳига таъсир қила бошлагани ҳақида ёзар экан, Чўлпон қишда қоп-қора меҳмонхоналарнинг ўртасига гуруллатиб ўт ёқиб, вақтини ҳар хил беҳуда гаплар билан ўтказган деҳқон тоға ва акалар эрта туриб, елкага кетмонни солиб, бир қўлга қумғон, чой олиб, йўл бўйи ашула қилиб, далага кетишидан сўз очади.

¹⁷² Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002, 367-бет.

¹⁷³ Ўша манбада

¹⁷⁴ Чўлпон. Баҳор авваллари. /Асарлар. Тўрт жилдлик. I жилд.– Тошкент: Академнашр, 2018, 12-бет.

Мансура услубида киноя руҳи ҳам сезилиб туради. “Қишда зинталик меҳмонхоналарда қалин кўрпачалар устида, катта ўчоқлар олдида чиройлик-чиройлик болаларга каклигу кабобларни қилдируб, ўзларининг кўнгиллари тортган дўстларини чақириб, ҳалиги ширин кабоблардан ейуб, қиш ичи семириб чиққан бойларимиз ҳа ёздаги сурукга пул истаб банкға қараб югурадилар”, деган сўзлари бу фикрни тасдиқлайди. Дарслардан зериккан мактабдаги ўқувчилар, баҳорги таътилда “саёҳат плонини тайёрлаб турган” муаллимлар, қишда тушган тўн, чойларни ҳисоблаб, самоварларга йиғилаётган мударрислар ҳақидаги фикрлар ҳамда «*Миллат ғами ғам қарз, ғами эсга тушарми?*» – сингари сатрлар мансура муаллифининг ижодий нияти аслида нима эканини очиқ англатади.

Мансурада ҳар бир тоифа ҳақида сўз юритилгандан сўнг шеърий парчалар келтирилади. Шеърий парчалар муаллиф фикрини изоҳлаш, асослаш, таъсир кучини ошириш мақсадларига хизмат қилган. Мансура охирида келтирилган шеър ғафлат учун танбех, огоҳликка даъват руҳини ифода этгани жиҳатидан алоҳида аҳамиятга эга:

*Ичинг чой, ўтиринг беҳуда ғийбат сотиб, эй халқ,
Келур қиш бир вақт, қолмас сизга бу давру давронлар.*

Чўлпоннинг яна бир мансураси “Шулай битамиз” сарлавҳаси билан эълон қилинган. Шоир асарлари тўрт жилдлигининг биринчи жилдида мансурага нашрга тайёрловчи академик Наим Каримов томонидан қуйидагича изоҳ берилган: “1917 йил охирларида Чўлпон Заки Валидийнинг таклифи билан Бошқирдистон Мухторият ҳукуматини ўрнатиш мақсадида Оренбургга борган. Сочма (мансура) шаклида ёзилган ушбу хат шоирнинг шу кунлардаги умр йўлдоши Моҳирўйга бағишланган. Моҳирўй татар қизи

бўлганлиги сабабли, Чўлпонинг бу мансура-хатида татар тилига хос унсурлар устуворлик қилади”¹⁷⁵.

Мансурада отач – хўрозларни “Худойнинг сўфи махлуқлари” деб атаган Чўлпон уларнинг тонги қичқириқларини қуйидагича изоҳлайди: “Эй бандалар, туриб Худойингизга ибодат қилингиз, шундай бир вақтда, яқтилик (ёруғлик) қоронғуликқа ғолиб келган вақтда, сиз нега уялмийча юқлайсиз? Бу тонг сизга тилаган нарсангизни бера: шоирга шеър, ошиққа ишқ ва унинг сўйганини; музикантга мунгли куйлар илҳом эта...”¹⁷⁶.

Мансура-мактуб гарчи шоирнинг умр йўлдошига битилган бўлса-да, унда муаллиф эркини чеклаган “қора муҳит, тор турмуш” ҳақидаги фикрлар ҳам ёритиладики, бу ҳол Чўлпон руҳиятини англашда асарнинг қиммати катта эканидан дарак беради. Шоир шундай ёзади: “Сен айтарсан: “Нега алай бўлғач келмадинг?” – деб. Менинг қора муҳитда, тор турмушда эзилувимни ўзинг бик гўзал биласан. Шунга кўра энди ул сўзни-да айтолалмассинг... Хўш, суюқлим, мен ёзувдан тўқталам, битди кучим, мен ёзолмим, қўлларим дирр–дирр қолтирий. Душманим ким? Мен билолмим. Мен олам кимдин ўчим? Умид йироқ бик, қачон етабиз? Бизга бир йўл тик, шулай битамиз!”

Мансуралар таҳлилидан шоир туйғулари кўпириб-тошиб, шеърга сиғмай қолгандагина мансурага мурожаат этган, деган тўхтамга келиш мумкин. Чўлпон мансуралари, биринчидан, ўқувчини шоир биографиясининг адабиётшуносликда шу пайтгача тадқиқ этилмаган қирралари билан таништиради, иккинчидан, миллий шеърятдаги янгича шаклий изланишларнинг натижаси экани жиҳатидан ҳам муайян адабий-эстетик қимматга эга.

¹⁷⁵ Каримов Н. Изоҳлар. /Асарлар. Тўрт жилдлик. I жилд.– Тошкент: Академнашр, 2018, 332-бет.

¹⁷⁶ Чўлпон. Шулай битамиз. /Асарлар. Тўрт жилдлик. I жилд.– Тошкент: Академнашр, 2018, 24-бет.

Чўлпон миллий шеъриятимизга анъанавий аруз вазни-ни янгилаган, халқона бармоқни жорий қилган новатор шоир сифатида кирди. Бунинг учун у, аввало, миллий вазн – бармоқни танлаб, унда ёзди. Бу ҳақда Абдурауф Фитрат 1936 йилда ёзган “Аруз ҳақида” рисоласида: “Бармоқ (ҳижо) вазнида шеърни бошлаб Чўлпон ёздими, мен ёздимми – эсимда йўқ”,¹⁷⁷ – дейди.

Жумладан, “Куз гулига” шеъри бармоқ вазнида ёзилган. Шеърнинг туроғи ҳам ўзига хос: дастлабки икки сатрда 2+2, кейинги икки мисра 1+2, сўнг 2+2, 3+4 тарзида келади. Бу ҳол, ўз навбатида, оҳанг ва мазмуннинг таъсирчанлигини таъминлаган:

*Ранги ўчган,
Умри кечган
Куз гули,
Бир йўли
Пастрак эгил,
Менга бир ўпич бергил!*

Шеърдан мақсад табиат тасвирининг ўзигина бўлмагани аён. Чўлпондай шоир ўз руҳий кечинмаларини, дарду изтиробларини, миллатнинг истиқболи, истиқлоли билан боғлиқ орзу-ўйларини ифодаламай шеър ёзмаслиги тайин. Шеър тағматнида ўша даврдаги оғир ижтимоий аҳвол бадий талқин этилган. Куз, бу ўринда Ватан ва миллатнинг тараққиёт фасли ўтиб, таназзул палласи бошланганига ишора. “Энди куз келди, Қаддинг эгилди. Рангинг сўлмоқда, Ёшлар тўлмоқда. Ғамли кўзингга, Сўлғин юзингга Кимса қарамай, “Узайин” – демай... Ўтиб кетмақда! Куз етилмақда” каби мисралар замирига ана шу мазмун сингдирилган. Кейинги икки сатрда бу фикр янада таъсирчан ифодаланган:

¹⁷⁷ Фитрат А. Аруз ҳақида. / Танланган асарлар. Ж.V. – Тошкент: Маънавият, 2010, 227- бет.

Қишдан чопар бор,
Ёмон хабар бор!..

Бироқ шоир бутунлай умидсиз эмас. Таназзулдан дарак берувчи куз ва қишдан сўнг кўкламга – тараққийга эришмоқ орзуси уни тарк этмаган. Шеърнинг якунловчи мисралари шундай хулоса чиқаришга асос беради:

Энди ноз қилма,
Нозланиб кулма!
Кел, лабимга кел,
Бир озроқ эгил,
Бир яйраб ўпай!
Шунга эсириб,
Рухингга кириб
Кўкламга етай!.

Шеърда тuroқ ўзгариб туради. Сўнгги сатрлар 3+2 ша-клини олгани шундан дарак беради. Фикрнинг таъсир кучи-ни ошира борган бу ҳол Чўлпоннинг, биринчидан, халқона оҳанглардан маҳорат билан фойдаланиши натижаси бўлса, иккинчидан, Шарқу Ғарб шеъриятини пухта ўрганиши, янги-ликка, ижодий тажрибаларга майлнинг кучли бўлгани би-лан белгиланади.

Чўлпон шеъриятида поэтик шакл янгиланиши поэтик рамз ва тимсоллар тасвирининг ўзига хослигида, айниқса, яққолроқ намоён бўлади. Шоир лирикасида хаёл рамзи контраст тасвирда намоён бўлади. Баъзан бу рамз озод фикрни, шоирнинг эркинлик ҳақидаги идеалларини, ай-рим шеърларида реалликка айланмай, сароб бўлиб чиққан ўйлари-ю армонга дўнган орзуларини ифодалаб келган. Хаёл рамзи орқали Чўлпон шеърларида миллий истиқлол, озод ва ёрқин истиқбол ҳақидаги орзу-армонларини ҳам бетакрор бадий талқин этди.

Таржимонлик заҳмати Чўлпоннинг ижодий тажрибаси, бадиий маҳорати ўсишида беқиёс мактаб вази-фасини ўтади. Максим Горькийнинг “Она” романи ва “Егор Буличев” пьесасини, Пушкиннинг “Дубровский” ва “Борис Годунов” асарларидан ташқари 25 та шеърини, Лоҳутийнинг “Европа сафари”ни, В.Ян (Янчевский)нинг “Хужум” номли пьесасини, Александр Блокнинг шеърларидан намуналарни, И.А.Криловнинг “Бўри билан қўзичоқ” масалини таржима қилди. Натижада шоир тафаккурида Шарқ адабиёти анъаналарини ўзга халқлар бадиий-эстетик тажрибалари билан бойитиш учун пухта замин тайёрланди.

Чўлпон жаҳон адабиётининг У.Шекспир, Н.В.Гоголь, И.С.Тургенов, И.Франко, А.П.Чехов, Л.Андреев, А.Серафимович, Р.Тўкур, А.Лоҳутий сингари намоняндалари асарларидан ҳам таржималар қилган. Чўлпон ижодининг янгича пағонага кўтарилишида бу таржималарнинг таъсири катта бўлгани шубҳасиз.

Чўлпон анъанавий поэтик жанрлар борасида ҳам янги-ланиш қилган шоир. У мумтоз шеърятга хос ғазал, туюқ сингари жанрларга янгича мазмун бағишлади. Шоир марсиялари унинг шахсий ва ижодий биографи-яси тўғрисидаги тасаввурларни бойитиши баробарида ижодкорнинг адабий давраси, бадиий-эстетик идеали ҳақидаги мавжуд тасаввурларни бойитиши жиҳатидан ҳам қимматлидир.

Ижодкор мансураларининг таҳлили миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида сочма шеърнинг дастлабки намуналарини Чўлпон яратгани ҳақидаги илмий хулосага олиб келади. Чўлпон мансуралари унинг Ватан ва миллат озодлиги ҳақидаги орзу-ўйларини, миллатни асрий жаҳолатдан уйғотишга бўлган интилишларини ифода этгани жиҳатидан айрича аҳамиятга эга.

Чўлпон миллий шеъриятимизга анъанавий аруз вазнини янгилаган, халқона бармоқни жорий қилган новатор шоир

сифатида кўрди. Унинг бармоқда ёзган шеърлари фақат халқона оҳанги билангина эмас, поэтик образ ва поэтик шакл янгилигини ўзида мужассам этгани жиҳатидан ҳам янги замон шеъриятига асос-замин бўлганини таъкидлаш зарур.

ХУЛОСА

Чўлпон шеъриятида ғазал, қитъа, марсия, шеърӣ мактуб сингари поэтик жанрлар гарчи мумтоз адабиётдаги бадий шаклни сақлаб қолган бўлса-да, янгича мазмун-моҳиятни ифода этгани билан алоҳида ажралиб туради. Мумтоз ғазалиётда асосан ирфоний ишқ мавзуи етакчилик қилса, Чўлпон ғазалларида Ватан ва миллатга муҳаббат, унинг бошига тушган истибдод исканжасидан халос бўлиш орзуси, бунга эришиш имконсиз эканидан ўкинч ва изтироб туйғуси бадий талқин этилган. Марсиялар бағишланган сиймолар ҳам асосан Исмоилбек Гаспрали, Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Алавий каби миллатпарвар сиймолар экани бу жанрдан шоир кўзла тутган ижодий мақсад ҳақида аниқ тасавур беради.

Шоирнинг қитъа жанрига оид шеърларида Алишер Навоӣ анъаналари муносиб давом эттирилиши баробарида муайян ўзгартиришлар ҳам учрайди. Навоӣ қитъаси мукамал поэтик тузилмага эга. Чўлпон қитъалари архитекtonикаси ҳақида бундай хулосани қатъий айтиб бўлмайди. Ҳар икки шоир қитъаларининг муштарак жиҳати, уларнинг ҳар бирида бир неча маъно қатлами мавжуд. Ҳазрат Навоӣ қитъаларида зоҳиран – дунё гўзали, ботинан – Ҳақ таоло ишқи бадий талқин этилган, Чўлпон қитъаларида ҳам зоҳиран дунё гўзали назарда тутилган. Бироқ ботинда эрк ва озодликка муҳаббатнинг поэтик ифодаси етакчилик қилади.

Чўлпон шеъриятида мумтоз аруз ўрнини босқичма-босқич бармоқ вазни эгаллай боргани кузатилади. Бунинг сабаби, биринчидан, Ватан ва миллат ҳаётининг барча жабҳаларини асоратига олган мустамлака сиёсати боис она халқи юрагидаги адасиз дарду изтиробни шоир халқона

вазн – бармоқда ифодалашга урингани, иккинчидан, ижодкор жадидона ғояларни арузни теран билувчи хосларнинггина эмас, бутун омманинг онгу шуурига етиб боришини истагани билан изоҳланади.

Янги ўзбек шеъриятига асос солганлардан бири Абдулҳамид Чўлпон экани яқдил эътироф этилади. Асрий анъаналарга эга шеъриятни янги замон талабларига кўра янгилашда шоир уч адабий-эстетик омилга таянгани кузатилади: улардан биринчиси, халқ оғзаки ижодига хос содда, шунинг баробарида теран ифода усули; иккинчиси, мумтоз шеъриятимизнинг бой тажрибаси; учинчиси, рус ва ғарб адабиётига хос поэтик услуб ва тамойиллар. Ана шу уч бадиий сарчашмадан илҳом, билим ва ижодий тажриба олган Чўлпон миллий шеъриятимизда ўзига хос янгиланишни бошлаб берди.

Чўлпон шеърларида халқ дардини теран ва таъсирчан ифодалашда фольклор анъаналаридан маҳорат билан фойдаланди. Фольклоризмлар шоир учун наинки шеърий вазн ва поэтик шаклни янгилаш воситаси вазифасини ўтаган. Балки шоирга XX аср бошлари Туркистондаги мураккаб ва зиддиятли ижтимоий-сиёсий воқеликни, миллат бошига тушган истибдод зулматининг даҳшатларини, ватанпарвар сифатида ўз орзу-армонларини фольклор асарларига хос усуллар ва услубларда бадиий талқин этиш имконини берган. Чўлпон халқона олқиш ва қарғишлардан, жин, алвасти, дев, шайтон сингари мифологик образлар стилизациясидан, жаннат, ризвон, ҳур, пари, кавсар каби диний-мифологик образлар ва макон тимсолларидан, бойқуш, булбул рамзий образларидан фойдаланиб, Ватан ва миллат бошига тушган ададсиз кулфатни, жаннатмонанд ўлканинг мустамлакачилар томонидан вайронага айлантирилиши билан боғлиқ фоже ҳолатларни халқнинг онгу шуурига таъсирчан шаклда етказди. Миллат қалбига озодликка бўлган умид ва ишонч ниҳолларини экди.

Чўлпон буюк салафлари Алишер Навоий, Увайсий,

Оғаҳий ва Фурқат назмий анъаналарини муносиб давом эттириш баробарида янги шакл ва мазмун билан бойитди. Бу ҳол, биринчи навбатда, шоир шеърятида мумтоз жанр ва вазнининг янгиланишида намоён бўлган бўлса, иккинчидан, поэтик образлар янгиланишида кузатилди. Анъанавий, гул, булбул, тикан образлари мумтоз шеърятда ошиқ, маъшуқа ва рақиб триадасини ифодалаган бўлса, Чўлпон лирикасида улар истибдод исканжасидаги миллат, унинг дардига малҳам қўймоқ истаган ватанпарвар ва халқ бошига ададсиз кулфатларни ёғдираётган мустабид тузум учлиги тарзида бадиий талқин этилди.

Миллий шеърятни поэтик шакл ва поэтик мазмун жиҳатдан янгилашда Чўлпон таянган яна бир бадиий-эстетик омил – ғарб ва Шарқ адабий тажрибаларидир. Янги замон ғарб ва Шарқ адабиёти таъсири Чўлпон шеърятида икки хил шаклда намоён бўлади. Биринчидан, шоир Александр Пушкин, Максим Горький, Александр Блок, Ҳенрих Ҳейне, Уильям Шекспир сингари рус ва ғарб ижодкорлари, Абулқосим Фирдавсий, Робиндранат Тҳокур, Лу Цзин-Ван, Вей Ин-Ю, Муҳаммад Фузулий, Ҳусайн Жовид каби Шарқ шоиру адиблари асарларини ўзбек тилига маҳорат билан таржима қилди ва бу жараён унинг учун ўзига хос ижодий юксалиш мактаби вазифасини ўтади. Иккинчидан, Чўлпон Шарқ ва ғарб ижодкорлари асарларини ўрганар экан, уларга хос поэтик усуллар, бадиий тасвир воситаларини миллий шеърятимизга олиб кирди. Бу эса, ўз навбатида, шеърятни янгилашда шоирга теран билим, бой тажриба, катта куч ва илҳом берди.

Чўлпон поэтик тафаккурининг янгиланишида у мансуб ижтимоий-адабий муҳитнинг ҳам таъсири катта бўлган. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, бир томонда замонавий техника-технологиялардан фойдаланиб, тараққиётнинг юксак поғоналарига кўтарилган ғарб, иккинчи томонда жаҳолат доис замондан орқада қолган, истибдод исканжасига маҳкум она ватани Туркистон – Чўлпон онги ва

руҳига қаттиқ таъсир қилди. Ватан ва миллатни мутараққий халқлар қаторида кўриш орзуси, унинг оғир аҳволидан изтироб туйғуси миллатни уйғотмоқ учун янги йўл қидиришга ундади. Бу - ижтимоий муҳит. Бундан ташқари, Чўлпонда адабиётни янгилашга интилиш туйғусини пайдо қилишда адабий муҳитнинг ҳам ўрни катта бўлди. Замондошлари Фитратнинг замон руҳини ифодалаган шеърлари ва мансуралари, “Шеър ва шоирлик”, “Адабиёт қоидалари”, “Аруз ҳақида” сингари адабиёт назариясига доир тадқиқотлари, Ҳамза ва Авлонийнинг миллий ашулалар учун миллий шеърлари, Ҳамзанинг бугунги кунда ҳам жаҳон драмачилиги талабларига жавоб бера оладиган драматик асарлари, Абдулла Қодирийнинг бадиий насрдаги ижодий кашфиётлари Чўлпонга руҳ бағишлади.

Чўлпон ижодда индивидуалликка интилди ва адабиётимиз тарихига янги замон шеъриятининг тамал тошини қўйган ижодкор сифатида кирди. Чўлпон – ёниқ истеъдод соҳиби. Мумтоз шеъриятдаги бир хиллик ҳақида гапирар экан, шоир буюк салафларини камситиш ёки улар анъанасидан бутунлай воз кечиш маъносида эмас, бу анъанани бойитиш, янгилаш заруратидан келиб чиқиб айтган. Миллий шеъриятни нафақат мазмун ва шакл, балки ижодий руҳ жиҳатидан ҳам янгилаша эриша олгани ҳам чўлпонона ижодий индивидуаллик маҳсулидир.

Фойдаланилган Адабиётлар Рўйхати

I. Сиёсий адабиётлар

1. Каримов И.А. Адабиётга эътибор, маънавиятга, келажакка эътибор. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – 40 б.
2. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ / Миллий тикланиш. – Тошкент, 1998, 18 август.
3. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – 176 б.
4. Mirziyoyev Sh.M. Buyuk kelajagimizni mard va olijanob xalqimiz bilan birga quramiz. – Toshkent: O'zbekiston, 2017. – 485 б.

II. Адабий манбалар

5. Фурқат. Муҳаббат йўлида. Шеърлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2009. – 303 б.
6. Чўлпон. Асарлар. Уч жилдлик. Жилд I. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1994. – 448 б.
7. Чўлпон. Асарлар. Тўрт жилдлик. Жилд I. – Тошкент: Академнашр, 2016. – 368 б.
8. Чўлпон. Асарлар. 4 жилдлик, 4-жилд. – Тошкент: Академнашр, 2016. – 315 б.
9. Чўлпон. Баҳорни соғиндим. – Тошкент: Юлдузча, 1989. – 64 б.
10. Чўлпон. Гўзал Туркистон. – Тошкент: Маънавият, 1997. – 128 б.
11. Чўлпон. Яна олдим созимни. Кеча ва кундуз. Ёрқиной. Шеърлар. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991. – 573 б.

III. Ўзбек тилидаги илмий адабиётлар

12. Амонов У.С. XX аср бошларида ўзбек фольклорининг ўрганилиши тарихи (Абдурауф Фитрат, Ғози Олим Юнусов ва Элбек фаолияти мисолида). – Тошкент, 2018. – 53 б.

13. Афоқова Н. Жадид шеърятти поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2005. – 140 б.
14. Афоқова Н. Жадид ғазалиёти. – Тошкент: Фан, 2005. – 30 б.
15. Афоқова Н. Жадид лирикасида мусаммат. – Тошкент: Фан, 2005. – 24 б.
16. Афоқова Н. XX аср ўзбек адабиётида рубоий ва қиъа. – Тошкент: Фан, 2005. – 28 б.
17. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. – Тошкент: Маънавият, 2001. – 150 б.
18. Бобур З.М. Бобурнома. – Тошкент: Юлдузча, 1990. – 280 б.
19. Болтабоев Ҳ. Фитрат ва жадидчилик. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2007. – 286 б.
20. Болтабоев Ҳ. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. Биринчи китоб. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. – 426 б.
21. Долимов У. Миллий уйғониш педагогикаси. – Тошкент: NOSHIR, 2012. – 384 б.
22. Ёқубов Ҳ. Чўлпон ва Навоий. – Тошкент: Шарқ, 1997. – 48 б.
23. Жабборов Н. Адабиёт ва миллий маънавият. – Тошкент: Маънавият, 2015. – 132 б.
24. Жабборов Н. Замон. Мезон. Шеърят. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 304 б.
25. Жабборов Н. Маърифат надир. – Тошкент: Маънавият, 2010. – 112 б.
26. Жадидчилик ва миллий истиқлол тантанаси. Илмий мақолалар тўплами. – Тошкент, 2002. – 224 б.
27. Жалолов Ғ. Ҳамза драматургияси ва фольклор. – Тошкент: Фан, 1988. – 220 б.
28. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Тошкент: Фан, 2001. – 136 б.
29. Жўрақулов У. Худудсиз жилва. – Тошкент: Фан, 2006. – 203 б.

30. Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги НМИУ, 2015. – 353 б.

31. Исмоил Гаспринский ва Туркистон. – Тошкент: Шарқ, 2005. – 288 б.

32. Истиқлол ва Фитрат” мавзуидаги анъанавий республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2017. – 235 б.

33. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Тошкент: Фан, 1983. – 250 б.

34. Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги НМИУ. 2016. – 364 бет.

35. Каримов Н. Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон. – Тошкент: Фан, 1991. – 85 б.

36. Каримов Н. Чўлпон. – Тошкент: Шарқ, 2003. – 464 б.

37. Каримов Н. XX аср адабиёти манзаралари. – Тошкент: O'zbekiston, 2008. – 536 б.

38. Каримов Н. Уч буюк сиймо. – Тошкент: MUMTOZ SO'Z, 2019. – 316 б.

39. Маллаев Н.А. Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974. – 228 б.

40. Мамажонов С. Ғафур Ғулом прозаси. – Тошкент: Фан, 1966. – 226 б.

41. Мамажонов С. Лирик олам ва эпик қўлам. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979. – 334 б.

42. Мирвалиев С. Ўзбек адиблари / XX аср ўзбек адабиёти / – Тошкент: Ёзувчи, 2006. – 280 б.

43. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Учинчи том. Ғаройиб ус-сиғар. – Тошкент: Фан, 1988. – 616 б.

44. Навоий А. Мукамал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Тўртинчи том. Наводир уш-шабоб. – Тошкент: Фан, 1989. – 560 б.

45. Норматов У. Қодирий боғи. – Тошкент: Ёзувчи, 1995. – 217 б.

46. Orzibekov R. O'zbek adabiyoti tarixi. – Toshkent: O'zbekiston Yozuvchilar uyushmasi AJN, 2006. – 272 b.

47. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017. – 207 б.
48. Сафаров О. Болалик куйчиси. – Тошкент: Фан, 1976. – 250 б.
49. Сафаров О., Сафарова Х. Чўлпон Бухорода. – Тошкент: Мухаррир, 2013. – 188 б.
50. Тожибоева М. Жадид адабиёти ва мумтоз анъаналар. – Тошкент: Mumtoz so'z, 2011. – 142 б.
51. Tojiboyeva M. Milliy uyg'onish davri o'zbek adabiyoti. 2-nashri. – Toshkent: Mumtoz so'z, 2017. – 208 b.
52. Улуғов А. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: G'afur G'ulom nomidagi NMIU, 2018. – 308 б.
53. Фитрат А. Аруз ҳақида. / Танланган асарлар. Ж.V. – Тошкент: “Маънавият”, 2010. – 302 б.
54. Фитрат А. Адабиёт қоидалари: Адабиёт муаллимлари ҳам адабиёт ҳаваслилари учун / Нашрга тайёрловчи, сўзбоши ва изоҳлар муаллифи: Болтабоев Х. – Тошкент: Ўқитувчи, 1995. – 112 б.
55. Чўлпоннинг бадий олами / Масъул муҳаррир: Каримов Н. – Тошкент: Фан, 1904. – 130 б.
56. Чўлпон ва унинг адабий мероси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2018. – 162 б.
57. Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён. – Тошкент: Mashhur-press, 2018. – 325 б.
58. Шайх Аҳмад ибн Худойдод Тарозий. Фунуну-л-балоға. Тошкент, “Хазина” нашриёти, 1996. – 355 б.
59. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 355 б.
60. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, НМАК, 2004. – 456 б.
61. Шарафиддинов О. Оламнинг қалби. – Тошкент: Маънавият, 2014. – 264 б.
62. Шарафиддинов О. Чўлпонни англаш. – Тошкент: Ёзувчи, 1994. – 47 б.
63. Шодмонов Н. Аруз вазни асослари. Қарши: Насаф, 2012. – 68 б.

64. Ўзбек адабий танқиди: [антология] / Тузувчи ва нашрга тайёрловчи: Каримов Б. – Тошкент: TURON IQBOL, 2011. – 544 б.

65. Қосимов Б. Миллий уйғониш: жасорат, маърифат, фидойилик. – Тошкент: Маънавият, 2002. – 400 б.

66. Қосимов Б. ва бошқ. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: Маънавият, 2004. – 464 б.

67. Қосимов Б. Исмоилбек Гаспрали. – Тошкент, 1992. – 144 б.

68. Қодиров П. Тил ва эл. Бадиалар. – Тошкент: Маънавият, 2010. – 296 бет.

69. Қуронов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Akademnashr, 2010. – 400 б.

70. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Toshkent: Akademnashr, 2018. – 480 b.

71. Қуронов Д. Муталаа ва идрок машқлари. – Тошкент: Akademnashr, 2013. – 336 б.

72. Қуронов Д. Назарий қайдлар. – Тошкент: Akademnashr, 2018. – 128 б.

73. Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1997. – 250 б.

74. Қўшжонов М. Ижод масъулияти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1981. – 342 б.

75. Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1988. – 232 б.

76. Ғаниев И. Фитрат ва Фитратшунослик. – Тошкент: Фан, 2005. – 300 б.

77. Ҳакимов М. Алишер Навоий лирикаси ва халқ оғзаки ижоди. – Тошкент: Фан, 1979. – 216 б.

78. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. – 212 б.

79. Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент, 1979. – 300 б.

IV. Хорижий тиллардаги илмий адабиётлар

80. Акрем Дж. Теорические основы аруза и азербайджанский аруз. – Баку: Маариф, 1965. – 232 с.
81. Баранов Х.К. Арабско-русский словарь. – Москва: Русский язык, 1989. – 926 с.
82. Бахтин М.М. Вопросы литературы и эстетики: Исследования разных лет. – Москва: Художественная литература, 1975. – 502 с.
83. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965. – 524 с.
84. Богданов О.П. Редкие животные Узбекистана. – Тошкент, 1992. – С. 272-273.
85. Шчербак А. Соотношение аллитерации и рифмы в тюркском стихосложении // Народы Азии и Африки. – 1961. – № 2. – Б. 152.

V. Диссертация ва авторефератлар

86. Айматов А. Абдулхамид Чўлпон эстетикасининг ғоявий-бадний асослари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2001. – 135 б.
87. Афоқова Н. Ўзбек жадид адабиётида шеърини шакллар тараққиёти тамойиллари: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 2005. – 281 б.
88. Болтабоев Ҳ. XX аср бошлари ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1996. – 368 б.
89. Давлатова А. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида эстетик идеал муаммоси: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 28 б.
90. Долимов У. Жадид мактаблари: уларда она тили ва адабиёт ўқитишнинг илмий-назарий ҳамда амалий асослари: Пед. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 40 б.
91. Жабборов И. Абдулла Орипов шеърини тарихий шахс концепцияси ва лирик қаҳрамон масаласи: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 2008. – 24 б.

92. Жабборов Н. Фурқатнинг хориждаги ҳаёти ва ижодий мероси: манбалари, матний тадқиқи, поэтикаси: Филол. фан. д-ри... дисс. – Тошкент, 2004. – 298 б.

93. Имомкаримова М. Ўткир Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2004. – 150 б.

94. Йўлдошев Н. Чўлпон шеърятда пейзаж: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1994. – 157 б.

95. Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши: Филол. фан. д-ри ... дисс. Тошкент, 2017. – 270 б.

96. Мирзоҳидова Л. XI-XII асрлар туркий адабиётида мажозий тасвир бадиияти: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Самарқанд, 2018. – 50 б.

97. Мўминов Ф. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1994. – 256 б.

98. Нарзиқулова М. “Сабаи сайёр” достонида фольклоризмлар ва ўзбек фольклорида Баҳром сюжетининг талқини: Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 2006. – 150 б.

99. Раззоқов А. Алишер Навоий шеърятда илм ва маърифат талқини: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Қарши, 2018. – 48 б.

100. Саидов У. Миллий уйғониш даври ўзбек адабиётида комил инсон масаласи (Европа маърифатчилиқ адабиёти билан қиёсий ўрганиш таҷрибасидан): Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2002. – 30 б.

101. Санаев И. XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрнинг бошларида Зарафшон водийси адабий муҳити: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2001. – 28 б.

102. Салимова Д. Шеърӣ таржимада бадиӣ ният ва поэтик маҳоратнинг қайта ифодаланиши: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 50 б.

103. Султонов У. Чўлпоннинг адабий-эстетик қарашлари. Филол. фан. номз... дисс. – Тошкент, 1995. – 147 б.

104. Тилавов А. Ўзбек халқ дostonларидаги от образининг тарихий асослари ва бадий талқини: Филол. фан. номз... дисс. автореф. – Тошкент, 2000. – 24 б.

105. Тожибоева М. Жадид адиблари ижодида мумтоз адабиёт аънаналари: Филол. фан. д-ри. ... дисс. – Тошкент, 2018. – 283 б.

106. Турдимов Ш. “Гурӯғли” дostonларининг генезиси ва тадрижий босқичлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2011. – 30 б.

107. Тўлабоев О. Каримбек Камийнинг ҳаёт ва ижод йўли: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2010. – 158 б.

108. Холиқова Д. Ҳозирги ўзбек шеъриятида фольклор аънаналари ва бадий маҳорат: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2011. – 148 б.

109. Шарипова Л. 80-90-йиллар ўзбек шеъриятида фольклоризмлар: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2008. – 140 б.

110. Эшонқулов Ж. Ўзбек фольклорида дев образининг мифологик асослари ва бадий талқини: Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1996. – 28 б.

111. Ярматов И. Типология фольклоризмов в современной узбекской литературе (60-е и начало 80-х годов): автореф. на соиск. канд. фил. наук. – Тошкент, 1985. – 24 с.

112. Қаямов О. Ўзбек фольклорида пари образи (генезиси ва бадийи): Филол. фан. номз. ... дисс. автореф. – Тошкент, 1999. – 24 б.

113. Қувватова Д. Ўзбек илмий-бадий фантастикасида фольклор мотивлари: Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 1997. – 148 б.

114. Қуронов Д. Чўлпон поэтикаси: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1998. – 280 б.

115. Ҳамдамова С.Х. Фольклор аънаналари ва бадий талқин: таъсир ҳамда акс таъсир масалалари (XVIII-XIX аср шеърияти мисолида): Филол. фан. номз. ... дисс. – Тошкент, 2012. – 147 б.

116. Ҳамдамов У. XX аср ўзбек шеърятининг бадиий тафаккур тадрижининг ижтимоий-психологик хусусиятлари: Филол. фан. д-ри ... дисс. автореф. – Тошкент, 2017. – 70 б.

117. Ҳамроева О. XX аср бошлари ўзбек матншунослиги тараққиётида Фитрат мажмуаларининг ўрни: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) ... дисс. автореф. – Тошкент, 2018. – 50 б.

118. Ҳаққулов И. Ўзбек тасаввуф шеърятининг шаклланиши ва тараққиёти: Филол. фан. д-ри ... дисс. – Тошкент, 1995. – 286.

119. VI. Мавзуга оид илмий мақолалар

120. Абдусаматов Ҳ. Ҳамза ва Чўлпон / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент. – 1990, 6 апрель.

121. Азиззода Л. Чўлпон ким эди? // Ёшлик. – Тошкент, 1998. – № 10. – Б. 23 б.

122. Асқаров С. “Майсаранинг иши” комедиясида халқ оғзаки ижоди // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1967. – № 3. – Б. 28-31.

123. Аҳмедов Б. Тонг қоронғисида / Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент, 1988, 25 ноябрь.

124. Аҳмедов С. Машаққатли давр фарзанди / Совет Ўзбекистони санъати. – 1988. – № 6. – Б. 24-25.

125. Жабборов Н. Истиқлолга эврилган орзу // Гулистон. – Тошкент, 2017. – № 1. – Б. 24-25.

126. Жабборов Н. Фитрат ижодида Шарқ ва Ғарб маданияти талқини. / “Истиқлол ва Фитрат” мавзуидаги анъанавий республика илмий-амалий анжумани материаллари. – Бухоро, 2017. – Б. 6-13.

127. Жабборов Н. Чўлпон шеърятининг тимсоллар олами / Чўлпон ва унинг адабий мероси. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2018. – Б. 38-44.

128. Жабборов Н. Чўлпон шеърятининг миллий истиқлол орзусининг бадиий талқини / Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён. – Тошкент: Mashhur-press, 2018. – Б. 45-52.

129. Имомов К. Пари образининг мифо-эпик талқини // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 2007. – № 3. – Б.36-39.

130. Каримов Э. Олисдаги ёрқин юлдуз // Фан ва турмуш. – Тошкент, 1988. – № 3. – Б.12-13.

131. Мамажонов С. Чўлпоннинг насрий ижоди // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент, 1991. – № 6. – Б. 3-8.

132. Мамажонов С. Чўлпоннинг насрий ижоди // Ўзбек тили ва адабиёти. – 1992. – № 1. – Б. 12.

133. Мирзаев С., Файзиев А. Абдулла Қаҳҳор прозасида халқ оғзаки ижоди / Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент, 1967. – Б. 3-8.

134. Мусақулов А. Халқ кўшиқларида от инончининг бадий ифодаси // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1994. – № 4. – Б. 6-9.

135. Отаев Р. Тонг юлдузи шуълалари // Шарқ юлдузи. – 1988. – № 1. – Б. 76-182.

136. Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир // Ўзбек тили ва адабиёти. – Тошкент. – 1980. – № 4. – Б.37-45.

137. Сафаров О. Ҳ. Олимжон шеърий-адабий эртаклари // Педагогик маҳорат, 2003. – № 4. – Б. 62-63.

138. Тўраев Д. Миллий истиқлол ғояси ва жадид адабиёти / Жадидчилик ва миллий истиқлол тантанаси. – Тошкент, 2002, – Б.84-85.

139. Шарафиддинов О. Ижод йўли // Ёшлик. – 1987. – № 10. – Б.49.

140. Шарафиддинов О. Чўлпоннинг ижодий йўли тўғрисида // Шарқ юлдузи. – 1988. – № 2. – Б. 58-63.

141. Шодмонов Н. Мустаҳкам сабот соҳиби. / Илм ва ҳаёт йўлларида. – Тошкент: Академнашр, 2016. – Б.120-124.

142. Эрназарова Г. Бир ўчиб, сўниб... яна ёниш бор / “Чўлпон ижоди ва замонавий адабий жараён” мавзуидаги конференция материаллари. – Тошкент: Mashhur-Press, 2018. – Б. 92-бет.

143. Ўраева Д. Фитрат драмаларида киноя. – Бухоро, 2018. – Б. 18-20.

144. Ҳаққулов И. “Қутулиш юлдузи” йўқликка кирмас... / Ҳаёт, адабиёт ва абадият. – Тошкент: Тафаккур, 2019. – Б.60.

145. Ҳожиаҳмедов А. Шеърини санъатлар ва мумтоз қофия. – Т.: “Шарқ”, 1998.

МУНДАРИЖА

Кириш	3
-------------	---

I боб. Ижтимоий-адабий муҳит ва индивидуал ижодий тафаккур – поэтик мазмун янгиланишининг асоси

1. Поэтик мазмун янгиланишида ижтимоий-адабий муҳитнинг ўрни	9
2. Индивидуал ижодий тафаккур – поэтик мазмун янгиланишининг омили	31

II боб. Чўлпон шеъриятида бадий образ янгиланишининг адабий-эстетик омиллари

1. Чўлпон ижодида фольклоризмларнинг ўрни, турлари ва поэтик вазифалари	46
2. Бадий образ янгиланишида мумтоз поэтик анъаналарнинг ўрни	77

III боб. Чўлпон шеъриятида поэтик шакл янгиланиши

1. Адабий алоқалар – образ янгиланишининг ижодий-эстетик манбаи	102
2. Шоир шеъриятида поэтик жанр ва вазн янгиланиши тамойиллари	115
Хулоса	135
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	139

Адабий-илмий нашр

ШАҲЛО ҲОЖИЕВА

**ЧЎЛПОН ВА
МИЛЛИЙ ШЕЪРИЯТНИНГ
ЯНГИЛАНИШИ**

Муҳаррир:

Дилноза Рустамова

Техник муҳаррир:

Файзулла Азизов

Дизайнер:

Василий Бурцев

“Muharrir nashriyoti”

Лицензия: AI № 309. 2017 йил 22 июн.

Теришга 2019 йил 01 августда берилди.

Босишга 2019 йил 15 августда рухсат этилди.

Бичими: 84x108 1/32. «PT Serif» гарнитурасида
офсет босма усулида офсет қоғозида босилди.

4,75 шарт. б.т. 7,75 ҳисоб нашр. таб.

Адади 500 нусха. 101-сон буюртма.

“Муҳаррир нашриёти” матбаа бўлимида чоп этилди.
100185, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 20^А-мавзеи,
Сўгалли ота кўчаси, 5-уй. E-mail: muharrir@list.ru.



Ҳожиева Шахло Ҳазратовна

1968 йил Навоий вилояти Кармана туманида туғилган. 1990 йил Тошкент давлат университети (ЎзМУ) ўзбек филологияси факультетини битирган. Ҳозирда Ўзбекистон Миллий университети ўзбек филологияси кафедраси ўқитувчиси. Ўзбекистон Республикаси халқ таълими аълочиси (2007). “Чўлпон шеъриятида поэтик тафаккурнинг янгиланиш тамойиллари” мавзусида илмий тадқиқот олиб бормокда. Чўлпон ижодига, адабиётшунослик ва тилшунослик муаммоларига бағишланган ўттизга яқин мақолалар муаллифи. Мақолалари республикамиз ва хорижий давлатларнинг нуфузли илмий журналларида чоп этилган.



ISBN 978-9943-5764-2-1



9 789943 576421